

Муҳаммад ИСМОИЛ

СИЗ ҲАМОН ЎША СИЗ...

**Қисса, бадиа ва
ҳикоялар**

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2003 ЙИЛ**

МУНДАРИЖА

Қалбимдаги қизил атиргул	3
«Чолиқуши»нинг муҳаббатга зорлиги	7
Озодликнинг олис йўллари	10
Саҳройи гуллар	17
Юлдузлари куйган тун (киноқисса)	23
Бу ўлканинг тўрт фасли ҳам ёз!	61
Баҳорнинг энг сўнгги лоласи	66
Бахтли бўлмоқ шарти	71
Изғиринли кунларнинг бири	78
Аёлларни ардоқлаган юрт	81
Ён дафтардаги ёзувлар	84
Янги ой чиққан кеча	94
Мени кечир, Мукеш!	124
Тасодиф ўйини	128
Ҳаммага ёқадиган асар ёзиш қийин	135
Оппоқ гулдай ойдин хотира	139

10 31128
29

Истеъдодли ёзувчи Муҳаммад Исмоилнинг ушбу китобига «Юлдузлари куйган тун» киноқиссаси, бир қанча ҳикоя ва бадиалари кiritилган.

Унинг насрий асарларини варақлаб янги асрга қадам қўйган янги давр ўзбек ёзувчисининг бадиий талқинларидан баҳраманд бўлсангиз, бадиа ва саёҳатномаларини ўқиб, дунёнинг бешта қитъасини кезган қаламкашнинг фикр-мулоҳазаларидаги ўзгаришларни кузатасиз.



ҚАЛБИМДАГИ ҚИЗИЛ АТИРГУЛ

Ҳикоя

У пайтда университетнинг сўнгги курсида ўқирдим. Кичик курсда ўқийдиган Зиёда эс-хушимни ўғирлаганди. У ётоқхонада турар, ҳар куни эрталаб ўқишга келаётганимда эшигига бир дона қизил атиргул қистириб ўтардим. Атиргулларнинг ҳаммаси деярли бир хилда чиройли ва муаттар эди. Ҳар тонгда тиқилинч автобусда одамларнинг қарашидан ҳижолатда кўзимни деразадан узмасликка ҳаракат қилар эканман, атиргулнинг хушбўй ҳиди димоғимга урилар эди. Бир куни ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, гулни эшикка қистирмоқчи бўлганимда, ўша қиз ичкаридан чиқиб қолди.

— Вой, нима қилаяпсиз? — деди у худди ҳеч нарса билмайдигандай.

Тўғриси, ўша пайтда қочиб кетишнинг иложи бўлганда, албатта бошим оққан томонга қочган бўлардим. Лекин, бунинг сира иложи йўқ эди.

— Ўзим, — дея гўлдирадим.

— Бу гуллар кимга ахир, — деди у бироз зардали, бироз илтижоли овоз билан.

— Наҳотки билмасангиз, — дедим кўзларим жовдираб. У бошини қўйи эгди. Шунда, қайси дугонаси унинг кўнглига шубҳа солди экан, дея ўйлай бошладим. У назаримда ўша лаҳзаларда ожиз, ўксик ва чорасиз эди.

— Бу гуллар фақат сиз учун, — дедим. Мен ортиқча гапиролмасдим. Чунки, юрагимдаги энг катта сирни очаётгандим. Бу сир шу қадар ардоқли эди-ки, бу сирни фақат шу қизнинг ўзигагина, у мендан илтижо қилиб сўрагандагина айтишим мумкин эди. Аммо, у хонасига кириб кетар экан, аксинча «Кетинг» дея фармон берди.

Орадан кунлар ўта бошлади. Бир сония бўлсин, ортидан эргашишдан ўзимни тиёлмасдим. У қаерга борса, мен ўша ерда эдим. У ким билан нимани гаплашганини сўраб олар, нимаики истаса муҳайё қилар, фақат унинг ўзи билан гаплашишга юрагим бетламасди. У гоҳида ғамзали қараб қўяр, гоҳида умуман бепарво эди. Лекин у ҳам мени яхши кўришини ич-ичимдан ҳис қилардим. Гоҳида

қиз бола ҳам шу қадар мағрур бўладими, дея ҳайратга тушардим.

Ёзги таътил ҳам бошланди. Ўқишим тугаб, қишлоққа жўнадим. У ҳам амалиётни ўташ учун ўз вилоятига кетди. Онам: «— Мана ўқишинг битди, энди уйлантирайлик», — дея маслаҳат солдилар. Зиёдани кўрмаганимга ўн кундан ошгани учун жоним ҳиқилдоғимга келиб турганди. Ойимга, «Ўйлаб кўрайликчи» — дедимда, сафарга отландим.

У жуда олис қишлоқда турар экан. То унинг уйини сўраб боргунимча, келганимдан бутун қишлоқ аҳли огоҳ бўлди. У мени дарвозаси олдида кўриб, эсанкираб қолди. Ичкарига таклиф қилди. Мен бирон овлоқ жойда гапни пишитиб олармиз деган умилда, таклифига унамадим. У кийиниб чиқиш учун уйига кириб кетди. Лекин, биз борадиган, одамлар кўзидан пана жойнинг ўзи йўқ эди. Қишлоқ ўртасидан ўтган ариқ кўприги устида учрашадиган бўлдик. Мен айтадиган гапларимни ичимда такрорлаб турардим. Ҳали ўн дақиқа ҳам ўтмай, уч-тўрт қишлоқ боласи атрофимни ўраб олди. Улар нима сабабдан, кимнинг олдида келганимдан огоҳ бўлишган эди. Бир пасда ёқалашиб кетдик. Мен ҳозир улар ўнта бўлса ҳам ҳеч нарсадан кўркмасдим. Менга у қизга рўбарў бўлишдан, шу ўнта бола билан урушиш осонроқ эди. Лекин, кўп ўтмай, оғзи бурним қон бўлди. Оппоқ кўйлагим қип-қизил рангга бўялди. Бу ҳолатда энди ким билан учрашаман дея, баттар жаҳлим чиқиб кетди. Катта тошни олиб, аямай ура бошладим. Болалар бирма-бир тисарилиб, ўзларини четга олишди. Мен шу бўйи, шу ғазабда, қизнинг уйига юриб кетдим. Атрофимдагилар орқамдан кела бошлашди. Кимдир гап етказган шекилли, уйдан қизнинг отаси чиқиб келди. Бир қўлимда тош, кўйлагим қон, шимим чанг-тупроққа беланган эди.

— Мен қизингизнинг олдида келдим, уни яхши кўраман. Унга уйланаман, — дедим дарғазаб.

— Уйга киринг, меҳмон, — деди отаси фарғонача илтифот билан. Мен унинг отасини гойибдан хурмат қилар, у ҳақда жуда кўп яхши гапларни эшитгандим.

— Қизим менга сиз ҳақингизда ҳеч нарсa демагандику, — деди.

— Чақиринг қизингизни, — дедим ўзимни босолмай. Шунда, боя мен билан урушган болалар ичидан бири чиқиб:

— Чақирманг уни, — деди. — У энди меники, бизни унаштиришган!

Ишнинг бу қадар чаппа кетганидан ўзимни тутолмай қолдим.

— Мен яхши кўрган қизни-я, ахир у мени яхши кўради. Мен уни севганман, кучоқлаганман, ўпганман... — дедим, лўлилик қилиб. Аслида сўнгги гапларим ёлғон, уни ҳеч қачон кучоқламаган, ўпмаган ҳам эдим.

— Ит сув ичган билан дарё ҳаром бўлиб қолмайди, — деди у безбетларча.

— Ҳаром билан ҳалолнинг фарқига бормайдиган ит сенсан, — дедим ўзимни тутолмай.

Шу пайт ичкаридан Зиёда чиқди. Унинг кўзлари жиққа ёшга тўлганди. Отасининг ёнига келди-да, менга қараб:

— Кетинг, — деди. Бу сўз барча жанжалимизга хотима ясаган эди. Билмадим, ўшанда қандай тилим айланди, уни қаттиқ сўкиб, ортга бурилдим. Автобусда кела-келгунча йиғлаб келдим. Орадан ўн беш кун ўтиб, ўзим мутлақо билмайдиган қизга уйландим.

У тўйимдан бир кун олдин, дугонаси билан бир даста гул ташлаб кетди. Қоғозга ўроғлиқ «Ўтган кунлар» китоби ичидан қуриб қовжираб қолган бир дона атиргул чиқди. Мен ўзим қачонлардир унга совға қилган атиргулни танидим...

Орадан йиллар ўтди. У ўғлининг исмини Аҳмад қўйди. Мен эса қизимга Зиёда деб, ном қўйдим. Унинг номини шу қадар севардимки, бу номдан гўзалроқ, жозибалироқ, айтсам юрак-юрагим сирқираб кетадиган бошқа-биронта ном мен учун йўқ эди.

Орадан йиллар ўтди. Бир куни оғир хаста бўлиб, шифохонага тушдим. Уйдагиларга ва умуман ҳаммага сафарга кетдим, деб хасталигимни яширдим. Оғир операцияга киришим керак эди. Бундай оғир синовдан фақат бир ўзим матонат билан ўтишим, атрофимдагилар қийналмаслиги шарт эди.

Шифтга қараб ётар эканман, кўзимнинг икки томонидан дув-дув ёш тўкиларди. Наҳотки, энди бари тугаса, дердим. Танимдаги азоб бир оғриқ берса, дилимда яна бир оғриқ бор эди:

— Наҳотки, бу дунёга келиб муҳаббат нималигини билмай ўлиб кетсам — дердим.

Шу бўйи бошим тошдай қотиб, ухлаб қолибман. Юзимни кимдир силаётганидан уйғониб кетдим. Кўзим юмук, кимнинг қўли эканлигини билолмасдим. Умуман, билишни ҳам истамасдим. Менга яқин одамларни бир-бир кўз олдимдан ўтказа бошладим. Эслаганларимнинг биронтаси

ҳам кўзимни очишим учун истак уйғотмасди. Менга ҳеч кимнинг қўли керакмас эди. Балки, қизим келдимикан дея, ичимда бир қувонч ярқ этди. Юзимда ўзгариш рўй бера бошлади.

— Туринг, Аҳмад ака, — деган нотаниш овозни эшитиб, баттар ҳафсалам пир бўлди. Овоз яна ҳукмфармо равишда янгради:

— Туринг, уйқучи!

Кўзимни очдим, қаршимда у турганини кўрдим. Кўзларимга ишонмадим. Унинг ёнида бир болакай ҳам бор эди. Мен ҳайрон бўлиб, бошимни кўтардим: — Ия, сизмисиз?!

— Ҳа, мен. Бу ўғлим Аҳмад.

Биз алламаҳалгача гаплашиб ўтирдик. Мени қандай топиб келганини, ҳаёти қандай кечаётганини суриштирдим. Суҳбатимиз саккиз соатга яқин давом этди. Биз илк бор танишганимиздан то бугунга қадар неча бор кўришиб, неча бор суҳбатлашган бўлсак, ҳаммасини йиғиб келганда ҳам саккиз соат чиқмасди. Бу ўн беш йил ўтибгина илк бора бемалол гаплашиб ўтиришимиз эди. У кетар олди сумкасидан яна битта қуриб қолган атиргул олиб узатди... Мен атиргулни танидим. Бу мен қачонлардир унинг эшигига қистириб кетган атиргуллардан эди.

— Мен сизга жуда кўп атиргул совға қилганман, ҳаммасини бирма-бир олиб келсангиз, ҳаётимнинг охиригача улгурармикинсиз, — дедим ҳазиллашиб.

— Мен улгурмасам, ўғлим Аҳмаджон қизингизга совға қилиб улгурар, — деди у.

— Айтиб қўйинг, мабодо қизимни бошқага унаштириб қўйсам, кечикиб юрмасин, — дедим мен ҳам.

— Йўқ, уни сиздан кўра уддабуронроқ қилиб тарбиялаяпман. Сиз билан ҳозирдан таништириб қўяётганим ҳам бежиз эмас, — деди у.

— Илоё, шу кунлар насиб қилсин, — дедим ютишиб. У кетди. Шифохонада анча вақт ётиб чиқдим-у, лекин тўлиқ соғайиб кетишимга умид йўқ эди. У бирма-бир икки бора келтирган иккита атиргулни уйимнинг ҳеч ким билмайдиган жойида сақлаб қўйибман. Мабодо, бир кун ҳаётдан кўз юмадиган бўлсам, уларни бошим устига қўйишади.

Зиёда эса, тақдир тақозоси билан фарзандларимиз бир-бирларига кўнгил қўйишса, никоҳ тўйлари куни неча йиллардан буён ўзида сақлаб келаётган атиргуллари уларнинг сандиқларига сеп сифатида солиб қўймоқчи.

«ЧОЛИҚУШИ»НИНГ МУҲАББАТГА ЗОРЛИГИ...

(Бадиа)

Ўйлаганимдай бўлди. Уни кўрсам танимасам керак, деган эдим. Рости, мутлақо ҳайрон бўлиб қолдим. Зўр бериб, унинг кўзларидан ўзимга таниш ва қадрдон жилвани, маъсумликни, мунисаликни ахтара бошладим. Афсус, қанчалик термулмай, кинодаги Фериданинг нигоҳларини таний олмадим. Кейинроқ суҳбат чоғида ҳамма нарса жойига туша бошлади. Кулгулар, жилмайишлар, хаёлга чўмишлар, Феридадаги назокат Ойдан Шанер хонимнинг юзига, кўзларига бирма-бир балқиб чиқа бошлади.

Анқарада ўн беш кун юриб, туркчани анча ўрганиб олгандим. Илтифотга тўла илиқлик билан ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Ийи гунлер!

— Ийи гунлер!

— Чўқ ташаккур, хоним афанди!

— Соғ бўлинг. Бура қач галдингиз?

— Бурунги гун.

Шу билан бисотимдаги сўзлар тугади. Ўртага таржимон аралашди. Лекин Ойданнинг сўзларини англаб турардим. Таржимон то учрашгунимизгача бўлган воқеаларни айтиб бера бошлади.

Гап шундаки, Анқара Туркия пойтахти бўлгани билан санъаткор, ёзувчи, шоирларнинг бари Истанбулда яшашар экан. Биз ҳужжатларимизни Анқарага расмийлаштирган эдик. Истанбулда эса бор-йўғи бир кунгина бўлишимиз кўзда тутилган эди. Режамизда машҳур турк қўшиқчиси Иброҳим Тотлисас билан учрашув тургани учун ҳам зўр бериб, Ойдан хонимни излай бошладик. Уйига кечқурун 8.00 да телефон қилдик. Йўқ, 10.00да ҳам йўқ. Уяли телефони ўчирилган. 12.00да ҳам йўқ. Телефонни ҳар гал унинг 10—11 яшар қизи кўтаради. — Афандим, — дейди майингина. — Буюринг! Биз онасини сўраймиз. У онаси кеч қайтишини айтади. Шундай қилиб, эртаси куни кундузи соат 12.00 да Ойдан хоним уйқудан уйғониб, телефони кўтарди: Буюринг!

Бизнинг эса 18.30 да самолётимиз осмонга кўтарилиши, 17.00 да аэропортда бўлишимиз, 16.00да машина меҳмонхонадан олиб кетиши керак. Хуллас, вақт тигиз.

Телефонда ёлворишга тушамиз: — Келақол, Ойдан! Биз узоқдан келганмиз. Икки оғиз суҳбатлашишимиз керак. Йўқ дема! Вақтимиз зиқ. Ойдан ҳам гўзал Ойданхон!

Шеър ўқиймиз:

Мен йўқсил не бўлиб, уни суйибмен,
Унинг-чун ёнибмен, ёниб-қуйибмен,
Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен,
Мен суйиб, мен суйиб, кимни суйибмен?
Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал.

Таржимон мана шуларни, муҳаббат ва эхтиросга тўла шеър ўқиганларимни айтиб беради. Кула туриб: «Сўранг-чи, мен ўйнаган яна қайси кино буларда қўйилган экан?», — деб термулганча қарайди.

Мен «бошқа киноингиз қўйилмаган» ишорасини қилиб, ихтиёрсиз афсусланган бўламан. Ойдан қаттиқ ўкиниб, лабларини тишлаб қолади. Орага жимлик чўкади.

— Қанча кинода ўйнагансиз?

— Ўндан ортиқ.

— «Чолиқуши» нечта давлатда қўйилган?

— Шарқ давлатларининг деярли ҳаммасида. Осиё, Оврўпада ҳам. Американи билмадим.

— Голливудга таклиф этишса, борармидингиз?

— Йўқ. Туркиянинг ўзидан ҳам таклифлар жуда кўп. Роллардан, меҳнатдан ҳеч бўшамайман. Лекин Голливуд ҳақиқатдан ҳам кинонинг буюк ижодхонаси. Кино санъатининг энг етук даргоҳи. Уни ҳамма актёр орзу қилади. Мен ҳам. Лекин...

Ойдан хоним жилмайиб елка қисди.

— Кино оламига қандай кириб келгансиз?

— Мен асли мусиқа ўқитувчисининг қизиман. 18 ёшимда «Туркия гўзали» конкурсидида қатнашиб, биринчи ўринни олдим. Кейин суратларимни ҳамма газета ва журналлар чоп эта бошлади. Шулардан бири «Чолиқуши»нинг режиссёри қўлига тушиб қолиб, фильмга таклиф этди. Ва ўзим кутмаганда, 1986 йил ушбу кино экранда намоиш этилиб, кўпчиликка манзур бўлди. Шу жумладан ўзимга ҳам. Кинода 18-20 ёшимда суратга тушганман. Мана, ордан 13 йил ҳам ўтиб кетибди. Феридадан олдин бор-йўғи битта роль ўйнагандим.

— Сиз ўзингиз ҳаётда «Чолиқуши»га ўхшайсизми?

— Ҳа, кўп жиҳатдан ўхшайман. Мен ҳам у каби кўп қийналдим. Заҳматлар, туҳматлар ва охир-оқибат ҳаётимдаги мен чеккан жабру-жафолар, оиламдаги келишмовчиликлар... Булар бари Феридани ёдга солади.

— Камронбей билан ҳам кўришиб турасизми?

— Уни кўрмаганимга ўн йил бўлди. Лекин яқинда бир кинода бирга ўйнамоқчиман.

— Фериданинг муҳаббатига қандай муносабат билдиришингиз мумкин?

— Бундай муҳаббат фақат орзу бўлиб қолди. Қанийди, ҳозирги замонда ҳам шундай муҳаббат бор бўлса... Қанийди... Бу менинг орзуим. Ундай муҳаббатга энди дуч келиш қийин...

— Наҳотки сиздай одам ҳам муҳаббатга зор бўлса?..

— Одам, у ким ва қандай мартабада бўлишидан қатъий назар, барибир муҳаббатга интиқ бўлади. Мен эса Фериди каби оддий ва содда қизман. Қийинчиликлардан кўрқмайман.

— Ўзбекистон ёшлари ҳақида нималарни биласиз?

— Афсуски, жуда кам нарсани. Лекин сиз айтгандай, «Чоликуши»ни яхши кутиб олишган бўлса, демак, улар мен каби Феридани яхши кўришади, мен эса Феридани яхши кўрган ҳар бир инсонни жуда қадрлайман. Умуман олганда, Ўзбекистон — ота боболаримиз юрти. Биз ўзбекистонлик қардошларимизни ҳаммамиз севамиз. Уларга саломлар ва таъзимлар. Уларга туганмас ташаккуримизни етказинг.

— Агар ўзбекистонлик киночилар роль ижро этишга таклиф қилишса борасизми?

— Мен ҳам Тошкентни, Самарқандни кўришни истайман. Фақат киносценарий яхши, кўнглимдагидай бўлса.

— Бугунги турк аёли қанақа аёл?

Ойдан жавоб ўрнига шарақлаб кулди. Ўзини кўрсатди.

— Мана турк аёли. Мен турк аёлига ўхшайманми? Ўша сиз танитай қолган турк аёлига...

(Албатта, саволга жавоб қисқароқ бўлгани учун ўша кун биз туширган Ойдан хонимнинг суратига қараб, ўзингиз жавоб топсангиз бўлади.)

Биз Оврўпа ва Осиёни боғлаб турган Истанбул кўрфазини бўйларида анча вақтгача айланиб юрдик. Соат миллари 16.00 га яқинлашарди. Дастхат олдик. Суратга туширдик. Видеокамералар чириллаб айланди. Унинг суҳбатига тўймадик. У дилдорлик билан хайрлашишга қўл чўзди. Машинасигача кузатиб қўйдим.

— Қизингни ўпиб қўйинг, — дедим. У ҳам:

— Мени севгувчиларнинг барчасига туганмас саломимни етказинг, — деди. Хайрлашдик. У машинасини кўприкдан Оврўпа томонга елдай ҳайдаб ўтиб кетди.

Мен эса Осиё қирғоқларида қўл силтаб қолдим.

ОЗОДЛИКНИНГ ОЛИС ЙЎЛЛАРИ

(Саёҳатнома)

Самолёт ўн минг метр баландликда сузиб борарди. Кўм-кўк осмон, кўм-кўк баҳри уммон...

Пастда паға-паға оппоқ булутлар, юқорида сўнгсиз фазо. Салонда оромбахш муздек ҳаво таъсирида мудраб кетаётган одамлар. Суянчиқдаги симларни қулоғингизга тиқсангиз, йигирма хил тилда қўшиқ янграйди. Қаршингиздаги экран эса қаерда, қандай ҳолатда, қайси тезликда учиб кетаётганлигингизни кўрсатиб туради... Сизни истаган пайтингизда овқатлантиришга шай стюардессалар...

Бундан тўрт юз йиллар олдин, мана шу океан бўйлаб Христофор Колумб бир юз эллик киши билан учта кемада Ҳиндистон сафарига отланган эди. Олти ойдан сўнг унинг қўрқмас денгизчилари ацтеклар ерига якорларини ташладилар ва улар узоқ вақт ҳиндулар ерига келдик деб юрган жой... бора-бора дунёдаги энг қудратли давлатлардан бири, Америка бўлиб чиқди.

Христофор Колумб... олти ой баҳри уммонда умид ва ўлим оралигида, ҳар сония жасорат ва матонат билан, ҳалокат исканжасидан омонлик излаб, инсон иродасининг кучу-қудратига ҳайкал қўйди.

Рамақижондай елканли кемаларга денгиз довуллари, аёвсиз тўлқинлар гирдоби, баҳайбат китлар ҳамласи...

Очлик, сувсизлик...

Буларнинг бари учун улар қанча куч, қудрат сарфлашди? Қанчалик аҳиллик, инсонийлик керак бўлди уларга?

Инсон ақли, тафаккури, иродаси, матонати шу қадар қудратли экан, биз бугун ўзимиздаги бу тафаккур ва ироданинг қанчасини сарфлаяпмиз? Нималарга сарфлаяпмиз? Буюк ва эзгу кашфиётлар ҳақида ўйлаяпмизми? Танзимиздаги куч-қудрат, наҳотки мудраганча, йўқлик сари юз бурса?

Бундай гофилликдан худо асрасин... Самолёт, ҳамон Колумб юрган йўллар устидан сузиб борарди.

ОИЛА

Дастлаб, Вашингтон шаҳридаги бир уйнинг битта хонасини, бир ҳафтага ижарага олдик. Уй эгаси...

Вашингтон шаҳридаги қайсидир ўқув даргоҳининг рек-

тори экан. Бу даргоҳ биноси унинг шахсий мулки бўлиб, ўқитувчиларни ҳам, талабаларни ҳам ҳар йили шартнома асосида ёллар ва умуман, ҳисоб дафтарида миллион-миллион доллар маблағ айланар экан. Биз берадиган ижара пули аслида урвоқ ҳам бўлмасди-ю, лекин... Хўжайиннинг хотини ҳам шу ўқув даргоҳида ёлланма ўқитувчи экан... Бироқ, уларнинг якка-ю ягона ўғиллари, икки йилдан буён шу даргоҳга ҳужжат топшириб, ўқишга кира олмас экан. Биз бу ҳолдан таажжубланиб, сўрадик:

— Ҳар ҳолда ўғлингиз, ачинмайсизми, кўмак берсангиз, ўқишга кириб кетарди. Қанча бегоналар ўқияпти. Ахир у оилангиз келажаги!

— Мен учун оиламнинг келажигидан кўра, Американинг келажаги муҳимроқ... Агар қобилияти бир поғона паст ўғлимни, ўқишга киритсам, бу бутун коллежга таъсир қилади. Коллежда ўқув савияси бир поғона пастга тушади. Бу ниҳоятда хавфли. Ўғлим, ҳали ўз устида ишлаши керак.

ВАШИНГТОН

Америка пойтахти Вашингтон шаҳрида 2 млн.га яқин аҳоли яшайди. Шаҳарга 1750 йили АҚШнинг биринчи президенти Жорж Вашингтон томонидан асос солинган. Вашингтон, асосан маъмурий, сиёсий, маданий марказ ҳисоблангани учун оддий ишчилар деярли яшамайди. Бу ерда ишлаб чиқарувчи биронта саноат корхонаси йўқ. Маҳаллий аҳолининг эҳтиёжини қондириш учун нон маҳсулотлари, ичимлик сувлари ишлаб чиқариладиган цехларгина фаолият кўрсатади.

Вашингтонда Оқ уй, Олий қонун чиқарувчи Конгресс биноси Капитолий, АҚШ Мудофаа вазирлиги биноси — Пентагон, АҚШ солиқ суди биноси, Жаҳон банки, Арлингтон қабристон, бешта университет, Ҳарбий Академия, Конгресс кутубхонаси, АҚШ миллий музейи, ўнлаб институтлар, ўнлаб музей ва илмий-тадқиқот муассасалари биноси жойлашган. Паркларининг ўзи 2800 гектар ерни олади.

Вашингтондаги энг баланд бино Капитолий биносидир. Ҳар йили 4 июлда Мустақиллик тантаналари Вашингтондаги бош майдонда ўтказилади.

Бугунги кунда шаҳар мэри — қора танли киши. Шаҳардаги ҳар бир оиланинг молиявий аҳволи шаҳар ҳокимияти назоратида. Қайси дўкондан нима олсангиз, қайси банкдан қанча пул олсангиз бари марказлашган компьютер тизимида ҳар сонияда қайд этиб турилади. Ҳаракатин-

гиз ва даромадингиз қаердан келиб, қаерга кетаётганлиги ҳисоб-китобда туради. Бу яширин даромад манбаи, солиқни ўз вақтида тўламаслик, порахўрликнинг (агар у бор бўлса, йўл қўймай) олдини олади.

АМЕРИКАЧА МУҲАББАТ!

Вашингтонда Арлингтон қабристони бор. Бу қабристонга Америка учун, хоҳ у Ироқдами, хоҳ Вьетнамдами, хоҳ Афғонистондами, қурбон бўлган америкалик фуқаронинг хоки келтириб кўмилади. Бу ерда собиқ Президент Жон Кеннедининг ҳам қабри бор. Ахир у ҳам қора танлилар ҳуқуқи, оқ танлилар ҳуқуқи билан тенг дея фармон чиқаргани учун отиб ўлдирилганди. Орадан йигирма йилдан зиёд вақт ўтиб, ёнига унинг беваси Жаклин-Онассис Кеннедининг ҳам жасади қўйилди. Ҳаммаси тўғри... Бироқ Жаклин, Жоннинг вафотидан сўнг яна икки бор турмуш курди. Ўша турмуш ўртоқлари билан узоқ йиллар яшади.

Америка Президентининг, миллий қаҳрамон даражасига кўтарилган улуғ зотнинг беваси, садоқат, вафо ҳирқасига бекиниш ўрнига, қайта-қайта эрга тегиб юриши ва дармони кетиб, ажали яқинлашар чоғи «Мен, Жонни севардим» — дея, қабрини унинг ёнига қўйишларини васият қилиши учун, оҳ, қанчалик сурбетлик, хаёсизлик керак.

Америкача муҳаббат деганлари балки шудир!

НЬЮ-ЙОРК

Нью-Йорк шаҳрига 1614 йилда голландлар асос солишган ва Нью-Амстердам дея номлашган.

Бироқ, 1664 йилда шаҳарни голландлардан тортиб олган инглизлар, Англия қироли Карл II нинг укаси герцог Йоркский шарафига Нью-Йорк дея ўзгартиришган. Бугун Нью-Йоркда 18 млн. аҳоли яшайди. Шаҳарда қирқ этаждан юз этажгача бўлган биноларнинг сони икки юздан ортиқ.

Биргина Нью-Йоркда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари, бутун Ҳиндистонда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларидан кўра кўпроқдир.

Гудзон дарёси устига қурилган битта кўприкнинг бир йиллик даромади, Осиёдаги ўртача бир давлатнинг бир йиллик даромади билан тенг.

Нью-Йоркни ҳақли равишда дунё пойтахти деса бўлади. Айтишларича, Нью-Йоркда яҳудийлар Тель-Авивдагидан, ирландлар Дублиндагидан, Пуэрто-риколиклар

Сан-Хоседагидан кўп эмиш. Ва бу ерда 177 миллатга мансуб аҳоли яшайди.

Манхеттен-худди баланд ва ўткир қиррали қоялар оролига ўхшайди.

АБРААМ ЛИНКОЛЬН

Вашингтондаги энг салобатли мақбаралардан бири Капитолий майдони ёнгинасида жойлашган, АҚШнинг 16-президенти шарафига, архитектор Генри Бекон тарафидан қадимги грек архитектураси услубида қурилган ҳашаматли бино Абраам Линкольн ёдгорлигидир. Ундаги 36 та баланд устун, А.Линкольн даврида АҚШга бирлашган 36 штат рамзидир. Бу салобатли ёдгорлик майдонида Мустақиллик байрамлари, Янги йил байрамлари, оммавий намойишлар, миллий байрамлар, сайлалар ўтказилади.

А.Линкольн Америкада қулчиликни тугатган тарихий шахс ҳисобланади. 1861 йил А.Линкольн Президент бўлиб сайланганидан сўнг, унинг қулчиликни тугатиш ҳақидаги фикрларини билиб қолиб 8 та штат АҚШдан ажралиб чиқади.

1861 йил 12 апрелда Жанубий ва Шимолий штатлар ўртасида шиддатли уруш бошланади. 1862 йилда қулчиликни йўқотиш тўғрисида фармон эълон қилинади ва қора танли қуллар озодликка чиқади.

1865 йилда фуқаролик уруши тугатилади ва мамлакат бирлиги қайта тикланади. Аммо, А.Линкольн ҳаёти фожеали тугайди: 1865 йил 14 апрелда, ғалабадан 5 кун ўтгач А.Линкольн Вашингтон шаҳридаги Форд театрида, спектакль томоша қилаётган пайтида, жанублик Жон Бус томонидан отиб ўлдирилади.



Ҳа, Америкада ҳам озодлик ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Бунинг учун юз минглаб америкалик юз йиллар давомида курашди, жон олиб, жон берди.

Худди шу ёдгорлик пойида, юз йилдан сўнг, 1963 йил 28 августда инсон ҳуқуқлари учун толмай курашган Мартин Лютер Кинг, кўп минг кишилик намойишда, «Менинг бир орзуим бор» номли нутқини ирод қилаётган пайтида отиб ўлдирилди. Мартин Лютер Кинг қора танли, устига-устак адолатпарвар инсон эди.

Озодлик душманлари қора ёки оқ танлисан деб ўтиришмайди. Қора танлилар ва оқ танлилар тенг ҳуқуққа эгаллиги тўғрисида фармон чиқарган Президент Жон Кеннедини ҳам отиб ўлдиришди.

Ҳа, Мустақиллик, эрк, озодлик учун курашган улуғ зотлар бу улар учун қанчалик қимматга тушмасин, миллатлар тараққиётининг муҳим поғоналарида юксалиш нуқтасини бошлаб берганлар. Инсоният уларнинг бу жасоратини абадул-абад унутмайди.

Линкольн майдонида айланиб юрар эканман, бу ерга тўп-тўп бўлиб келаётган оқ, сариқ, қизил, қора танли кишиларнинг чақнаб турган нигоҳларида ҳам мана шу иқрорни уқиб олиш мумкин эди.

КАПИТОЛИЙ МАЙДОНИ

Инсоният ҳамиша эзгуликка, озодликка интилиб яшаган. Асрлар оша бу орзулар мукаммаллашиб, тараққиёт деган бир улуғ оқимни пайдо қилдики, бу қудрат ҳар доим оламни ҳалокат ёқасидан, жаҳолат ботқоғидан қутқариб келди.

Сизга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлганим, Озодлик ҳайкалининг мўъжазгина нусхаларини мен дастлаб Капитолий майдонида кўрдим.

Капитолий майдони Америкада қандай пайдо бўлиб қолди?

Инсон Эрки ва озодлиги учун бир неча юз йиллар давомида курашган Америка, демократия ва давлатчилик бешиги ҳисобланмиш қадимги Римнинг маркази — Капитолий майдонини худди ўзидан нусха кўчириб, Вашингтон шаҳри марказини безади. Ахир, қадимги Римда Юлий Цезарь, Аристотель, Гомер, Платон сингари даҳолар, кейинчалик бутун инсониятнинг тақдирини ўзгартириб юборувчи асарларини, худди мана шу Капитолий майдонида эълон қилишган эди.

Асрлар оша бу майдон вайронага айланди. Ниҳоят, XVI асрга келибгина, Марк Аврелий даврида буюк Микеланджелога бу майдонни қайтадан таъмирлаш топширилди.

Микеланджело даҳоси бу майдонни шу қадар мафтункор ва бетакрор равишда яратди-ки, ундаги ҳашаматли бинолар, оппоқ саройлар, мармар маъбудаларнинг ҳар бири бутун бўй-басти билан санъат дурдонасига айланди.

Европа ўзининг Уйғониш даврида ҳур ва озод жамият қуриш истагида тараққиёт эшикларини ланг-ланг очиб юборган бўлса, энди америкаликларда мана шу иштиёқ уйғонган эди.

1793 йил Жорж Вашингтон томонидан Капитолий пойдеворига биринчи гишт қўйилди ва бу майдоннинг қурилиши қарийиб етмиш йил давом этди.

Бу майдонда худди Римда бўлгани сингари, АҚШ Конгресси, Американинг барча президентлари ишлайдиган ҳамда яшайдиган Оқ уй биноси, оппоқ мраммрдан қурилган Олий суд биноси ҳамда Конгресс кутубхонаси жойлашган.

ОЗОДЛИК ОРОЛИ

Нью-Йорк яқинидаги Озодлик оролида жойлашган Озодлик ҳайкали мамлакатдаги барча фуқаролар озод ва эркинлигини англатувчи рамзий белги ҳисобланади. Ҳайкал Француз-Америка дўстлик рамзи сифатида французлар томонидан совға қилинган. Аслида ҳайкал, Европадан Осиёга йўл очган Сувайш канали қуриб битказилиши муносабати билан яратилган бўлиб, бошига рўмол ўраган, озодлик машғаласини ёққан Шарқ аёли тимсолида эди. Лекин, Миср ва Франция ҳукумати раҳбарлари сарфҳаражатларда келиша олмагач, ҳайкал лойиҳасини ишлаб чиққан француз ҳайкалтароши Фредерик Аугусте Бартольд ҳайкални Америка қитъасига кираверишдаги Нью-Йорк шаҳри соҳиллари яқинида қурилишини таклиф қилади. 1860-йиллар бошида таклиф қилинган лойиҳага кўра, Озодлик ҳайкали 1865 йил АҚШ мустақиллигини 100 йиллиги тантаналарига тўхфа сифатида тайёр қилиб топширилиши керак эди. Бироқ орада бошланган Франция Прусано уруши сабаб лойиҳа амалга ошмай қолди. Уруш якунлангач, 1874 йили француз архитектори Бартольд Озодлик ҳайкалини қуриб битказиш мақсадида Қўшма Штатларга келади. Дастлаб лойиҳа амалга ошишидан олдин Француз-Америка бирдамлик жамғармаси таш-

кил қилиниб, жамғармага Французлар томонидан бир миллион франк ажратилади. Америка томонидан 250.000 доллар қўшилади холос.

АҚШ Конгресси 1877 йил президент Жорж Вашингтон туғилган куни муносабати билан Озодлик ҳайкалини Нью-Йорк яқинидаги Бадлоэ оролида тиклашга рухсат беради.

17 асрда оролга эгалик қилган Исаак Бадлоэ шарафига номланган 12 акр майдонда Озодлик ҳайкали қад ростлай бошлади. Ҳайкални Францияда яратган ҳайкалтарошлар қисмларга бўлиб океан ортидан 30 га яқин кемада Америкага келтиришади.

1886 йили президент Эйзенхауэр буйруғи билан Озодлик ҳайкали ўрнатилган. Орол Озодлик ороли дея ўзгартирилди.

1894 йил 21 майга келиб ҳайкал тўлиқ қуриб битказилади. Озодлик ҳайкалининг ўнг қўлида қонунлар мажмуи бор. Ҳайкалнинг умумий оғирлиги 225 тоннани ташкил қилади. Баландлиги эса 167 метр. Ҳайкалнинг бошланғич қисмидан, бош қисмигача 168 зинани босиб ўтиш керак. 1924 йилда Ҳайкал миллий обидалар қаторига киритилиб, ҳудуди Миллий парк мажмуига айлантирилди.

Нафақат АҚШ, балки Жаҳон меъморчилигининг ноёб дурдонаси ҳисобланган ҳайбатли Озодлик ҳайкалини томоша қилиш учун у ерга йилига 2 миллиондан ортиқ сайёҳ ташриф буюради.

СЎНГСЎЗ

Озодлик ҳайкали пойида кезиб юрар эканман, маъбуданинг оёқлари остига қўйилган бир фотосурат эътиборимни тортди. Суратда, маҳбуслик коржомасидаги қора танли киши, ҳибсхона кроватига суянганча мўлтираб ўтирибди. Кроватнинг тепасига эса Америка байроғи осибди. Узоқ вақт қараб қолганимни кўрган бир қора танли келиб суратни изоҳлай бошлади:

— Бу менинг дўстим. У ҳозир ҳибсхонада. Унинг илтимосига биноан расми бу ерга мен келтирдим.

— Нега у, ҳатто қамоқхонада жазоланаётган бўлса ҳам боши устига Америка байроғини осиб қўйибди?

— Чунки у, Америка қонунларига, адолатга, ҳақиқат тантанасига чин дилдан ишонади. Америка Конституцияси ҳар бир америкалик учун энг одил мезон деб билади. У шунинг учун ҳам Американи жон-дилидан севади. Озодликни эса ҳаммасидан кўра кўпроқ севади.

САҲРОЙИ ГУЛЛАР

(ҳикоя)

Яланглик узра гармсел тўлқинлари сассиз-садосиз мавжланади. Енгил эпкин, қўлсиз одамнинг енгидай шалпайиб қолган тўппалак қовун япроқларини ўйнайди. Чайлада эллик-олтмиш ёшлардаги икки овсин ва амакиваччалар терлаб-пишиб чой ичишаркан, ҳалигина бригадир ташлаб кетган ва зиммаларига бирданига тушиб қолган оғирлик-оғир гапни тошу тарозига солишиб, тарози палласининг ўзлари турган томонга вазмин феълларини ҳарчанд бостирсалар-да, бас келолмай диққатлари ошиб ўтиришибди.

— Ҳозирдан ўн олти тонна бўлса, кузга келиб, ўн саккиз тонна берасан дейди, ноинсофлар. — Чеча фақат қорачиғигина кўринувчи ботиқ кўзларини пайкалга тикади.

— Кўкламда, гектарига ўн икки тоннадан берасизлар, деб шартлашганди. Ўшанда хат-қоғоз қилиб олмаганимиз мана энди панд беряпти. Биз буни, бети бор бурди бор деб, қоғозга ҳам қарамаган эканмиз.

Кун қайнаб кетганди. Тўрт томонни ёндириб ётган саратон оловининг тафти чайла ичкарисига дамба-дам урилади. Устунга илинган қалампир шодалари ликқиллайди. Бу қалампирлар инсу жинсларни даф қилар эмиш. Бўлса бордир. Шуниси аёнки, ўргимчак ёки бошқа жондорлар бу бурчақларга ин қуриш тугул, шу атрофда айланишганига бирор киши гувоҳ бўлган эмас.


— Кўклам келаверса, бир нарсадан қуруқ қопкетадигандай ичимиз ғимирлаб қолади-ёв. Эл қатори юраверсак, кунимиз ўтмайдими? — Энақиз опа кулади.

— Кузда кармонга пича пул тушса, чарчоқ ўлгур қочади. Тушмай-тушмай юрган пул бир тушса катта кўринади-да.

— Туври-ёв. Умримиз кетмонни суйраш билан ўтди, тағинам, бояги-бояги бой бовамнинг таёғи.

— Кетмон, бой бовангизнинг бошингизда ўйнатган таёғими, нима у?

— Ким билади, шўримиз қайнаб, энамизнинг эмчагини қаттиқ тишлаган эканмизми, биримиз икки бўлмайди, битимиз сирка...



Хангома шу йўсинда айланади, Аҳмаднинг жимлиги суҳбат мавзуга бригадир можаросини қўшиди.

— Закунчи бўлсанг экан, закун билан буларнинг су-робини тувриласанг, дейди чеча — Ундайчақаларга ти-шимиз ўтмаса. Жоғалашиб борай десанг, уят бўлса...

— Уялган киши ошдан қуруқ қолар — Опа ўпкаланди.
— Ошдан қуруқ қолиб, яна, кетмонга ярамасанг.

— Ҳали бораман — дейди Аҳмад ўзича.

— Сабр қил-чи. Битта югурдакка гап қайтариб барака топармидинг. Ишламасанг, кет, дейди. Келадиган сон мин-гта дейди. Ишқилиб, бўлар иш бўлди, бўёғи кўчди.

Ўртага мурасага солувчи жимлик чўкди.

— Амаким қандай, тузалай деб қолдимми?

— Бир нав, тузук. Шўрлик кетмонини қаттиқ урганда ошқозони оғриса, қовурғам санчиётди деб юраверди, юраверди, охири... дўхтирга борса, ётқизиб қўйибди. Кеча кўргани бордим, ранги докадай, гапирмайди. Ҳа, Моҳи-гул, нима бўлди десам, булк этмайди. Бир гап эшитиб қолганми дейманда. Қони сал юришсин деб, қўлларини уқаласам, бадани иссиқ. Қайтаримни билмай келаверган-ним...

Чеча ориқ қўлларини чўзиб дастурхон зийини ёпди.

— Камбағал боёқишники шу экан-да. Эплаган икки ошар, энсаси тушган бир ошар, деб бекорга айтадим. Мана бу иш бўпқолағайсин, мана бу иш бўпқолағайсин деб, айни етишар маҳалинга лоп этиб бошқаси чиқиб туради. Бошингни қайси деворга уришни билмай довди-раб қолаверасан.

Опа юзидаги терни артди. Унинг қовоқлари тер тўки-лаверганиданми, шишган, юпқа териси остидаги қон тер-ни артганда, қовоқлар пириллаганида сачраб кетадиган-дек қизариб турарди.

Чирилдоқ яқин-яқингинадан чўзиб-чўзиб чириллади. Кун ҳаддан ташқари ёруғлашиб кетганди. Ялангликка узоқ тикилиб бўлмас. Одамнинг кўзи қамашарди. Зарлангандек ярқиллаган сап-сарик тупроқ қўйнидаги қуп-қуруқ тика-нак гул шамолда бутун борлиги билан қимирлаб, қисир-лаган ун чиқарар, бошидаги катта нишдор ғужуми, эрта тонгда нурлари найзадек сачровчи қуёшнинг кичкина ак-сини ёдга соларди.

Атамасиз ўсимликлар бахмал баргли, чумчуқнинг кўзича келадиган хўжағат шонали оч кўкиш гуллар, ҳар қанча жазирама бўлса-да, забаржат рангидаги, аранг кўзга ташланадиган майда-майда ғунчаларини асрай

олувчи, новдаси йўғон гуллар, танаси ҳам, ранги ҳам олачиפור махлуққа ўхшаган, ер бағрига эшилиб, узанган ёввойи ўтлар — ҳамма-ҳаммаси саҳрога янги келган кишини бегоналатиб қўяди. Бу саҳройи гуллар ҳам одамнинг кўнглидаги, унинг ўзи ҳам билмайдиган туйғулар каби ҳар йили барқ уриб дунёга келар, ўз бўйини таратар, уруғ сочар, қиш изғиринида яна ўзи билан ўзи андармон бўлиб замин бағрига сингар, кўкламда кўпайишиб яна ер юзига қайтишиб келарди.

— Саратон офтобининг тафти қайтди. Энди офтоб ғанимат. Ҳадемай кун ботади. Ҳали бери қоронғи тушмайдиганга ўхшайди-ю, аслида...

Жўяк ичидаги ўтларни чопиқ қилаётган Дилшоджон қавариб сўгаллашган қўлларини энасига кўрсатади.

— Кетмон дастасини сиқиб ушлама-да, қўлинг бўш ҳаракат қилсин — дейди энаси. Дилшоджон энасидай ишлолмаганидан ғайирлиги келиб кетмонга зўр беради. Ўпкаси тўлиб, юраги ўйноқлайди. Ўчакишади. Ўзини тўхтатиб олишни эп кўрмайди. Ахир тинмай ишлаш учун катта жисмоний куч бўлиши шарт ҳам эмас-да. Ана, энаси бошини кўтармаяпти. Бошқалар ҳам. Атрофидагиларнинг ҳаммаси бунга кўникиб кетган. Уларни меҳнат эркинлигининг кўринмас занжири тутиб тургандай ҳамма ўз ихтиёри билан ишлайверади. Шундай экан, салгина ўтиб ғуборини ёзишга, хусусан, Дилшоджон ор қилади.

Уйга шом қоронғусида кириб келишди. Соат ўн бирдан ошиб қолганди.

Чеча ҳар куни югуриб чиқадиган болаларининг жимлигидан хавфсиради. «Моҳиғулга бир гап бўлдимикан»? — эри ҳақидаги ўй кўнглидаги туманни жунбушга солди.

— Тинчгина ўтирибсизларми?— деди у, тўшанчига оғир чўккаларкан. Ўрганиб қолганиданми, беихтиёр «вой, жоним-эй» деб юборди.

— Отамни бугун апараста қилишибди, — деди кенжа қизи. У тирноқларини ҳадеб ишқаларди. Келини эса, қайнонасига яқинлашолмай, ярим йўлда қовоғини уюб турарди.

— Бугун-ми? — келинига юзланди чеча. Ундайчақа гап йўқ эди-ку? Нимага туйқусдан уйтади? — чеча сўнгги гапни ўзига-ўзи айтди.

— Қаҳҳор, юр эса, мошинангни хайда, бориб келайлик.

Тун ярмидан оққанда шаҳар касалхонасига кириб боришди. Ҳамширалар вақт алламаҳал бўлгани учун эмас, бемор махсус хонада ётқизилгани учун уларни ичкарига киритишмади.

Чеча коридорда туриб, баланд караватда оппоқ чойшаб ёпиниб ётган, кўзи очиқ бўлса-да, таниш овозларни эшитганда ҳам қимир этмаган, ғарибгина туюлиб кетган эрини элас-элас кўрди. Эр, чала уйқуда, тарки дунё қилмоқчи бўлгандек, таниш овозларга қайрилиб қарай олмас, таниш овозлар жонли, аммо бирор нафи йўқ руҳлар сингари бежо силкиниб, ғайри товушлар чиқарарди, холос.

Чеча, махсус хонадан четланар экан, хонадаги қоронғилик таъсириданми, негадир ўзини айбдор сезди. Нечукдир ҳаётдан кўрқди. Яшаш мушкуллигини англамаган экан. Англамай туриб яшайвергани учун ҳам ҳаёт энди ундан ўч оладигандай туюлди. «Вой, худойим-эй» деб юборди. Бу зорланиш ич-ичидан ўрмалаб келди. Ўғли ўтирилиб қаради-ю, нима дейишини билмай ютинди.

— «Бу шўрлик ҳам индаёлмайди, — деб ўйлади чеча. — Дарди ичида. Одамгина, ичмай туриб заҳарни билмайди-я. Ҳайвон билади. Бу бойқиш ҳам то Моҳигулнинг аҳволига тушганча юраверади». Чеча ўғлининг йўгон бўйнига термилиб, ўзида сўнгсиз меҳр, фидойилик туйди. Кўзлари мўлтиради. Кўнглидаги гаплар учун ўзини қоралади. «Нега ўз азангни бошқаларга ҳам тикиштирасан. Қул ўлмай, ризқи камимас. Қозонингни сувга солиб қўясанми, тишингни оқини сўрасанми, ўтиши керак бўлган кун, бир аммалаб ўтади-да, шунга шунчами?»

— Бўлди энди, деҳқончиликни ҳам йиғиштириб қўйсак бўлар, — деди у оҳиста.

— Ҳа, йилда шу гапни айтаман, бир тўхтамга келмайсиз, — деб койинди ўғил.

Улар етиб келишганда, уйдагилар ухлаб ётишар эди.

Чеча кўрпага чўзилар экан, танаси титраётганини сезди. Унинг руҳи ўзгарган бўлса-да, танаси бурунги кўникмалардан қутулолмаганди. Меҳнатда қотган суяги энди тўғриланмасди. Чечанинг кўнглида туғилган ният эса, айрича ташвиқот билан ваҳима соларди.

Чеча ҳориган бўлса-да, кўзи илинмай ётди. Туннинг қайсидир маҳалида туш кўрди. Тушида кўринган оқ нарса эри ўралган чойшабмикан, илғай олмади. Оқ нарса қоронғилик қўйнидан яқинлашаверди. Бу, икки бошли илоннинг оғзидаги тилла танга экан. Тилла ой нурида ялтиларди. Чеча яхшироқ разм солди. Илон инидан тангаларни биттама-битта

олиб чиқиб қуритяпти. «Сабрнинг таги сариқ олтин. Ана менинг сабрим. Илоннинг оғзидаги абадий сабрим!...»

Кейин чеча илоннинг кўзини якқол кўрди. Қора тўр чизиклар тортилган, аммо тўрлар кўринмайдиган даражада қип-қизил, бу шуълаланувчи кўзлар чечанинг таранг тортилган миясида намоён бўлди-ю шу заҳоти ромлаб ташлади. Чечанинг нафаси ичига тушиб... уйкуга кетди.

У эрталаб уйғонди-ю кундалик майда-чуйдаларга унади. Анча вақт ўтиб тушидаги илонни эслади. Бугун ишим ўнгидан келади, деб суюнди. Эрини ўйлади. Хабар олгани бежиримгина кийиниб йўлга отланди.

Эри бир кеча-кундуздаёқ чўкиб қолганди. Кўзлари милтилаб турарди. Чеча талмовсираб, айланиб-ўргилди. Тинкаси қуриган эри индамайди. Калта-култа тўнг жавоб қилади. Ўзини тутиб кўнгил ёришни истамади. Шифтга қараб ётгиси келмай ағдарилмоқчи бўлди. Илож йўқ эди, бошини ёстиқ остига олди. Чечага капкатта одамнинг бу қилиғи эриш туюлди. Аммо яна индамади.

Орадан ҳафта ўтди. Эрининг қовоғи ҳамон очилмасди. Дастлаб камдан-кам чўкилаб ерди, сўнгроқ шуни ҳам тусамай қўйди. Кўзидаги тундлиги аримади, қайтага болалади, оғирлигини ташлаб кўзини чўктирди.

Чеча далага қатнамай қўйди. Болаларини ҳам юбормади. Эрига уззукун қадалиб ўтираверди. Бир куни эри гапдан гап чиқиб, ичини ёрди.

— Одам боласи тўққиз ойда туғиларкан. Яратган эгам ҳисобни камайтирса камайтирар экан-у, оширмас экан. Худди шунингдек, ўлим ҳам тўққиз ой олдин дарак беради. Бу гап ўзимдан чиқдими, биров айтиб қулоғимга қўйиб кетдими, билмадим, лекин кўнглим хижил, талвасадаман. Ажалим яқин шекилли... Ичим қизийди. Бир қултум бўлса ҳам сув ичиб ўлсам дейман...

Чеча уни ортиқ гапиришига қўймади, жеркиб ташлади. Оғир ўйда қолди. Аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкди. Болаларини бағрига босди. Уйга қайтганида ҳам ихтиёри ўзида эмас эди. Шунинг учун бўхчаларини титкилади, сандиғини очди, азалик матоларини бир-бир кўрди-ю бўшанди, куя дори ҳидидан кўнгли озди, нима қилаётганини уйдагиларга билдирмади. Шу куни бу хонадонда чироқлар эрта ўчди.

Кунлар шу зайлда ўтаверди.

Эрининг қорни шишиб, дўмбирадай таранглашиб кетганди. Ютоқиб, ҳар қанча бўлса сув ичар, кам овқатланар, оёқ-қўллари чиллақдай озиб, танаси бужур-бужур шалвираб, қувватдан қолганди. Ошқозон ҳеч ўзига келай демасди.

— Дала қайтди экан. Бормай қўйдинглар, — деди бир кун эри. Чеча нима жавоб қилишини билмади. Бир кўнгли «Э, қўйинг шу далани» дегиси келди, бир кўнгли «Қандай қилиб бўлса ҳам тирикчиликни ўтказиш керак-ку» деган хаёлга борди. Қовунзорнинг уволига қолмай деди. Суяк-суягидан ўтиб кетган ўлим қутқусини енгди. Эрининг ёрдамидан умидини узди. Унинг кўзларидаги дард шарпалари руҳини қитиқламай қўйди.

Эртаси кун саҳармардондан қаватига ўғлини олиб, турмуш аравасини судраганча далага отланди.

Офтоб сўфитўрғай сайрамасдан биратўла чарақлаб кўринди.

Тун бўйи сал нам тортиб қорайган тупроқ сарғая бошлади, сўнг оқариб кетди. Салқин шабада эсди, кейинроқ у ҳам қуруқлашди.

Одамлар кун қизигунча ишлаб олиш пайида, кетмонларни илдамлик билан бўйлари баробар кўтариб, чопиқ қилишар, кетмоннинг шақирлаб қуриб ётган кесакларга урилгани эшитиларди.

Энаси Дилшоджонга ўғит берарди:

— Қуруқ тупроқни қўлингда сиқимлаб ушат. Қўлингни қуритсанг кетмон дастаси бемалол ўйнайдиган бўлади...

Дилшоджон энаси айтгандай қиларди. Тўхтамай ишлашнинг машқини оларди.

Кун тиккага келганда тушликка чиқишди. Кумғон қайнагунча радио эшитган бўлишди:» ...Пахтакорлар шарбат сувини оқизишда юксак ютуқларга эришдилар».

— Вой жоним-эй, — деди кўрпа-чага чўкаркан Энақиз опа. — Ер ҳам тош-метин қотиб кетибди, урсанг кетмон сапчийди.

Чайла ёнида сув истабми, соя истабми келиб қолган узунлиги ярим қулоч кўлвор илон кулча бўлиб, гоҳ тилини раққосанинг қўлларидек силкитиб қўйиб, беозоргина ётарди. Ҳеч ким унга парво қилмади. Мабодо, кўриб қолишганда ҳам, озроқ шовшув билан гапни шу томонга буриб, ҳангомани давом эттиришарди.

Агар эсида қолган бўлса чеча ҳам, кўрган тушини қистириб ўтарди, албатта.



1988 й.

ЮЛДУЗЛАРИ КУЙГАН ТУН

(Киноқисса)

Онаси Турғунга Муҳайё яшайдиган манзил ёзиғлиқ қоғозни тутгач, «бор таниш, сени шу қизга унаштирмоқчимиз, уйига, ота-онасиникига бориб келдик, иш фақат сенда қолган» — деганида, Турғун нима қилишини билмай гарангсиб қолди. Беш йил институтда ўқиди. Ўқиш мобайнида, бировга кўнгил қўймади. Кўз остига олганлари, унга тегишга рози бўладими, йўқми бунга ҳам билмасди. Фурсат ўтиб борарди. Онаси қисталанг қилавергач, бир кун, кунни қоронғилатиб йўлга тушди. Айтадиган гапни аниқ эди. «Синглим, мен сизни танимайман, Сизни менга унаштирмоқчи эканлар, яхшиси, бу никоҳга рози бўлманг. Мен ҳам рози эмасман».

Ўшанда, Муҳайё дарвоза эшигидан бери келмади. Эшикни қия очиб: — Нега келдингиз — деди. Турғун нима дейишини билмай қолди. Муҳайё рўмол ўраб олган, юзи ҳам яхши кўринмасди. Унинг ортидан бир эмас, учта укаси, худди душманга ҳамла қилишга шайдай, ғазаб ва нафрат билан қараб турарди.

— Бизни, унаштиришмоқчи экан, шундан хабарингиз борми?

— Йўқ, бу гапни энди сиздан эшитишим. Турғун яна довдиради. «Ҳа, хабарим бор» — деган жавобни кутган эди. Агар Муҳайё шундай деса, бояги кўнглига тутиб қўйган гапни айтмоқчи эди. Кейин, орқага тисарилди-да:

— Агар унаштиришса, нима дейсиз? — деди каловланиб.

— Кетинг, сизни кўришга кўзим йўқ!

Тўғрироғи Муҳайёнинг гапидан баттар довдиради. Каттикроқ гапиришга шайланди-ю, бу ҳали ҳеч нарсадан хабари йўқ экан, гап уқтириб бўладими — деб ўйлаб турганида қарсиллаб ёпилган эшик ортида қолаверди.

Аламдан, ҳовли шиферларига данғиллатиб тош отди... Сўнгра, чарчаб ҳолдан тойгунча қочди.

Бир ой ҳам ўтмай, Муҳайё билан тўйлари бўлди. Тўй куни Турғуннинг кайфияти кўтарилиб кетди. Баэм тонгача чўзилишини истади. Ёру-дўслари билан даврада тинмай ўйнар, кулар, дунёда унданда бахтиёр одам йўқдай эди.



Улар икки уч йил тинч-тотув яшашди. Агар зебигардон машмашаси аралашмаганда бу тотувлик яна чўзилиши мумкин эди. Бир куни Муҳайё унинг қитиқ-патига тегиб, шундай деб қолди:

— Ҳа, кейинги пайтларда жуда хотиржам юрибсиз? Тургун бироз эсканкираб, қилган айбларини яширмоқчи кимсaday, зўрма-зўраки илжайди:

— Ҳа, кўряпсан-ку, ишлар кўпайиб кетди. Уни устига совуқни айтмайсанми?

Муҳайёнинг маккорлиги тутди:

— Совуққа ўзимни олдириб қўяман деб қўрқяпсизми? Ё орамизга совуқчилик тушдими?

— Йўқ, йўқ нега ундай дейсан?

— Тирикчилик бор, рўзгор бор, келди-кетди бор, мен йўқман холос.

— Сен борсан-ки, шу оила, шу турмуш бор.

— Битта зебигардон олиб беринг деб, минг ёлвордим. Ҳамма дугоналарим олди, фақат мен қолдим. Нуқул сабр қил дейсиз, сабр қил дейсиз.

— Энди хотиним бўлганингдан кейин, кам-кўстимизга кўникишинг керак-да.

— Сиз фақат сабр, сабр деявермай...

Муҳайё юзини тескари бурди-да, бироз дадиллашиб, оҳиста ва қатъий сўзини тугатди: — Мени ҳам яхши кўришингиз керак.

— Кўй, унақа гапларингни!

— Булар шунчаки гап эмас. Ҳатто бизларни унаштиришган кезлар ҳам яхши эдингиз. Мени одам деб қарардингиз. Фикримни сўрардингиз. Баъзан ҳайиқардингиз. Айниб қоладими деб қўрқардингиз. Кейин... Мен сизга бутунлай тобе бўлганимдан сўнг эса худди ўзингизнинг шахсий мулкингиздай, мени бир четга ташлаб қўйиб, бутунлай унутдингиз.

— Ҳаёт ўзи шунақа. Жигаринг оғримаса, уни баданингни қаеридалигини билмайсан. Ким қичимаган жойини қашийди?

— Мени жуда қаттиқ унутиб юборманг дейман-да.

— Мени бунчалик гўл деб ўйлама. Агар жуда норози бўлсанг, марҳамат, кетишинг мумкин.

— Кетолмаслигимни билганингиз учун шу гапларни айтяпсиз.

— Йўқ, мендан ортиқ эрни тополмаслигингни билганим учун айтяпман.

— Ўзингизга бу қадар бино қўйманг. Мен сиздан ортиқ эрни излаётганим йўқ. Мен, сиздан ўзимга озроқ эътибор сўраяпман холос. Менга сал кўпроқ эътибор берадиган одам эса ҳали топилади.

— Мен ҳам шуни айтяпман. Бор, сенга эътибор берадиганларни топиб ол.

— Менга бировлар эътибор берса уялмайсизми?

— Битта зебигардон учун ичингда шунча алам ётган экан, кет.

— Зебигардон учун эмас, сиз учун кетаман. Зоримни айтсам, қучоғини очадиган одам топилади.

— Армонинг қолмасин. Модомики, кўнглингни тўлдирадиган одамни излаётган экансан, бу дардни ўлдириб бўлмайди.

— Бундай дейишга қандай тилингиз борди, уятсиз.

Муҳайё кўзида ёш билан ётоқхонага кириб кетди.

Бир кун Турғун ишдан кеч қайтди... Ўша кун унинг кеч қолишини Муҳайё ҳам биларди. Турғун Муҳайёнинг нима иш билан бандлигини, Собиржон нима қилаётганлигини билиш учун юрагида уюшиб келаётган қандайдир соғинч ҳарорати билан уйига телефон қила бошлади.

— Алё...

— Алё, ким бу? — телефон гўшагини қандайдир эркак киши кўтарди.

— Мен уйимга телефон қиляпман, — деди Турғун таажжубланиб.

— Нима?

— Мен уйимга...

— Трубкани қўйиб қўй...

Турғун нима қилишини билмай, трубкани қўяркан телефондаги рақам кўрсаткичга қаради. Кўрсаткичда ўз уйининг рақамлари ёзиғлиқ турарди. Бироз каловланиб турди-да: «Наҳот шу рост бўлса, ўз уйимда-я»... деб ўйлай бошлади. Жони халқумига келди. Муҳайёга нима керак ўзи? Наҳотки мени бир умр ювса ҳам кетмас иснодга қолдирмоқчи? Энди қандай бош кўтариб юра-

ман. Балога қолдим, балога. Ё ажралиб қутуламан, ё ўлдириб...

Турғун стол устидаги қоғозларни апил-тапил йиғиштириб, уйга ошиқди.

Йўл бўйи шубҳа ва гумонлар алангасида гап англамайдиган баттолга айланди.

Уйга етиб борганида, подъезд қоп-қоронғу эди. Ҳали бир қадам ҳам босмасидан ўз уйининг эшиги очилиб ёпилганлигини кўрди. У югуриб зинадан қадам ташларкан, ҳаёлида спорт кийимидаги бўйи баланд йигит гавдаланди. Кимлардандир, Муҳайё мактабда ўқиб юрган пайтлари шундай бир бола билан «юрган» лигини эшитганди. Кейин синфдошлар учрашуви туширилган видеотасмада ҳам бир бола билан гаплашгани, бирга ўйнашганини кўрди. Аввалари бу нарсага унча аҳамият бермаганди. Демак буёғи рост бўлиб чиқяпти. Муҳайё бу бола билан учрашувни ҳали ҳам давом эттиряпти. Шундай учрашувларнинг бири, ўз уйида. Аввалари уйга кетдим деб учрашиб юрган. Собиржонни онасига қолдириб чиқиб кетган. Ҳозир Собиржонни кимга қолдиришни билмай уни уйга таклиф қилган...

Турғун шиддат билан зинадан кўтарилар экан, тепадан шовуллаб бир йигитнинг тушаётганини кўрди. Йигит баланд бўйли, спортивка кийимда эди.

Турғун қоронғуда йигитнинг юзини кўролмади. Ҳали эсхушини йиғиб олишга улгурмай, ҳатто йигитнинг олдини тўсишга даъват этувчи фикр ҳаёлида туғилиб улгурмай, йигит шув этиб олдидан ўтиб кетди. Турғун бир лаҳза тўхтади-да, «Кимсан?» демоқчи бўлди. Кейин «кучим етармикан? — деган ҳаёл миясининг қайси бир четида липпиллаб ўтди-да, «Ҳозир ўлдираман» деган журъат билан, тўхтаб, унинг ортидан туша бошлади. Йигит, унинг уйидан чиққанига шубҳаси йўқ эди... Бунга аниқ иқрор билан, зинапоядан яна пастга отилиб тушди. Аммо йигит бир лаҳзада кўздан ғойиб бўлганди. Турғун катта кўчани, уй-атрофларни зир қақшаб излай бошлади. Бироқ йигитдан бирор дарак топмади.

Турғун зинадан яна қайта кўтарилар экан, уйи эшиги қаттиқ танбаланганини кўриб, баттар тутатди: «Бошқалар учун очик, мен учун ёпиқ»...

Муҳайё, пишган овқатни кимга сузишни билмай, бироз ўйланиб турди-да, газни ўчириб, бир юмушдан қутулгандай, енгил тортди. Овқатни бир ўзи ейишга иштаҳаси ҳам, хоҳиши ҳам йўқ эди.

Ётоқхонага кириб, диванга чўзиларкан, қўлига тушган китобни олиб ўқий бошлади:

*«Мен сени эркалаб, суйиб туймасам
Кўзимдан бир зумга нари қўймасам.
Аммо айт, не сабаб, бугун бўлмаса,
Эрта мени ташлаб, кетасан жоним...*

*Термулиб хуснингга маҳлиёман мен
Тарки дунёман-у, меҳри дарё мен
Сузук кузларингга айни даво мен,
Кимларни ахтариб, куласан жоним.*

Муҳайё зинадан эшитилган дупурга кулоқ тутиб, «йўлакнинг чироғини кимдир синдириб кетибди, эшикни очсам, зина ёришади», — деб ўйлади ва эшикни очди. Бироқ дупур тепадан келаётганини билиб, эшикни ёпди. Бироз ўтиб, шовқин тинди. Муҳайё эшикни тамбалади.

Бир сония ўтмай уй қўнғироғи дам-бадам жаранглайверди. Муҳайё чўчиб, эшикка отилди. Эшикда Турғун ранги оқариб, важоҳат билан турарди:

- Ҳозир уйдан ким чиқиб кетди?
- Ҳеч ким!
- Тўғриси айт. Уйда ким бор эди?
- Мен...
- Телефон трубкасини ким кўтарди.
- Ҳеч ким, жиринглагани ҳам йўқ.
- Сен ҳали ҳам, ўша мактабдаги «ўйнаш»инг билан учрашиб турибсанми?
- Бунақа гапларни қаердан олдингиз?
- Сенга нима керак ўзи? Умримни заҳар-зуққумга тўлдирмоқчимисан?!
- Сизга нима бўлди? Ишонмас экансиз уйланиб нима қилардингиз.
- Мен сендай балога қаердан йўлиқдим.
- Мени ҳақорат қилманг. Мен умримни сизга бағишлаганман. Лекин кет десангиз, кўчада қолиб кетмайман. Сизнинг ҳақоратлашларингизга ташлаб қўйишмайди.
- Ким у, ўшам?
- Онам ҳали тирик, тоғам ҳали тирик...
- Энди онанг ҳам, тоғанг ҳам — мен.
- Шусиз ҳам чўридан фарқим қолмади.
- Агар ёқмаса, кет бу ердан. Фақат мени иснодга қолдирмай кет. Кейин нима қилсанг, ўзинг биласан.

— Мен, ўз қадримни яхши биламан. Кўчада биров билан ўйнашиб юргандан, ўлганим яхши. Мени билмас экансиз, энди кўзингиз кўр бўлади.

Ўша куни улар илк бора тўшаклари бўлак-бўлак ётдилар.

Муҳайё, эртаси куни Собиржонни кийинтирдида, керакли нарсаларни йиғиштириб, индамай уйдан чиқиб кетди. Турғун уни излаб бормади. Турғун ўғли учун Муҳайёга шаҳардан икки хонали уй олиб берди. Муҳайё кўч-кўронини ўша ёққа қўйиб қўйди. Ўзи эса уйда ёлғиз яшаб, гап-сўзлар кўпаймасин деб, онасиникида юрди.

Кейин унинг ҳаётида Эркин пайдо бўлди. Байрам кунларининг бирида, худди унинг ичини билгандай, Эркин унга, у истаб юрган, олишни кўнглига қаттиқ туккан зебигардонни совға қилди. Бу совға уларнинг муносабатларини янада қалинлаштириб юборди.

* * *

Турғун уйида ёлғиз қолди дегунча, турли-туман ўйлар, хумдан чиққан девдай қаршисида пайдо бўларди: «Нега Муҳайё кўз олдимдан кетмайди. Нега уни эслайвераман. Нега? Нега Муҳайё билан мени боғлаб турадиган нарсалар бу қадар кўплигини, бу қадар чамбарчас боғланиб кетганлигини билмагандим. Нега уни эсласам, жонимни суғуриб олишаётгандай ўртаниб кетаман. У ҳаёт-мамотим бўлиб қолишга қачон улгурди. Нега дилбандим Собиржоннинг бир марта жилмайиши, мен уйланадиган ўнта қизнинг мингта нозу-ишвасидан кўра суйимлироқ? Мени кечир, Муҳайё, мени кечир! Мен сени кечиришга тайёрман.

Турғун, ғаму-ҳасратга тўла кўзларини бир нуқтага тикиб, худди қўл-оёқлари қотиб қолгандай ўтирарди: — «Балки шубҳа-гумонларим ноўриндир?»

Турғун титроқ қўллари билан беихтиёр телефон рақамларини тера бошлади:

— Салом, Муҳайё, бу мен... Бугун вақтинг борми, кўришсак дегандим.

— Нега?...

— Ўзим шунчаки.

— Ахир, шунчаки учрашадиган ёшда эмасмиз.

— Балки, суҳбат давомида бир хулосага келармиз.

— Йўқ, учрашолмайман. Энди у кунларни унутинг. Ҳаммаси туш каби ўтиб кетди. Сиз мени танимайсиз, мен

сизни. Ажралишганимизга ҳам бир йилдан ошиб кетди. Демак, бизни боғлаб турадиган ҳеч нарса йўқ. Бўлганида, мен буни сезардим.

— Мухайё, дастлаб мен ҳам орамизда ҳеч нарса йўқ деб ўйлагандим. Кейин билсам, сени қаттиқ яхши кўрар эканман.

— Қўйинг. Бу гаплар ёлғон. Агар актёр бўлганингизда, ҳозирги ҳолатингизни кўриб, одамлар ижирганишарди.

— Балки, шундайдир. Ҳозир биргина устун томонинг бор: мен сени яхши кўраман.

— Турғун ака, қиёфанингизни яққол тасаввур қилиб турибман. Сиз айёр одамсиз. Сиз мени севмайсиз. Ҳозир сиз билан қачонлардир эрим бўлганингиз учунгина гаплашиб ўтирибман. Сизнинг ҳам биргина устун томонингиз: «Қачонлардир эрим эдингиз».

— Мен ҳозир севишингга лойиқ инсонман.

— Сизсиз шунча яшай олдим, демак, сизни унутишга ҳам кучим етади.

— Майли, ўйлаб кўр. Бу дунёда Турғун битта. Иккинчисини ҳеч қачон тополмайсан.

— Менга биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам керак эмас.

— Агар менчалик сени севадиган одам борлигига кўзим етсайди, сен билан гаплашиб ўтирмаган бўлардим.

— Биз гаплашмадик деб ҳисоблайверинг.

— Хайр, бўлмаса.

— Хайр!

Турғун трубкани қўяркан, аёл киши нақадар катта куч эканлигини англаб етди. Мухайёнинг биргина инжиқлиги унинг бутун ҳаётини остин-устун қилиб юборди. Мухайё унинг уйида хокисоргина, унинг буйруқларига муте, «гаҳ» деса қўлига қўниб юрганида ҳеч нарса билинмаётганди. Ҳамма жой осойишта эди. Дарё ўз ўрнида эди. Мухайё кетди-ю, уйи ҳувиллаб қолди. Дарё унинг ўзанини ташлаб, бошқа йўлдан юриб кетди. Энди унинг на ўзида, на ишида, на уйида ҳаловат бор.

Мухайё кетганда ҳам жимгина кетмади. Телевизордан туриб унга қарата қўшиқ айта бошлади. Қўшиқдаги ҳар битта сўз айнан Турғунга аталганди. Турғун бир нарсага ҳайрон қоларди. Балки вақт ҳакам деганлари шу бўлса керак. Мухайё уйдан кетаётганда, Турғуннинг унга нисбатан ғазаб ва нафрати тийиқсиз эди. Уни кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ эди. Бора-бора бу нафрат ўз-ўзидан йўқола борди ва ўтган воқеалар шунчаки хаёлга, «энди тур-

мушда бўлиб туради-да» дея хулоса чиқариладиган хаёлга айланиб қолди.

Муҳайёнинг сўзларини эшитиб, Турғун ўз ҳаётида нақадар катта «душман» пайдо бўлганини англади. Бу «душман» уни муҳаббат азобларига ташлаб, тобора узоқлашаётган Муҳайё эди...

* * *

Студия. Муҳайё хиргойи қияпти. Ҳамроҳлари сўзга мос оҳанг, куй басталашаяпти.

*Осмонўпар исёнларим эди ғолиб
Куй орзуси узоқларга кетди олиб.
Ҳароб қилган саробимдан тониб, тониб
Топинганим сен бўлдинг-ку, эй болажон!*

*Минг турланиб, товланган нур-мен қурган умр,
Ҳар шайтонга шукур айтиб, кўрдим ҳузур.
Ўрним билмай, куфрларда юрдим-узр,
Савоб ёғим, сен бўлдинг-ку, эй болажон.*

*Адашганман, уммондаги бир хасдайман,
Сўзим қайтган, ўзим сўнгги нафасдайман.
Ўзга не сўз десам ҳамки, алдагайман,
Соғинганим сен бўлдинг-ку, эй болажон.*

* * *

Турғун «Сайилгоҳ»ни айланиб юрганди, кафедра ўтирган Муҳайё, Собиржон ва яна бир нотаниш йигит учаласи ўтирганини кўриб қолди. Собиржон столда ўтиролмас, ўйинқароқлиги тутиб, ирғишлар, йигит эса унга меҳрибончилик қилмоқчи бўлар, унинг болага хушомадидан Муҳайё завқланиб куларди. Турғун одамларни пана қилиб, уларга қараб турди. Бир хаёли, «Э, менга нима?» деб ўтиб кетмоқчи ҳам бўлди. Лекин, кетолмади. Собиржон йиғлаганда худди биров ўргатгандай доимо «дада» деб йиғларди. Чақалоқлигида шундай эди. Унинг «дада» деб йиғлашидан юраги эриб кетарди. Муҳайёдан кўра у кўпроқ куюнар, югуриб борарди. Дастлаб Турғун чақалоқни кўтаришни билмасди. Қандайдир эриш туюларди. Кейинчалик, бора-бора ишхонадан туриб ҳам телефон қиладиган бўлиб қолди.

Турғун узоқдан Муҳайёнинг Собиржонга ниманидир уқтираётганини кўрди. Балки «амаки»ни мақтаб, «даданг

шу» — деяётгандир. Кейин Собиржон «амаки»га осилиб олди: «Дада».

«Амаки» Турғунга тескари ўтиргани учун, унинг юзини Турғун кўролмасди. Балки «амаки»нинг «ўғил»га қараб афти бужмайдир. Балки, қувониб кетиб, оғзи қулоғида иршайдир. Ҳар икки хил муносабат ҳам, барибир Турғуннинг юрак юрагини тилиб юборди.

Рашк ва аламдан ўзини тутолмай қолди. Тез-тез қадам ташлаб, улар ўтирган жойга қандай бориб қолганини сезмади.

— Ким бу Муҳайё...

Собиржон: — «Дада» — дея унинг оёғига ёпишди.

Муҳайё аччиқроқ жавоб қайтармоқчи эди, Турғуннинг авзойини кўриб, вазиятни юмшатмоқчи бўлди:

— Турғун ака, кетинг бу ердан.

— Сенга, ким деяпман...

— Мен Эркин бўламан, бола. — Эркин ўрнидан турди: — Гапинг бормиди...

— Бу мени хотиним бўлади.

— Хотининг бўлса, сен қаерда юрибсан.

— Мени ҳаётимни бузган, сенмисан.

— Ҳаётингни сен ўзинг бузгансан, хотинингни ҳам мен бузганим йўқ.

— Йўқол бу ердан. Унинг атрофида ўралашганигни кўрмай.

— Ихтиёр менда. Хотинингни ҳам ихтиёри менда.

Турғун Эркиннинг оғзига мушт туширди. Эркин ҳам унга ташланди. Ур-йиқитга бир пасда одамлар тўпланди. Ажратувчилар ўртага тушди. Муҳайё Собиржонни қучоқлаб, йиғларкан, қўрқув ва исноддан, кўзига дув-дув ёш келарди:

— Турғун ака, кетинг бу ердан, кетинг. Биз шунчаки гаплашиб ўтирибмиз, Эркин ака, сиз ҳам кетинг. Кетинглар бу ердан, кетинглар.

Муҳайё Собиржонни қучоқлаганча, югуриб кетди.

* * *

Турғун хонада асабий кезинаркан, Муҳайё билан кечирган бахтли дамлари ҳаёлини тарк этмай қийналарди. Улар турмуш қурганларининг илк йилларида жуда саодатли умр кечиришганди. Кейин майда-чуйда гиди-бидилар, келишмовчиликлар бошланди. Бора-бора бир-бирларини ёмон ҳам кўриб қолишди. Лекин, ҳозир ҳарчанд эслашга уринса ҳам, Муҳайёни ёмонлашга арзигулик би-

рор баҳона хотирасига келмаётганди. Уни қаттиқ соғинган, уни кўришдан бошқа ҳеч нарса юрагига сиғмасди. Гарчанд мол-мулкка тўла уйи бор, гарчанд ота-онаси, ёру-биродарлари бор, аммо у бутун дунёсини йўқотган гадодек, ғариб ва ташландиқ сезарди ўзини.

Муҳайё кетди, ўғли кетди. Уй ҳам, унинг юраги ҳам хувиллаб қолди. Ҳозир у Муҳайёнинг барча таъна-ю, маломатларига, хархашаларига, жанжалу-тўполонларига рози. Рози бўлганда ҳам бош устига рози.

Бир кун онаси чақириб қолди.

— Раҳимбойнинг қизига оғиз солган эдик. Аввал бошда ўзинг рози бўлиб, қисталанг қилган эдинг. Нега энди жимсан?

— Озгина шошмай турайлик?

— Нега?

— Оиламни ўйлаб қолдим. Хотин топилар, лекин ўғлим кимнинг қўлида қолади. Кейин, Муҳайёни ҳам бировларга бергим йўқ. Ҳозир ўнта келиндан кўра, шулар кўзимга азизроқ кўриниб турибди. Эртага у келин қандай чиқади-ю, яна шундай ўғилни Худо менга берадими?

— У энди кўшиқчи бўлиб, кўчага чиқиб кетганмиш-ку?

— Агар рўзгоримиз бузилмаганда бундай бўлмасди! Жимгина юрганди. Энди у кўшиқчи бўлди-ю, мени бошим балога қолди. Қаерга борсам, «шу сени хотинингми?» — дейдиганлар кўпайди. Уларнинг қайси бири билан ёқалашаман.

Студия. Муҳайё кўшиқ ёзаяпти:

*Умримни бағишлай деб
Чоғлангандим неча бор.
Сен изи берганигда
Бўлармидим бахтиёр.*

*Букуп неки омадим
Юришмаса сезгайман.
Кулфат сари адашиб
Умрим борар энкайган.*

* * *

Эркин шиfoxонада ётибди. Боши докага ўралган. Қон излари силқиб турибди. Муҳайё унинг ёнида ўтирибди:

— Кейин нима бўлди?

— Фақат бу ҳақда ҳеч кимга айтма. Улар қўйган муддат ўтиб кетди. Бу уларнинг биринчи огоҳлантиришлари. Яна уч кундан сўнг улар қўйган янги муддат ҳам тугайди. Кейин... нима бўлишини билмадим.

— Ҳозир фоизлари билан қанчага кўпайди?

— Уч мингдан ошди.

— Мени икки хонали уйим бор. Уларга айтинг, бугуноқ номларига расмийлаштириб бераман.

— Керакмас, мен ўзим амаллайман.

— Йўқ, деманг. Уй ҳозир бўш турибди. Бошимиз омон бўлса, мол-дунё топилади.

— Йўқ, керак эмас. Ўзим омадимни яна бир синаб кўраман. Мен ютқизганим учун товон тўлаб, шаънимни оқламоқчи эмасман, ғолиб бўлиб Эркин номимни, йигит бошимни баланд кўтариб, юришим керак. Ҳаёт бу — ўйин. Ундаги ҳар битта ўйинда ғолиб чиқмасанг, сени четга суриб қўядилар. Мен ҳеч қачон, ҳеч кимдан қарз олмаганман. Дунёда энг қаттиқ севиб, ардоқлаган одамимнинг олдида эса ҳеч қачон қарздор бўлиб қолишни истамайман. Сен менинг севгилимсан, илтимос, сен мени камситма. Бир лаҳзага бўлсин тилимни қисик қилма.

— Эркин ака, ҳозир бу вазиятдан чиқиб олишимиз учун айтяпман. Ҳозир ўрнингиздан туролмайсиз.

— Ҳали уч кун бор. Мен ўлганим йўқ. Ҳали мен тирикман.

Эркиннинг юрагидаги олов энди унинг кўзларида ёнади.

* * *

Тўй. Базму-жамшид авжида. Мусиқа садоси, одамлар бақир-чақириғини босиб кетган. Муҳайё ўртада қўшиқ айтяпти. Турғун ҳам ўртоқлари билан ўтирибди. Муҳайё уни кўриб қолиб, тўйнинг нариги бурчига юра бошлайди. Иккита одам ўзаро гаплашяпти:

Биринчи одам: — Турғуннинг хотиними? Ўзи ҳам шу ерда ўтирувди-ку!

Иккинчи одам: — Ҳа, ўзи шу ерда. Лекин у бунга аллақачон қўйворган.

Биринчи одам: — Тўғри қипти. Хотин-ку, хотин, шундай итим бўлса қўйворардим.

Иккинчи одам: — (Ҳи-ҳилаб кулади) — Тўғри-ку, лекин бевани кўпайтиравермай, тарбиялаб, тўғри йўлга солволса бўларди. Шундақа ландовур эрларнинг касридан дунёда бева кўпайиб кетди.

Биринчи одам: — Бева эмас, қўшиқчи кўпайиб кетди-де, юраги куйган кўпайиб кетди, (Ҳи-ҳилаб кулади).

Кимдир Муҳайёнинг олдида муқом қилиб, ўйнай бошлайди, уни қўлларида тортиб, рақсга чорлайди. Биров уни қулоғига эри шу ерда ўтирибди, қабилида гапириб кетади ва Турғун ўтирган тарафга ишора қилиб қўяди. Турғуннинг назари бундай аламли ишорани илғамай қолмайди.

Ўртоқларидан бири унга гап отади:

— Жа-а, очилиб кетибди-ю.

Иккинчи оғайниси аския қила бошлайди: — Бу шўрлик нима қилсин энди, қайтадан никоҳига олсинми, очилган жойларини ёпиш учун.

Учинчиси: — Овозни ёпиб юрган эканда, овозни.

Тўртинчиси: — Энди ёпиғлиқ қозон ёпилмайди, ҳамма ўзининг шўрвасини сузиб ичаверади.

Биринчиси: — Энди, бу қатга борса, Турғунбойнинг номлари ҳам қўшиб чайналадиган бўлди-да.

Иккинчиси: — Бизни номимиз-чи, хў, фалончини ўртоғи бор-ку, Турғун деган, бу ўшанинг хотини-да, қўйворган хотини дейишади.

Учинчиси: — Энди, ўртоқни қўйвориб бўлмаса, нима қилардик, чидаймизда. (Гурр-кулги, масхарабозлик).

Турғун ўрнидан туриб кетмоқчи бўлади. Аммо, эл оғзига элак тутиб бўлмаслигини билиб, ўзини босади. Худди, Муҳайёни қўйвориб тўғри иш қилгандай, қоматини ғоз тутати. Лекин, юрагида алам: — Нега битта хотинни бошқариб ололмадим. Қаерда хато қилдим. Хотинимни бундай юриши, мен учун иснод-ку. Ўғлим ҳам шуни қўлида тарбия оладими? Муҳайёни бу ҳолга ташлаб қўймаслик керак. У шу кетишда ҳалок бўлади. У шу кетишда бузилиб кетади.

Турғун сигарет чекиб келиш учун ўрнидан тура бошлайди. Йўлда уни тўхтатиб, ўйинга тортишади.

Биринчи одам: — Хотини ашула айтсин, эри ўйнасин-да.

Иккинчи одам: — Хотинни ноғорасига фақат бизми, сиз ҳам бир ўйнанг!

Учинчи одам, биринчи одамнинг қулоғига шивирлайди: — Қўйвор, улар ажрашган, хабаринг йўқми?

Биринчи одам: — Йўғ-е, унда узр, билмабман.

Турғунни қўйворишади. Турғуннинг қораси қайта кўринмайди. Тўй давом этади.

* * *

Бир кун тунда у Эркин билан алламаҳалгача қолиб кетди. Соат чамаси иккилар эди. У ҳам, Эркин ҳам жуда хурсанд. Кайфиятлари аъло, димоғлари чоғ, бахту-саодатдан бошлари гир-гир айланарди. Лекин, кўчага чиққанларида, Эркиннинг машинасида кимдир ўтирганини, машина ойналари синганини, у одам зўр бериб, моторни олдиришга уринаётганлигини кўриб, тўхтаб қолишди.

Машинада ўғри бор эди. Эркин фурсатни бой бермай, машинага қараб югурди. Лекин, ўғри қочишга уринмади. У ғирт маст эди. Эркин ўғрини ушлаб, биқинига урганда ҳам ўғри қочишга уринмади.

— Нима қияпсан, аблаҳ?

— Магнитофон қўймоқчи эдим.

— Нега ойналарни синдирдинг?

— Мен синдирганим йўқ.

— Бунни пулини тўлайсан. Ҳозир милиция чақираман, каззоб.

— Тўлайман? Мен қилганим йўқ. Машинанг ҳам керак эмас.

— Магнитофон қани?

— Опкетишди.

— Ким?

— Билмайман.

— Ҳозир, милиция чақираман. Ойналари қанча туришини биласанми?

— Қўйвор, билмайман.

Ўғри қочишга уринди.

Кўчадаги бақир-чақир, шовқин-суронни эшитиб бирпасда турли тарафдан одамлар тўплана бошлади. Эркин ўғрини қаттиқроқ урган пайтда кимдир милицияга қўнғироқ қилган шекилли, дарҳол бир гуруҳ милиция ҳар тарафни ўраб олди. Биттаси ўғрини сўроққа тутди. Биттаси машинага тушган бармоқ изларини текшира бошлади. Биттаси Эркинни, яна бири Муҳайёни гапга солди.

Ҳамма иш тескари кетди. Милиционернинг саволларига Эркин ҳам, Муҳайё ҳам тўғри жавоб беролмас эди.

— Бу ерга кимникига келдиларинг? Ярим кечаси нега машинани йўл ёқасига қолдирдингиз? Бу аёл сизга ким

бўлади? Қаерда ишлайсиз? Сизлар билан яна ким бор эди?

Ҳозир эрингизни чақирсак бўладими? Яна кимлар бу ўғрилиқ ҳодисасига гувоҳлик қилади.

Эркин гапни у ёқдан бу ёққа олиб қоча бошлади. Гўёки бу машина уникимас, Муҳайёни ҳам кўчада тасодифан кўриб қолди ва умуман уни танимайди. Ва умуман бу ўғри эмас, ўзининг яқин ўртоғи ва умуман бунинг ҳаммаси қандайдир англашилмовчилик, умуман уни ҳозир уйида интизорлик билан кутишяпти ва умуман у тезда кетиши керак. Ва умуман Муҳайёни ҳам, ўғрини ҳам ўзи уй-уйига олиб бориб қўяди ва умуман, милиционерларни уринтириб қўйишгани учун хизмат ҳақини ҳам ўз ёнидан тўлашга тайёр...

Муҳайё ҳам, дастлаб онасига телефон қила бошлади. Милиционернинг қўполлиги учун, Турғуннинг номини айтиб дағдага қила бошлади. «Ўғри қолиб, мени сўроққа тутаётганларинг учун, пагонларингни юлиб оламан» — деб бақирди. Бироқ бу ердан силжиб қолиш пайти келган, одамлар тўпланишаётган, уни орасида битта-яримта танишлари келиб қоладиган бўлса, бутун шаҳарга овоза тарқалиши хавфи туғилаётганди. Агар шундай овоза тарқалса, кейин ўнта шундай машинанинг пулига ҳам бу овозани ёпди-ёпди қилиб бўлмасди.

Муҳайёга бу алфозда, яъни яширин ошиқ-маъшуқлик ҳолатида ўз шаънини ҳимоя қилолмаслиги жуда алам қилди.

Аччиғини босиб, узр сўради. Эркин ҳам ўз даъвосидан кечди. Ҳартугул, милиционерлар ҳам инсофга келиб, ўғрини қўйиб юборди.

Эркин тонгга яқин, Муҳайёни кўча бошида қолдирди.

Муҳайё жўнаб кетаётган енгил машина томонга қайрилиб қўл силкирган, ноумид туйғу билан жилмайиб қўйди. Юрагига ўрнашиб қолган мажхул кайфият тарқалмади.

Машинадан уйига етмай, юз қадам берида тушиб қоларкан, ҳали Эркин билан хайрлашганларига бир сония ўтмай, ёлғизлиги яна аччиқ ичикиш ҳиссини зоҳир эта бошлади.

Муҳайё ёшгина Собиржонни кўтариб, уйига қайтиб келди. Унга муҳаббат керак эди. Мана муҳаббатга ҳам етишди. Муҳаббат уни енгил машинада — эҳтирослар оғушида олиб, юриб-юриб кўча бошига ташлаб кетди.

Албатта, у Эркин билан яна қачон учрашишларини би-

лади. Лекин Эркин унга турмуш қуриш ҳақида ҳали ҳеч нарсаси дегани йўқ. Аёл киши учун эса, оиласиз ҳаёт, ҳаётми?

Муҳайё қўшнилардан истиҳола қилиб, уйдан анча берида тушиб қолганига энди афсуслана бошлади.

Хаёлида негадир собиқ эри Турғун гавдаланди. Турғуннинг уйдан чиқиб кетар олди, ҳаётининг у билан кечирган энг сўнгги оқшомида, қоронғу тушишини узоқ пойлаганди. Очiqчасига кетишга, қўни-қўшнилардан уялди. Эри дарвоза олдиғача лом-мим демай эргашиб келди. Ҳамма гаплар айтиб бўлинганди. Яна нимадир айтиш мумкин эди. Лекин нафсониятнинг ҳам, айтиш мумкин бўлган гапларнинг ҳам, чеки-чегараси бор экан. Турғун ҳам, Муҳайё ҳам ўзликларидан кечиб, бу чегарани хатлаб ўтолмади.

Муюлишга етгач, Турғун эгилиб ўғлининг юз-кўзидан ўпди. Муҳайёга, Турғун уни ҳам ўпмоқчидай бўлиб туюлди. Мабодо ўпганда ҳам, у барибир ортга қайтмаган бўларди.

Лекин, ҳозир негадир эрини қўмсади. Оиласини қўмсади. Тинчгина турмушини: масъуд кунларини эслади. «Менинг ёшимда, севги деган ёлгон-яшиққа бало бормиди?» деб ўйлади. «Севиб ҳам нима бўлдим, гўр бўлдимми, битта эр топилиб қолармикан деб, жоним ҳалак, минг оғизни пойлайман, бир кишидан садо йўқ?!» Ҳатто ўғрининг олдида тилимиз қисик. Қачонгача яшириниб яшайман?

У, хаёлига Эркин ҳақида бир фикр урилганиданми, ундан имдод илинжидадир, ортингга, ҳозиргина ўзи тушиб қолган машина томонга ўтирилиб қаради. Қаради-ю, қоп-қора бўшлиқда, итмикан, нимадир сандирақлаб келаётгани кўзига кўриниб кетди.

Муҳайё кўрқиб қадамини тезлатди. Файрихтиёрий равишда оёқлари қалтиради. Шу орада яна тиссарилиб қараркан, кўзига кўринган қора маҳлуқ сиртлоний эпчиллик билан оралиқни қисқартираётганидан, аъзойи баданига титроқ югурди. Ўрталикда гўё икки-уч қадам қолганди. Муҳайёнинг нафаси ичига тушиб кетди.

Маҳлуқнинг кўзлари совуқ йилтирар, таҳликали, тажовузкор эди. «Ҳозир тишласа керак?» деб ўйлади Муҳайё. Сўнг ўзини қўлга олишга, ҳамлага шай туришга уринди.

Лекин бу уриниш, журъат шу қадар ночор эди-ки, оғзи-бурнига учуқларнинг тошиб чиқаётганлигини яққол сезарди. Лабларини қаттиқроқ босса, учуқларнинг пўрта-надай потрлаб чиққан суви иягига шилт-шилт томиб тушарди. «Бевани кўрса ит ҳам ҳурармиш деганлари, наҳот-ки рост бўлса, наҳотки азалий ҳикмат шундай бўлса?»



Муҳайё ўз саволига жавоб топишга улгурмай, оёқларига нимадир келиб суйкала бошлагандай, жон ҳалпозда бақириб юборди. «Тур, кет!» — дея, ердан тошми, таёқми ахтаргандай бўлди. Узини йўқотиб қўйганидан, ортингга тисарилиб, қоп-қора бўшлиққа бир зум, қаттиқ ўқрайиб қараркан, ҳамла қилиш учун беихтиёр қадам ташламоқчи ҳам бўлди. Аммо кейинчалик ўзини айтган таъбири бўйича туролмас бўлиб йиқилишига бир баҳя қолди.

Маҳлуқ ноумид бўлгандай, тисарила-тисарила орқага чекинди-да, тўхтаб кута бошлади.

Муҳайё ўз хонасига кирганда, ҳамма ухлаётганди. Қўшни хонадан: — «Ким у?» — маъносидаги уйқусираган товуш келди. Онаси қоронғуда рўмолини ахтарди шекилли, тимирскиланиб чиқа бошлади. Лекин, Муҳайё онаси билан кўришишга руйхўшлик бермай, ичкаридан туриб, «Менман, ойи, ётаверинг, яхши етиб келдим» — деб қўйди. Онаси, у айтган ёлғонга ишонди шекилли, кароват ғичирлаб, унинг қайта ётганини билдири.

Ойисининг ёнида ухлаб қолган ўғилчасини олиб келиш Муҳайёнинг кўнглига сиғмади. Онаси ҳозир келиб, «Ярим кечаси қайси гўрда санқиланиб юрибсан» — дея уришишини истади. Бироқ онаси келмади. «Ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин» — деб ўйлади, шекилли.

Муҳайё, чироқни ёқиб тошойна ёнига келди. У ойнада ранги оппоқ оқариб кетган ўзини кўрди. Сочи, қоши, ҳатто киприклари ҳам оқариб кетгандай эди. Лаблари гезариб турарди. У афти ангоридаги синиқликка бардош беролмай ўзини ўриндиққа юзтубан ташлади.

Яримта бўлиб қолган умрининг изланишлари, йўқлашлари, дийдор истовчи илҳақликлари уни, тун бўйи саросимага солиб чиқди. «Нега, оилам бузилиб кетди?» — деган савол, боши узра қалхатдай айланаверди, айланаверди. Унинг жавоб берай деса, тили айланмас, жўяли бир жавоб топиш ўрнига нуқул кулармиш. Кейин тушининг давомида орадан қанча вақт ўтди, билмайди, ос-

монни тўлдириб учаётган калхатлар, кўздан ғойиб бўлиб, Эркин ҳадя қилган зебигардон шодалари, бир ипга тизилиб, унинг боши узра айланаверди.

Зебигардоннинг ҳар бир шодасида Муҳайёнинг кулиб турган акси кўринарди. Кейин боши айланиб, қувваи хофизасида ҳеч нарсаси тасвирланмай қолди.

Туннинг алламаҳалида иситмаси чиқди. Алаҳсираб уйғонди. Тошойна ёнида илиғлиқ турган зебигардонни — тушига кириб қийнаётган, бўйнини бўғаётган, қизиб томоғини жиз-жиз куйдираётган зебигардонни олиб, деразадан кўчага улоқтирди. Чап тарафига уч марта туфтуфлади-да ўнг томонга қайрилиб ётди.

У ўз ҳаётининг ўнгланиб кетишини истарди. Ҳаётдан қаноатланишни истарди. Ҳаёт юрагининг барча истакларини қаноатлантиришини истарди.

Муҳайё кўзини қаттиқроқ юмар экан, лаблари ўз-ўзидан пичирлайверди: «Ҳаётнинг жаъмийки завқи-шавқи, лаззату-фароғатлари юрагимда доимо тўлиб-тошиб турмас экан, бўлди бас, қаноатландим демайман, менга шунчаси ҳам етарли демайман, дунё гўзалликларига тўйдим демайман. Ҳали дунёдан умидларим кўп, орзуларим кўп, армонларим кўп. Ахир нега ҳам бориға шукур қилишим керак, нега-нега?»

Муҳайё яна алаҳсираб ухлаб қолди.

Тонгга яқин туш кўрди. Итнинг қаттиқ-қаттиқ вовуллаши бироз сергаклантирди. Шунинг учунми, кўрган туши аниқ-тиниқ эсида қолди: Тушида бир саёқ ит, у ярим тунда деразадан улоқтириб юборган зебигардонни бўйнига тақиб олиб, ҳадеб дарвоза тагига тумшугини тиқиб увиллармиш...

Муҳайё тошойна ёнида соч тараб ўтирганда хонага ўғли кириб келди.

— Ойи, бу сизникими? — Унинг қўлида Муҳайё кўчага улоқтирган зебигардон турарди.

— Буни қаердан олдинг?

— Итимизнинг катагидан.

— У ерга қандай бориб қопти?

— Бошқа итлар олиб келгандир-да, қаранг ғажиб ташланган.

— Қутурган итлар теккандир. Бор, ташлаб юбор.

— Ювсангиз тоза бўлади. Жуда мақтаб юардингиз-ку.

— Шунӣ таққим йўқ. Бу касофатнинг дастидан қанча балога йўлиқдим. Бунга қутурган ит тегмаган, бунга ит тегса қутуради.

— Ойи, нима деяпсиз. Ахир бу аёллар жон деб тақадиган чиройли бўйинчоқ-ку.

— Жон ўғлим, буни кўзимдан йўқот.

— Майли, уйга қўйиб қўяй, сўраганингизда берарман.

— Яхшиси ташлаб юбор. Муҳайё Собиржонга қаради-ю, юраги гупуриб кетди. Собиржон Турғуннинг қўйиб қўйгандай ўзи эди. — Сен, дадангга жуда ўхшайсан. Худди Ҳасан-Ҳусандай. Биз, даданг билан шу зебигардон туфайли ажрашдик. Тақдир шу зебигардонни сабаб қилиб кўрсатди. Шунинг учун буни ташлаб юбор. Лекин... даданг кетган бўлса ҳам, унинг қиёфасида сен қолдинг. Демакки, сенинг қиёфангга даданг ҳам биз билан...

Мен ундан ҳеч қачон ажралолмас эканман. Буни кеч тушундим. Агар бу зебигардонни бўйнимга тақиб юрадиган бўлсам, ўз тавқилаънатимни осиб юрган бўламан.

Жон болам, уни ташлаб юбор. Ахир дадангни ўғлисан-ку! Ўрнингга даданг бўлганда, бизнинг йўлларимизни айириб юборган бу зебигардонни аллақачон йўқ қилиб юбарди.

— Майли ойи, ташлаб юбораман. Кейин дадамнинг олдига борамиз-ми?

— Йўқ, ўғлим... Энди дадангнинг болаларига бошқа ойи оналик қилади. Энди биз бегонамиз.

— Ойижон, дадамга борайлик.

— Бўлди, бас қил. Сенинг кўзларинг, қош-қовоқларинг, қилиқларинг, ҳар бир ҳаракатинг шу қадар дадангникига ўхшайди-ки, ҳатто сен учун мингта... — (Эркин бўлса ҳам, демоқчи эди-ю, кўксидаги фарёд қанчалик кучли бўлмасин, тилини тийди ва) ...си бўлса ҳам дадангдан ажрашмаган бўлардим. Мен адашдим. Лекин даданг ҳам оппоқ эмас. Энди, бўлар иш бўлди, бўёғи кўчди.

— Ойи!

— Қўй, ўғлим қийнама. Кел, бу зебигардонни яшириб қўяй.

Муҳайё, зебигардонни олиб, тақинчоқлари орасига қўшиб қўйди.

* * *

Муҳайё, Шаҳзода уйга кириб келганида бир қўшиқни ҳиргойи қилаётганди. Шеърга мос оҳанг излар, чет эл мусиқаларидан ҳар бир сўзнинг маъносига мос, сўз ва оҳанг муштараклиги топилмай жиғибийрони чиқарди.

— Эшитдингми, Турғун уйланаётганмиш...

— Қачон?!

— Билмадим, кимгадир унаштиришибди...

— Шунчаки, гапдир.

— Э, сенга нима, энди олдингдан йигит дегани қалашиб чиқаверади.

— Ундай эмас, Шаҳзода...

— Ўзинг кетгандинг...

— Қанийди қайтиб боролсам.

— Нима?!

— Ҳозир менинг олдимда иккита йўл турибди. Ё қўшиқчи бўлиш, ё оилага қайтиш... Турғун уйланди деган сўз менинг оиламнинг тугашидир. Қўшиқчилик эса ҳавойи нарса... Балки эрмақдир. Балки, ундан ўч олишим учун, уни ўзимга қайтаришим учун восита эди. Мен куйласам унинг учунгина куйлардим. Энди кимга...

— Муҳайё... Ахир қўшиқчи бўлмасингдан олдин ажрашгандинглар... У сени қўшиқчи бўлганинг учун ташлаб кетгани йўқ-ку.

— Қўшиқни ташласанг ҳам бари-бир қайтиб келмайди демоқчимисан.

— Унинг умуман қайтиб келишини истамайман.

— Мен унинг қайтиб келиши учун ҳамма нарсадан воз кечишга тайёрман.

— Муҳайё... ортингга йўл йўқ.

— Мен олдинда ҳам ҳеч қандай йўлни кўрмаяпман.

— Мана кўрасан, ҳаммаси яхши бўлади. Ҳали ёш ва чиройли йигитлар...

— Уялмайсанми, Шаҳзода.

— Ахир у сени ташлаб кетди. Эркин билан муносабатингдан сўнг, мана уйланыпти. Сен ҳам энди ўз аравангни торт.

— Оила, кўзни чирт юмиб, юз ўгириб кетаверадиган матоҳ эмас. Сен худди туйғуларингни игна билан бир-бир ўлдириб чиққан қизга ўхшайсан. Қиз болани аслида мана шу туйғулари учун ардоқлашади. Эр нималигини билсаядиг.

— Ҳўш, сени қайси айбинг учун уйдан ҳайлади.

— Беайб одам бўлмайди. Мен уни эр ўрнида кўрмадим.

Унинг имконидан кўра каттароқ нарсаларни талаб қилдим. Нафсониятига тегдим. Агар сабр қилсам, ҳаммаси аста-секинлик билан бўларди. Энди эса иш тескарисига кетди.

— Кўй, ҳали ҳаммаси олдинда. Истайсанми, у уйланаётган қиз билан учраштираман.

— Йўқ. Фойдаси йўқ. У қизга ўз хатоларим ҳақида айтиб беришим мумкин. Лекин, бундан менга нима фойда. Қолаверса, Турғун менга уйланаётганда мени билмасди. Ўйлайманки, ҳозирги уйланаётган қизини ҳам яхши билмайди. Фақат, Турғуннинг кимлигини энди билаётгандайман. Бўлғуси келинга шу ҳақда гапирсам, балки бахтли бўлиб кетишлари учун озроқ ёрдам бў-ларди.

— Сенда бор-йўғи биргина чора қолган: Раъно билан учрашиш.

Муҳайё соат ўнларга яқин бутун аъзойи-бадани уюшиб уйғонаркан, ўрнидан туриб уч-тўрт қадам ташладида, танидаги оғир юк худди ўзиники эмасдек, гандираклаб туни бўйи зада қилиб юборган ўриндиққа яна ўзини отди. Кун қизиб, тиккага келганда юрагини ўртаб юборган қандайдир шижоатдан руҳланиб, жуссасини кўтарди.

Унинг биринчи қилган иши телефон рақамларини териш бўлди:

— Шаҳзода, бир келиб кет.

Кейин қоғоз қалам топиб, столга чўккалади.

«Азизим Эркин ака!

Мен ушбу хатни ўзимда қолган сўнгги имконият деб биламан. Балки, менинг (Муҳайё шу ерга келганда «ўз муҳаббатимга» деб ёзмоқчи эди-ю, иккиланиб қолди ва ўз ҳис-туйғуларини бироз яширмоқчи бўлиб, дудмалроқ ёзишни афзал кўрди) иқрор бўлишим, сизга бироз эриш туюлар, лекин мен ҳам инсонман.

Муҳаббат ҳар қанча юксак ва илоҳий бўлмасин ва мен сиздан кўрган меҳру-муҳаббатни ҳеч қачон, ҳеч кимдан кўрмаган бўлсамда, сиз билан ўтган саодатли лаҳзалар, мен инсон бўлиб ҳаётимда кўрган энг гўзал ва энг бахтиёр лаҳзалар бўлса-да, мен бугун сизга сўнгги сўзимни айтишга мажбурман. Агар ростдан ҳам севсангиз, менга уйланинг. Ва бу масалани бутун, соат 19.00 да бизнинг уйга келиб ҳал қилинг. Бўлмаса... Ундан кейин нима бўлишини албатта Сизга айтмайман. У ёғини Сизга даҳли йўқ. У ёғида Сизнинг номингиз ҳам, Сизнинг хотирангиз ҳам ҳеч қачон, ҳеч қаерда эсланмайдиган ҳаёт бошланади. Ун-

дан кейин мен учун ҳам балки ҳеч ким, ҳеч қаерда эсламайдиган ҳаёт бошланар. Мен ҳозирча бирор тўхтамга келганим йўқ. Чунки, ҳозир мен Сизнинг соат 19.00да хонадонимизга кириб келишингиз умиди билан яшамокдаман. Сиз ҳар доимгидек, менинг бутун вужудимни, шууримни, завқу-шавққа, ишқу-сурурга, меҳру-муҳаббатга тўлдириб келасиз деган ўйдаман. Менинг ҳаётимда яна улуг айём бошланади.



Мен яна Сизнинг чўрингиз мисол ҳар бир кўз қарашингиздан барча истакларингизни муҳайё қилишга ҳозир-у-нозир тураман. Дунёда бирор жуфт бормикан, сизу-биз каби бўйи-бўйига, юлдузи-юлдузига, бир каптарнинг икки қаноти каби бир хилда ёзилиб, бир хилда сингиб қовушадиган, ҳаммаёқлари худди ўз тана-сидай бир-бирига ёқадиган.

Лекин, на иложки бутун элакни сувдан кўтариш вақти келди. Мен ортиқ кутиб юролмайман. Энди буёғи аввалгидай бўлмайди. Энди мен оила қурмоқчиман. Худди кийимлар эскириб, уларни ташлаб юбориш муддати келган сингари, бир кун гўзаллик мени тарк этади. Балки, қалбимдаги ёшлик шижоати, романтик ўй-хаёллار, баландпарвоз орзу-умидлар ҳам тарк этар. Билмадим. Мени бугун мутлақо бошқа нарсалар ўйлантирмоқда.

Хуллас, Сизга танлаш учун сўнгги имконият қолдирмоқдаман. Бу имконият кечки соат еттида Сизнинг ихтиёрингизда бўлади, йўқса, ушбу хат сиз билан бизни боғлаб турган сўнгги хайрлашув мактубидир. Бизни бошқа ҳеч нарса, ҳеч қачон учраштирмайди, ҳеч қачон боғламайди.

Агар кўришмасак, хайр! Мендан рози бўлинг! Мен сиздан розиман».

Муҳайё ўрнидан туриб, яна нималардир ёзиши кераклигини, яна нималардир қолиб кетганлигини, яна нималардир дейишга нафрати, яна нималарнидир дейишга меҳру-муҳаббати етмаганлигини ҳис қилди. Уйлаб-ўйлаб, яна Эркинга айтадиган гаплари қалбининг тўридан булоқдай отилиб чиқаётганини сизди. Бироқ, энди ортиқча ҳис-туйғуга берилмаслик мавриди келганлигини англади. Қолган гапларни кечқурун соат еттига қолдирса ҳам бўлаверишини ўз-ўзига тушунтирди. Ҳали яшаш

учун имконият борлигини ихтиёрсиз равишда хўрсиниқ билан эслади.

Онгининг қаеридадир ўжарлик билан қатъий турган мақсад, уни иккинчи қоғозни олишга мажбур қилди.

Иккинчи мактуб Турғунга аталган эди.

«Салом, Турғун ака!

Албатта, сизга мактуб ёзаётганимга хайрон бўлаётгандирсиз. Лекин, ажабланадиган жойи йўқ. Чунки, ҳаётимнинг бирон лаҳзаси йўқки, сиз ҳаёлимнинг бир четида турмаган бўлсангиз. Ҳаётимда бирон лаҳза йўқ-ки, сиз мутлақо унутилиб кетган бўлсангиз. Бекорга айтишмас экан, икки ёш тўй қилиб, никоҳ айёмига қариндош, ёру-биродарларини чорлаганда, самовотда фаришталар ҳам базму-жамшид қуришиб, икки ёш бахту-саодати учун тантана қиладилар, деб. Никоҳда ана шундай сирли, сеҳрли қудрат ётишининг боиси ҳам шу бўлса керак. Афсуски, буни мен жуда кеч тушундим. Тушунганда ҳам сизнинг юзингизга оёқ қўйиб, уйдан чиқиб кетганимдан сўнг, биз энди мутлақо ажрашиб кетдик, деб ўйлаганимдан сўнг, тушуниб етдим. Ҳаётнинг қизиқлигини қаранг-ки, сизга бўлган нафратим бугун мени мутлақо тарк этди. Бугун юрагимда сизга нисбатан қандайдир мойиллик уйғонган экан, ушбу мактуб ўша мойилликнинг натижасидир. Тўғри, бугун мен сизни кечирганим билан сиз мени кечира оласизми? Лекин, энди мен сизга шу қадар улғу муҳаббатни таклиф этаман-ки, шу чоққача мендаги бу меҳрнинг ўндан бирини ҳам кўрмаганингизга иқрор бўласиз. Сабаби, энди мен ҳаётимни бошқатдан бошламоқчиман. Унинг бошланишига эса сиз сабабчи бўласиз. Агар бугун кеч соат еттида ўзингиз билган, мен ва сизнинг ўғлингиз Собиржон яшаётган уйга етиб келсангиз ва бир оғиз «Сизларни кечирдим» десангиз кифоя. Мен сизнинг кечиришингизни ўз ҳаётимни давом эттиришга берилган рухсатномадай қабул қиламан. Йўқса, мен учун бу ҳаёт давом этмаслиги мумкин. Ҳар қалай ҳозир мен шу ҳолатдаман. Ҳаётимнинг бурилиш нуқтасидаман. Ҳарқалай, менинг ҳаётимнинг буёғи кечагидай бўлмайди. Эртанги куним қандай бўлиши менинг ўзим учун ҳам қоронғу. Кечаги кун жонимга шу қадар тегди-ки, эртанги куним ҳам шу маромда давом этишини истамайман. Агар келсангиз, сизни аввалги турмуш ўртоғим сифатидагина эмас, ҳаётимни асраб қолган халоскорим сифатида қабул қиламан. Қўлимдан нимаики илтифот келса, нимаики меҳру-муҳаббат келса барини сизга бағишлайман.

Агар келмасангиз, яна ўзингиз биласиз. Ушбу хатни ўқиб, йиртиб ташласангиз, менинг қисматимни бўлаклаб ташлагандай бўласиз. Шу билан орамиз мутлақо узилади ва мени бошқа ҳеч қачон ҳеч жойда кўрмайсиз. Мен учун ўз қисматим ҳозир мана шу қоғоздай ожиз ва нотавон бўлиб турибди. Уни йиртиб ташлаш учун жуда катта кучнинг кераги йўқ. Агар сиз қайтиб келсангиз, бу қоғоз мен учун янги ҳаёт бағишланган инсон тақдири кафолатномаси сингари улкан қудратга айланади.

Хайрлашув олдидан айтадиган сўнгги сўзим, «Сизни севаман» ва соат 19.00 гача кутаман.

Келмасангиз қиёматда юз кўришамиз деган туйғу билан Муҳайё».

Муҳайё мактубни ёзиб тугатар экан, эрига айтадиган гаплари бўғзига бир-бир йиғилиб келаётганидан юраги хапқириб кетди. Ўзининг одамлар қўлида эрмак бўлиб юрганини эслаб, ғазаби келди. Уларнинг бари менинг илтифотларимга нолойиқ дея, ўз-ўзига ҳукм чиқарди... Лекин яшаш керак. Зотан, унга ҳаёт мана шу одамлар орасидан берилган экан, демак муроса зарур. Агар бу одамлар унга эътибор қилмай унинг қадрига етмаётган экан, демак исён қилиши, бош олиб кетиши, ёйинки, барибарига нуқта қўйиши зарур.

Соат учларга яқин Шаҳзода кириб келди. Дугонасини униққан, афтодаҳол кайфиятда кўриб, унинг ҳам юраги увишиб кетди.

— Шаҳзода, мана бу хатларнинг бирини Эркинга, бирини Турғунга олиб бориб бер. Мана уларнинг телефонлари. Ҳозир улар билан кўришишга ҳам, гаплашишга ҳам тоқатим йўқ. Фақат ўз қўлларига топшир. Топшир-у, индамасдан қайтавер. Мактубда ҳаммаси ёзилган. Агар кечқурун вақтинг бўлса қайтиб кел, йўқса яна ўзинг биласан. Фақат сендан илтимос, уларни ҳозироқ топиб, мактубларни бер, хат кечқурун еттигача уларнинг қўлида бўлиши шарт.

- Муҳайё, нима бўлди, очигини айт.
- Кейин, кейин. Ҳозир борақол.
- Хатларни ўқисам майлими?
- Йўқ, керакмас. Улар сенга аталмаган!
- Шулар мендан азизроқ бўлдимми?
- Аёл киши учун аёлдан кўра, эркак ҳамиша азизроқ бўлган... бор энди, борақол.

Муҳайёнинг хўрлиги келди. Лекин юрагидаги қайғу қотиб, қатъиятга айланганди. Бориб деразаларни очиб кўра

бошлади. Деразадан ўзини ташласа, соғ қолиш-қолмаслигини чамалади. Агар соат еттигача ҳеч ким келмаса, ҳеч ким уни бу шаштидан қайтармаса, агар у ҳеч кимга керак бўлмаса, агар унинг ўйлаб юрганлари, умид қилиб юрганлари сароб бўлиб чиқса, шунча яшаб қадр топмаган бўлса, энди яшаб юришидан нима фойда?

Деразадан ўзини ташлайди-ю, баридан қутулади.

Муҳайёнинг бир хаёли ҳали етти бўлмасдан, ҳали Эркин ҳам, Турғун ҳам бир қарорга келиб улутурмасларидан олдин, уларнинг муносабатини билмай, баридан қутулмоқчи бўлди. Яна деразаларни очиб, ўзини қандай ташлаши кераклигини чамалаб кўра бошлади. Оппоқ оёқларини дераза раҳига қўйиб, бир зумга кўзини юмди ва ўзининг пастга тушиб кетаётганини тасаввур қила бошлади. Кўз олди қоронғулашди. Ўзини ожиз ва чорасиз сизди. Қўл оёқлари худди қотиб қолгандек эди. Миясининг қаеридадир бир фикр йилт этиб, нишона берди: — Бечора онам, менинг дардимда куйиб, кул бўладиган бўлди-да. Ўғли Собиржон ҳам бир кунмас бир кун катта бўлиб, ўз йўлини топиб кетадигандай, негадир ундан хотиржам эди. Турғун ҳам, Эркин ҳам юрагида бирор илиқлик уйғотолмади. Ҳозир гўё шу ердан ўзини ташласа, унинг учун янги ҳаёт дарвозалари очиладигандай эди. Қўл силтаб ҳаммасини ташлаб кетади. Ҳаммасини. Ҳаммаси...унинг қадрига етмаган каззоблар. Мана Турғун қип-қизил каззоблик тимсоли. Тўнка. Лоқайд. Муҳайёнинг барча фидоийликларига бефарқлик, совуққонлик билан қараган тўнка. Мана Эркин. Унинг чексиз меҳр-оқибатига, суйиб-эркалашларига ёлғону-алдовлар билан жавоб қайтарган муттаҳам.

Ҳали турмушга чиқмасидан олдин у Турғунга қанчалик ишонганди. Турғун уни янги ҳаёт оstonасига бошлаб кетади дея, қаттиқ ишонганди. Ҳали шундай бахтли бўламан-ки, бу бахт наъшасини бир умр татиб тугатолмайман — дея ишонганди. Аммо Турғун етаклаб борган ҳаёт ҳам, оддий ҳаёт эди. Бу ҳаётда ҳам ҳамма юк Муҳайёнинг елкасида эди. Муҳайё яхши гапирса, одамлар ҳам яхши гапирар, ёмон гапирса, бошқалар ҳам ёмон жавоб қайтаришар, ҳаммаси оддий ва алмисоқдан қолган, бахт ва омад, бу ерда ҳам хирмон бўлиб, уюлиб ётгани йўқ эди. У қувонч ҳам, омад ҳам уйимнинг бўсағасига тинимсиз бостириб келаверса — дея ўйлаганди. Афсуски, у бориға шукур қилмай, бу остонани тарк этди.

Кейин ҳаётида Эркин пайдо бўлди. Дастлаб, Эркин ўзи кўзлаган гаройиб ҳаётнинг тимсоли бўлиб туюлганди. Бу тимсол ҳақиқатдан ҳам юксак бўлиши учун, энди ўзи ҳам меҳнат қила бошлади. Бу меҳнат Эркинни кўр-кўрона, фидоийларча, бутун жону-жаҳдини бериб севишдан иборат эди. У бутун онгини, тафаккурини, қалб-қўрини, топган сўнгги чақасигача Эркиннинг туриш-турмуши, ўй-хаёлига бағишлаб, сева бошлади. Эркинни севиш, бахтли қилиш учун ҳатто Муҳаббат деган улкан Фанни ўйлаб топди. Бу фанни ўртадаги ҳаётга бахшида қилди. Гўё Эркин бемор-у, у табиб эди. Эркин билан учрашишларига қизгин тайёрланар, айтадиган гапларни, қиладиган қилиқларни, нозу-ишваларни, Эркин ёқтирадиган уйдирмаларни ўйлаб топар, юрак-юрагидан силқитиб чиқарар ва беморга бериладиган малҳамдоридай аста-секинлик билан ўз меҳру-муҳаббатини, муносабатини билдириб борарди. Муҳайёнинг мақсади бўйича, Эркин бир кунмас бир кун бутунлай «тузалиб» кетиши, яъни бутунлай уники бўлиши, бутун жисму-жони, ўй-хаёли билан Муҳайё учун уйғониб, Муҳайё учун ухлаши, Муҳайё учун яшаб, Муҳайё учун ўлиши керак эди. Аммо Эркин «тузалмади». Унинг муҳаббатига муҳаббат билан жавоб бермади. Ўзининг давом этаётган ҳаётини — оиласини, турмуш-тарзини, ўй-хаёлини, ўзи кўзлаган мақсадларни заррача бўлсин ўзгартирмади ва ҳатто ўзининг бу оламга Муҳайёни етаклаб ҳам кирмади. Эркин Муҳайёни худди бир эркак киши севгандай, севди, эркалади, қўлидан келган ёрдамни аямади ва бундан ортиқ ҳеч нарсани ваъда қилиб ўтирмади. У фақат ораларидаги кўнгилхушлик давом этаверишини истарди, холос.

Бугун эса сарҳисоб вақти етди.

Муҳайё хонада бетоқат бўлиб юра бошлади. Қани, қайси бири илгарироқ келаркин. Албатта, хатни ким биринчи бўлиб олса, ўша келади. Лекин кимнинг аввал келгани яхшироқ?

Албатта, Эркиннингда! Йўқ, Турғун келса ҳам майли. Тинчроқ.

Муҳайё яна бетоқат бўлиб соатга қаради. Соат бир маромда чиқиллар, ингичка мили бир лаҳза бўлсин тўхтамасди. Соат еттига ҳали анча бор. Ҳали деярли уч соат бор. Мана шу уч соатда унинг қисматида ўзгариш бўлиши керак. Унинг ҳаёти янги ўзгариш сари бурилиши керак. Бу ҳаёт унга ўзи кутмаган, ўзи ишонмаган саодатни инъом этиши керак.

Соат миллари тўхтамасди ва у ўзини «Бахт» оstonасига яқинлашаётганини сезди.

Беихтиёр дераза сари қадам ташлар экан, дераза уни «ўлим» оstonаси сари олиб кетмаслигига иқрор бўлди.

Аммо... улар хатни олган бўлсалар, соат етгини кутмай келишлари мумкин бўлган вақт аллақачон ўз ҳукмронлигини сураётганди.

* * *

Муҳайё бетоқат бўлиб соатга қаради. Соат миллари тинимсиз равишда олдинга интиларди. Ҳадемай еттига ҳам етади.

«Мана, ўйин ҳам тугади. Муҳаббат деб аталмиш эртақ ниҳоясига етмоқда. Бу эртақ қанчалик ҳузур-халоватли ва бу дунёда ҳеч бир нарсани унга тенглаштириб бўлмасадда, охир оқибатда унинг сароб эканлиги кўриниб қолди. Бу саробда мен ё малика бўлиб чиқиб кетишим керак, ёки қурбақа...

Муҳайё деразага яқинлашиб, табақаларини оҳиста очиб кўра бошлади. «Шарманда-ю, шармисорлик қисматидан кўра...

Муҳайё яна ўтирилиб соатга қаради. Соат миллари бешдан ошаётганди. Баногоҳ, қўнғироқ жирингидан сесканиб кетди. Босиб келаётган бало-қазодан қутулгандай дарвоза томон чопди.

Эшик олдида Турғун турарди.

— Салом, Муҳайё...

— Салом, келинг.

— Келдим. Менга хат ёзибсан.

— Хат ёзмасам келмаслигингизни билардим.

— Мени кутишинг мумкинлиги тасаввуримга сиғмаганди.

— Наҳотки, шунчалик бегоналашиб кетдик.

— Бундан сўраш керак. Тўғриси, мен умидимни узгандим. Хатни ўқиб ҳайрон бўлдим. Сени менга хат ёзишга нима мажбур қилди. Ўйлаб, ўйимга етолмадим. Тўғрироғи, ҳеч нарсани ўйлаб ҳам кўрмадим. Ўқидим-у, худди йўқотиб қўйган қадрдон нарсам топилгандай, бу ёққа югурдим. Иккиланганим ҳам йўқ. Шунга ишонасанми? Мана қара... Мана булар бари тўйга таклифномалар. Яна бир ойдан кейин уйланишим керак эди. Энди барисини йиртиб ташлайдиган бўлдим. Фақат сенинг бир оғиз сўзинг керак. Агар шу сўзни айтсанг, бас... Қани, кўзларимга тик қараб айт, менга хиёнат қилмадингми?

— Қанақа хиёнат?
— Сен мендан кейин ҳеч ким билан бирга бўлмадингми?
— Қайси маънода?
— Ҳеч кимни севмадингми, бирга ётмадингми?
— Нега тўйимиздан олдин бу нарсаларни сўрамай, энди, шунча йиллардан кейин сўраяпсиз?

— Авваллари менга хиёнат қилишинг мумкинлигига ақлим етмасди. Ажраб кетганингдан кейин бу нарса қўлингдан келишига ишондим. Тўйимиздан олдинги ҳаётингга ҳам кейинчалик шубҳалана бошладим.

— Сиз соддасиз. Агар ҳозир ҳам гапларимга ишонадиган бўлсангиз, соддалигингизча қолибсиз.

— Демак, нимадир бўлган...

— Афсуски, бу саволларни жуда кеч беряпсиз. Балки, хат ёзишимнинг сабаби ҳам, уят мени ташлаб кетганидан бўлса керак.

— Мен ҳақиқатдан омадсизман...

— Нега? Эркак кишига осон. Истаган пайти уйланиб кетаверади.

— Мен ҳам шундай деб ўйлаганимда бу ерга келмасдим.

— Агар, сизга хиёнат қилмадим десам, ишонасизми?

— Сен бу гапни айтишни истамаяпсан. Демак, нимадир бўлган. Энди, юз бора йиғлаб-ёлвориб айтсанг ҳам ишонмайман.

— Тўғри... Шунча йил бир ёстикқа бош қўйиб, кесишмаган йўлларимиз энди ҳам кесишмаслигига иқрор бўлдим. Сизда менинг юрагимни куйдириб юборадиган қудрат аввал ҳам йўқ эди. Энди ҳам. Нима қилай? — Мен сизни севганим учун эмас, ҳаётим, фожеали тугашидан қўрққанам учун хат ёзгандим. Келганингиз учун раҳмат. Мен сиздан розиман, сиз ҳам рози бўлинг.

— Мендан розилик сўрама. Бу ерга келиб хато қилибман. Бир ёғи ўғлимни ўйлагандим. Хайр!

Турғун жавоб ҳам кутмай, шиддат билан, аламдан бўғриқиб чиқиб кетди.

Муҳайё хонада асабий кезинаркан: «Бу сафар ҳам ўз вақтида келмади. Агар Турғун Эркиндан кейин келганида, балки вазият бошқача бўларди» — дея ўйлай бошлади. «Эркин келадими, йўқми? Келиши керак!» Мен ҳаёт билан видолашяпман, наҳотки бунга у бефарқ. Мен ўлсам, у нима йўқотади? Ҳеч нима! Нар иборса ўкиниб, сигарет чекиши мумкин. Кейин ўз хафачилигини

кимларгадир айтиши, ўйнашларига мақтаниши мумкин. Ўғлим-чи, ўғлим ҳам бошида бир-икки бор йиғлаши мумкин. Катта бўлгач, у ҳам ўз йўлини топиб кетади. Онам-чи, онамгина менинг доғимда, гаму-ҳасратда адойи тамом бўлади.

Мухайё яна деразадан пастга қаради. «Ҳеч бўлмаса, бир лаҳза ҳавода эркин учаман, кейин азоблардан қутуламан. Наҳотки, Эркин келмаса, шунчалик шавқатсиз бўлса?»

Наҳотки, ўлишдан кўра яшаш қийинроқ. Муҳаббат деган нарсани ким ўйлаб топган? Ҳаётимнинг муҳаббатга тўла лаҳзаларида худди маликалардай яшадим. Маликалардай бахтиёр бўлдим. Бир одамнинг қалби қувонишга қанчалик қодир бўлса, шунчалик севиндим, шод бўлдим. Энг бахтли одам қанчалик бахтиёр бўла олиши мумкин бўлса, шунчалик бахтиёр бўла олдим. Ҳатто маликаларнинг ҳам юраги бундан ортиқ бахтиёр бўла олмайди. Муҳаббат мени шу қадар юксакликка кўтарди, энди эса бахтсизлик нима эканлигини билишга маҳкумман.

Мухайё, соат жарангидан чўчиб тушди. Унинг миллари тўппа-тўғри еттини кўрсатиб турарди. «Эркин келмади. Начора? Бизлар деярли ҳамма нарсани гаплашиб бўлганмиз. Унинг келмаслиги эса, сўнгги саволларимга берган жавобидир.

Унинг таҳқирловчи жавобига ожиз кимсанинг ожиз жавоби ҳам тайёр».

Мухайё деразани очиб, рахига оёқ қўяркан, пастда турган қоронғулик ичида, ғира-шира кўриниб турган Эркинга кўзи тушди ва бир балодан қутулгандай, орқага чекинди. Уялиб деразани ёпди. Бироздан сўнг эшик тақиллади.

— Нега эртароқ келмадингиз?

— Мен кутиб тургандим. Журъатинг етармикин, йўқмикин деб ўйлаётгандим. Тўғри топган эканман.

— Агар заҳар ичганимда-чи?

— Заҳар ҳеч жойда йўқ-ку.

— Бўлганида-чи?

— Сен ғирромлик қиляпсан. Айт, қачон сенга уйланаман деганман. Тўғри, сени севаман деганман. Сенга бу сўзни айтганимда, севги нималигини билмасдим. Сен туфайли севги нима эканлигини билдим. Муҳаббат ҳақидаги барча эртаклар, ҳаммаси рост эканлигига ишондим. Севгисиз ҳаёт, ҳайвонларнинг яшаш тарзидан бошқа нарса эмаслигига ҳам иқдор бўлдим. Лекин, нима қилай, сенга

уйлана олмайман. Энди ҳеч нарсани ўзгартиришга қудратим етмайди.

— Мен-чи, менинг ҳаётим нима бўлади. Ахир мен темир эмасман-ку. Сиз мени ҳар бир ҳужайрамгача ўзгартириб юбордингиз-у, ҳаётимда ҳеч нарса ўзгармаслигини талаб қиялпсиз.

— Ўзингни қўлга ол. Муҳаббатинг олдида қарздорман. Мен ҳозир сендан бир дунё олтин олиб, қайтариб беролмаётган одамдай қарздорман. Агар биз ўн йил олдин кўришганимизда, балки ҳозиргидай бир-биримизни севолмасдик. Биз умримизнинг шундай палласида учрашдик-ки, ҳатто бир кун олдин ё кейин учрашганимизда, бир-биримизга балки мутлақо бефарқ бўлардик.

— Сиз афтидан ҳеч нарсани тушунмаётганга ўхшайсиз. Ҳатто, нега сизни чақирганимни ҳам ўйлаб кўрмаяпсиз, Эркин ака!

— Сен менга бугун бермоқчи бўлаётган саволларингта дастлабки учрашувимиздаёқ жавоб берганман.

— Ҳаммага ёқди-гу, бир сизга ёқмадик, ёқмадик-а!

— Менга ҳам ёқасан. Мен ҳеч кимни сени севганчалик севганим йўқ. Умуман, сенгача севги нималигини ҳам билмасдим. Энди айтишим мумкин. Севгисиз ҳаёт...

— Ҳозир гап бошқа ёқда. Гап севгининг нималиги ҳақида эмас, натижаси ҳақида кетяпти.

— Натижасини мендан талаб қилма. Марҳамат, яна истаганча севишиб юраверишимиз мумкин. Мана шуниси яхши...

— Йўқ, бу ўйинда фақат мен ютқизаман. Оиламдан ажралдим, ишхонамдан ҳайдалдим, яхши отим кўча-куйда ёмонга айланди. Эримдан қолган барча мол-мулкни ҳавога совурдик. Оёғимдан қулоғимгача қарзга ботдим. Ака-укаларимга ёлғон гапиравериб, бурдим қолмади. Ҳозир мени бу ҳаётда сизга бўлган умиддан бўлак ҳеч нарса ушлаб тургани йўқ. Сиз эса шу умидни узмоқчи бўляпсиз?

— Бу сен ўзинг танлаган қисмат.

— Мен бунчалик хўрланишга лойиқ иш қилмадим-ку.

— Сени ҳеч ким хўрлаётгани йўқ. Яна аввалгидай яшай-верамиз, фақат уйланиш ҳақида гап очма. Оилам, болачақаларим бор.

— Сизнинг ҳаётингиз ўз йўлида текис кетаверади. Ҳаммаси жой-жойида, фақат қурбон бўлган биз.

— Қўй, ундай дема. Сени севавериб, мен ҳам адоийи тамом бўлдим-ку.

— Ишонмайман.

— Нега?! (Эркин унинг елкасидан кучоқлайди) Уйла-наман деган битта-яримтаси ҳали чиқиб қолар. Биз эса фақат бир-биримизни севишга яратилганмиз. Кел, энди... (Улар диванда кучоқлашиб ўтирадилар).

— Кўйинг, ойим уйдалар. Сиз ҳақингизда гапирганман. Бўлмаса, аллақачон ҳайдаб чиқарардилар.

— Ўзимни ойижоним, мен учун шундай қизни туғиб қўйибдилар-у, минг марта ўргилсам арзийди. (Эркин Муҳайёнинг юз-кўзларидан ўпа бошлайди). Юр, кетдик. Ўзимизни жойга...

— Йўқ, керакмас. Тўхтанг, нариги хоналарни кўрай, ҳеч ким йўқмикан. Эшикни ҳам беркитиб келаман. (Муҳайё ўрнидан кўзғалди. Эркин диванга чўзилиб, ёқасининг тутмаларини ечди. Хотиржам ва ўзидан мамнун). Анча вақтдан кейин кўзлари ором истаб, юмила бошлайди. Бу ҳол томоғига тақалган ўтқир тигнинг оғриғини сезгунга қадар давом этди. Оғриқдан кўзини очганда тепасида турган Муҳайёни кўрди;

— Жинни бўлдингми, ол.

— Мен бугун ўзимни ўлдиришга қасд қилмаганимда, сизни ҳам ўлдирмаган бўлар эдим. Хайр. Мендан кейин яшашга ҳаққингиз йўқ.

— Эсингни йиғ. Жиннилик қилма. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ҳамма нарсани бир кунда ҳал қилиб бўлмайди. Балки турмушимиз ҳам ўзгарар. Бола-чақам бор. Сени ҳам шундай ташлаб қўймайман... Балки, яширинча ни-коҳдан ўтиб, алоҳида уй олармиз.

— Йўқ, бу гаплар жуда кеч айтиляпти. Бу гапларни мени қутқариш учун эмас, ўзингизни қутқариш учун айт-яптисиз. Хайр!

— Муҳайё, Муҳайё, шошма, ол пичоқни. Нима мен сени бирон марта алдадимми, ё сени истаганингдай сев-мадимми, айт нима қилдим?

— Мен сизсиз яшашим мумкин бўлганда эди, ўзимни ўлдирмаган бўлардим. Сиз менсиз яшай оласиз, шунинг учун сизни ўлдираман. Мен бир ўзим ўлиб кетишни иста-майман.

— Нима деяпсан, Муҳайё, биз ҳали кўп яшаймиз. Биз-нинг давримиз энди келади. Ол пичоқни...

Муҳайё унинг томоғига қадалган пичоқни олади. Лаб-лари титрайди.

— Ўлдир десангиз ҳам ўлдирмасдим...

— Сенга ишониб бўладими?

— Менга нима қипти?

— Ўзингни қўлга ол. Керак бўлсам чақирарсан. Ёпиғлиқ парда ёпиғлигича қолсин. Уни кутарсак, биз ҳали бирга ўлишимиз учун кўп нарса етишмаслиги аён бўлиб қолади.

— Нималар?

— Сен мени севган пайтларингда бошқаларни ҳам назардан қочирмагансан. Мен ҳам худди шундай. Агар турмуш қурганимиздан сўнг, бир-биримизсиз яшолмаймиз, деб кафолат беролганингда, мен сенга уйланган бўлардим. Афсуски, сен энди мени деб яшолмайсан. Ҳали сен севадиганлар ҳам, сени севадиганлар ҳам кўп бўлади. Муҳаббат эса хонаки эмас, ёввойи каптардир. Сен ҳозир уни қафасга соламан деб, ўзингни қийнаёпсан. Балки, сен ўзингни ўлдиришинг ҳам, мени ўлдиришинг ҳам тўғридир. Лекин бу ўз юрагинг ҳақида, ўз муҳаббатинг ҳақида чиқарган тўғри хулосанг эмас. Биз муҳаббат учун ўлишга нолойиқмиз. Бизнинг юракларимиз сен ўйлаганчалик тоза эмас.

— Мен ҳам сиздай ўйлаганимда, бу ҳаёт учун, ҳаётнинг олдида ўзимни ифлос санаганим учун жонимга қасд қилмаган бўлардим. Хайр, сиз билан гаплашадиган гапимиз қолмади.

— Нима ҳам дердим. Омон бўл! Агар истасанг яна учрашамиз.

— Мен Худодан шундай бир муҳаббат сўрайман-ки, мен севган киши, мени ҳеч қачон алдамаса, бутун жонимни, умримни, куч-қудратимни, юрагимни бериб унга фидойи бўлиб ўтардим. Жонингни тикиб борсанг-у, сени қанча вақтлар давомида алдаб келаётганини кўрсанг, бундан ортиқ фожеа борми? Лекин энди бу гапларнинг сизга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Кетинг!

— Хўп, хўп...

* * *

Тўй. Куй-қўшиқ авжида. Шовқин-сурон. Бирровга келган хонандалар иккита-иккита, тўртта-тўртта қўшиқ айтиб даврани бўшатяпти. Навбат Муҳайёга етиб келган.

Ўртани олиб борувчи уни огоҳлантиряпти:

— Муҳайё, тайёр бўлиб туринг, қўшиқ тугаши билан эълон қиламан, хўпми?

— Тезроқ бўлақолинг. Вақтим зиқ.

Шу пайт тўйхонага Севинч кириб келади. Унинг ат-

рофида чолғучилари. Унинг виқор билан юришларини кўрган тўй аҳли, ҳайратда. Ҳамма йўл берган, ҳавас билан қараган. Баъзилар суюлиб қуллуқ қилган. «О, Севинч келди», деган товушлар. Ўртакаш ҳам югуриб пешвоз чиққан.

— Келинг, келинг, Севинч!

— Тўй қалай бўляпти.

— Зўр. Сиз келдингиз, энди даҳшат бўлади.

— Менга қачон навбатни берасан.

— Сизгача уч киши ёзилган.

— Вақтим зиқ. Ҳозир чиқиб айт.

— Менга барибир. Ана, Муҳайёнинг навбати. Ўзингиз сўранг.

— Муҳайё... Ҳозир мен чиқаман. Йўқ дема. Озроқ турсанг асақанг кетмайди.

Муҳайё: — Йўқ. Кутолмайман. Қолаверса, мен кўшиқ айтгандан сўнг, сенинг келган келмаганинг ҳам билинмай кетади. Шунинг учун шошилмай кўяқол.

Севинч: — Газанда!

Муҳайё: — Менинг олдимга тушишингга ҳали анча бор!

Севинч: — Шундай қиламанки, томоғинг ҳали мени номимни айтишдан бошқасига ярамай қолади.

Муҳайё: — Сени номингни айтганларнинг таҳорати бузилиб кетяпти-ю.

Севинч: — Сенда таҳорат борми?

Севинч ғазаб ва нафрат билан тўйдан чиқиб кетади. Бир тўда одам унга эргашади. Муҳайё кўшиқ айтиш учун ўртага қараб юра бошлайди.

Севинч ва Наргиза ўтирибди. Севинч асабий:

— Ҳозир у ким билан юрибди. Ишонгани ким?

— Эркин дегани билан. Ҳар қалай катта бойлардан...

— Сен унга йўл топишинг керак. Унинг қўйнида бизнинг гўзаллардан бири ётганида, мен ўзим Муҳайёни етаклаб бораман. Эрини, оиласини ташлаб, шу Эркин деганига ишониб, қариллаб юрган экан, ишонгани хиёнат қучоғида ётганида бир кўриб қўйсин. Ва мен ҳам шунда Муҳайёнинг аҳволини кўриб, губорим тарқалади.

Уни енгишнинг бошқа йўли йўқ.

* * *

Эшик қўнғироғи жиринглайди. Эшикда Севинч ва Муҳайё дамбадам тугмачани босмоқда. Севинч Муҳайёга масхаромуз пичирлади:

— Сал ўзингни бос. Ҳозир севаман деганингнинг аҳволини кўрасан... Ишонганинг, иштонсиз ишрат қияпти.

Ичкаридан, «Ким у?» деган товуш. Севинч «бу мен!» — дейди. Муҳайё тирқишдан панага бекинади. Эркин бамайлихотир, Севинч келганидан хотиржам тортиб, эшикни очади. Эркин халатда. Олдин Севинч, сўнгра Муҳайё кириб боради. Эркин, даҳшатдан донг қотиб қолади. Қизларни кўрган Наргиза худди ҳеч нарсадан хабари йўқдай, ярим яланғоч, югуриб келиб, Эркиннинг устига сакраб осилиб олади. Унинг хиёнатини кўрган Муҳайёнинг кўзлари олов бўлиб ёнади. Сумкасидан пичоқни олиб отади:

— Аблах!

— Тўхта, Муҳайё...

Эркин хонага қочиб кириб, эшикни беркитади. Муҳайё эшикни тепа бошлайди: — Ҳозир ўлдираман!

— Муҳайё, мен барибир сени севаман, якка-ю ягонамансан. Ўзингни бос. Хотиним эмассан-ку.

— Ўлдираман, ифлос! — Муҳайё пичоқни эшикка санчади. Қаттиқ жанжал, бақир-чақирлардан бутун «дом» ларзага келади. Севинч истеҳзоли табассум билан бўлаётган воқеаларни кузатиб туради.

* * *

Муҳайё студияда қўшиқ ёзаётган эди, кимдир ойнани чертаётганини эшитиб, ўша томонга қаради. Ойна ортида Эркин турарди. Муסיқачилардан ўнғайсизланиб, ташқарига чиқди.

— Келинг!

— Салом, Муҳайё.

— Нега келдингиз?

— Биласанми, ҳамма айб менда. Сенинг олдингда гуноҳқорман. Мени кечир.

— Хўп, кечирдим.

— Кел, ярашамиз.

— Хўп, ярашдик ҳам дейлик, кейин нима бўлади.

— Мен сени яхши кўраман.

— Қўйинг бу гапларни. Фижиним келяпти... Бу сўзларни шу қадар ёмон кўраман-ки, айниқса сизнинг оғзингиздан чиққанда, чидаб туролмайман.

— Тўғри, аввалари бу гапларни эрмакка айтардим, энди ростдан, чин юракдан...

— Бўлди, бас. Кетинг!

— Айт, айбимни қандай ювай. Битта жонимга бунча жабр. Мен сени бу қадар севаман деб ўйламагандим. Ҳозир нима десанг розиман. Фақат, аввалгидай дўст бўлайлик, аввалгидай бирга бўлайлик. Ахир бир пайтлар севардинг-ку. Бир пайтлар айтган сўзларинг ҳеч қачон ёдимдан кўтарилмайди. Айниқса, теракзордаги учрашувимиз кўз олдимдан кетмайди. Ахир бир-биримизни севамиз-ку, нега кечирмайсан? Ёлвораман Муҳайё, мени кечир, сени севаман.

— Ёлгон! Авваллари сизни мутлақо бошқа одам деб билардим. Сиз, тасаввуримда салкам авлиё эдингиз. Кейин билсам, Сиз ҳам бошқалар қатори ифлос экансиз. Энди кечиришимнинг ҳожати йўқ. Бу изҳорлар ҳеч нарсани ўзгартиролмайди. Сиз бугун кечирим сўраб, эртага хиёнат қиласиз.

— Бўлди, ҳеч қачон хиёнат қилмайман. Истайсанми, сенга уйланаман. Оила қуриб, ўғлингга оталик қиламан. Доимо бирга бўламиз. Қасам ич десанг, қасам ичаман. Сени севаман, Муҳайё. Сенсиз қийналганларимни, билсайдинг.

Рости, сени бу қадар севиб қоламан деб, ҳеч ўйламагандим. Энди сенсиз яшолмайман.

— Эркин ака, кетинг бу ердан. Гапларингизни эшитиб кўнглим айниятти. Одам бу қадар пасткаш бўлмаслиги керак.

— Муҳайё, уйингга совчи жўнатаман. Тўй қиламиз. Ҳаммаси очиқчасига бўлади. Яна қандай исботлай...

— Кетинг... Севгини бунақа гаплар билан сотиб олиб бўлмайди. Сиз мен ўйлаган одам эмассиз. Сиз, хиёнаткор, сотқинсиз.

— Хўп, мен шундайман. Фақат сен мени кечир...

— Мен кечирганимда ҳам, энди ҳеч нарса ўзгармайди. Энди ҳеч қачон учрашмаймиз. Бари тугади. Эртага келсангиз ҳам, ўн йилдан кейин келсангиз ҳам, жавобим шу. Қасам ичиб айтаман, қайта сиз билан бўлсам, ёлғиз боламни ўлиги тутсин.

— Муҳайё...

Муҳайё, чирт бурилиб студияга кириб кетди. Эркин нима дейишини билмай, довдираб қолди. Тақдирга тан берган одамдай, ҳайрат ва таажжубда, бошини чангаллаб, ерга ўтирди.

* * *

Раъно: — Сиз Турғун акамнинг менга бўлган муносабатлари самимийлигига шубҳаланаяпсиз, шекилли.

Муҳайё: — Йўқ, балки ўзгаргандирлар. Лекин, аёл кишининг ёлғиз қолиши, бир кун келиб инкор этилиши, севилмай қолиши, севган одами йўқламай қўйиши нақадар азобли эканлигини билганим учун бу ерга келиб ўтирибман.

Раъно: — Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганда, шундай қилармидингиз?

Муҳайё: — Ҳа, мен негадир Турғун ака сизни севиб қолганига ишонмаяпман. Мана шу нарса сизни бахтсиз қилади, деган хавотирдаман. Биз бор йўғи битта зебигардон учун ажрашиб кетдик.

Раъно: — Ҳозир, Турғун акага телефон қиламан. Сиз нариги телефондан бемалол эшитаверинг.

Муҳайё: — Йўқ, керакмас.

Раъно: — Керак. Бу сиз учун ҳам, мен учун ҳам керак. Фақат билдириб қўйманг.

Раъно телефон рақамларини теради. Трубкани Турғун кўтаради;

Турғун: — Алё, Раъно яхшимисиз?!

Раъно: — Турғун ака, Сиз билан кўришганимизда, неча бор шайландиму, лекин айтолмагандим. Энди, телефонда бўлса ҳам, сўрашга мажбурман. Нега, хотинингиз билан ажрашгансиз?

Турғун: — Уни ўзи кетди. Кўшиқчи бўлмоқчи экан... Қисқача айтганда: «Бахтимиз очилмади».

Раъно: — Агар, эртага у киши қайтаман деса, қайтадан уйланасизми?

Турғун: — Йўқ. Чунки, у менга хиёнат қилган.

Раъно: — Балки, бу нарса бўлмагандир. Мен ўз бахтимни ўзгалар бахтсизлиги ҳисобига қурмоқчи эмасман.

Турғун: — Сени севишим учун, бахтсиз яшаганим тўсиқ бўлолмайди.

Раъно: — Сизнинг Муҳайё билан кечирган турмушингиз, мен билан ҳам такрорланмайдими?

Турғун: — Ҳеч қачон. Бизлар бахтли бўламиз. Кўр ҳасасини бир марта йўқотади. Энди кўзим очилди. Сиз менинг бахтимсиз.

Раъно: — Турғун ака, уйга адам келиб қолдилар, кейинроқ қўнғироқлашамиз.

Турғун: — Раъно, Сиз ҳеч шубҳаланманг. Сизни яхши кўраман. Соғ бўлинг!

Улар трубкани қўядилар. Муҳайё ҳайратдан қотиб қолган. Нима дейишини билмай, Раънога қарайди. Сўнг: — Раҳмат, анча нарсани ойдинлаштирдигиз — дейди.

Раъно: — Албатта, мен Турғун акага нисбатан яхши иш қилмадим. Балки, бу ишим учун у киши хафа бўларлар. Лекин, сизларнинг ораларингиздаги боғлиқлик қай даражадалигини билиш, мен учун ҳам қизиқарли. Бунга кўз юмолмайман. Оила қургунимизча бу муносабатлар ошкор бўлгани яхши. Турмуш қурганимиздан сўнг, оила сирларини ҳеч қачон ошкор қилмайман.

— Шундай бўлгани яхши. У сизни бу қадар яхши кўриб қолганини билмаган эканман. Узр. Энди мен борай.

* * *

Яқин одаминг ўлса, «бандалик экан-да» — дея таскин излайсан. Аммо қачонлардир қадрдон бўлган, сени қучиб эркалаган, жисму-жонини берган, борлигинга сингиб кетган ва ҳаётингнинг энг азиз бўлаги бўлиб қолган инсон, ҳатто у кейинчалик бегонага айланиб қолган бўлса ҳам, у энди сендан мутлақо кетаётганлигини кўриш, айниқса бошқа бировни бахтли қилиш учун, айнан сени ўрнингга бошқа бировни саодатли қилиш, уни севиш, унга ўз ҳаётини бағишлаш, у билан оила қуриш, сени аро йўлда ташлаб, у билан қолган умрини файзли ўтказиш ва сени битмай-туғалланмай қолган можаролар исканжасига ўзингни ёлғиз ташлаб кетаётганлигини, янги ҳаёт остонасини очиб, кириб кетаётганлигини кўриш, нақадар даҳшат! Айниқса, аёл киши учун. Аёл киши учун, ўзининг собиқ турмуш ўртоғи, бошқа бировга уйланаётган тундан маъшумроқ тун йўқ. Агар аёл мана шу тундан эсон-омон ўтиб олса, мана шу тунда сабр-тоқат қила олса, кейин юраги тош бўлиб, яшаб кетаверади. Ҳамма балога бардош бера олади. Фақат у, мана шу тунни ўтказиб олса бас.

Лекин Муҳайё ўша кеч уйда ўтира олмади. Ўзи қарахт бўлиб қолган, оёғини ердан узолмас, чангақдай букилиб ўтиришдан бошқасига ярамасди. Ўзини бу қадар афтодаҳоллигини бекитиш учун, далда дея ўғлини ҳам ўзи билан олиб, тўй ўтаётган кафега бориш учун такси тўхтатди.

Кейинги пайтларда Муҳайё кўп тўйларда бўлди. Қўшиқ айтиб кўп базмларни ўтказди. Никоҳ тўй, суннат тўй, чарлар... Баъзан иккинчи бор уйланаётганларнинг тўйида

ҳам бўлди. Тўйхона худди унинг ишхонасидай бир таассурот уйғотарди. Лекин, бугун Турғун уйланыпти.

Кафе катта йўлнинг ёқасида бўлганлиги учун ўтган кетганлар кўп. Муҳайё қоронғу тушганидан фойдаланиб, худди йўловчидай кафе атрофида аста-секин юра бошлади. Кафе оғзида, бир пайтлар унга қариндош бўлган, уни таниган, уни ҳурмат қилган танишларига кўзи тушди. Тўйдаги қўшиқчини ҳам овозидан таниди: Севинч! Дунёнинг айланиб келишини қаранг. Севинч уни Эркиндан айирганди. Энди Турғундан ҳам айираяпти. Йўқ, Севинч Эркиннинг хиёнатларига хотима ясади, очиқчасига кўрса-тиб берди, холос. Турғун билан бўлган можароларнинг эса сўнгги кунда, иштирок этяпти, холос. Лекин, нега айнан Севинч!..

Муҳайёнинг бир нияти, тўйга шарт кириб бориш эди. Лекин, шартта кириб бориш учун ҳаққи йўқлигини биларди... Қолаверса, бу ердагиларнинг баъзилари уни Турғуннинг эски хотини деб билса, баъзилар «ана, қўшиқчи Муҳайё келди» — дея хаёл қилади.

Муҳайё тўйхонага қарар экан, кўзларидан дув-дув ёш тўкиларди. Собиржон ҳам, онасининг авзойига қараб, хархашаларини тўхтатди. Боядан бери, ана амаким, ана аммам, ана фалончи акам деб, тўйхона томонни кўрсатар, ҳеч нарсани тушунмай, онасини ўша томонга судраётганди. «Улар бари ёмон одамлар» — дейиши ҳам таъсир қилмас, нега шунча вақт яхши бўлиб юрган одамлар, бирданига ёмон бўлиб қолганлигига идроки етмасди.

Муҳайё асфальт йўлни кесиб, югуриб келаётган Турғунга кўзи тушди. Турғун кела-солиб Собиржонни қучоқлаб олди.

— Ўғлим, мени кечир. Хоҳласанг сени тўйхонага олиб кираман. Ҳали катта бўлганингда, мени тушунасан. Унга-ча ҳам ёлғизлатиб қўймайман. Олдинга бориб тураман. Ўғлим, сени яхши кўраман. Менинг жигарбандимсан. Кўчада қолган бахтим, бахтсизлигимсан.

— Дада, дадажон... Сизни соғиндим.

— Ўғлим, сенга қайтар йўлларим беркилган бўлса, нима қилай. Мен бугун уйланыпман. Фақат сени кўриш учун чиқдим. Менга сенинг келганингни, ойингнинг келганини айтишди.

Турғун бошини кўтариб, Муҳайёга қаради.

— Раъно сени танир экан. Сенинг олдинга чиқшимни билиб, бўйнидаги зебигардонни ечиб берди.

Ма, ол. Қачонлардир, битта зебигардон учун ажрашиб кетгандик. Буни тақиб, зора бахтли бўлсанг. Зебигардон ҳақида унга ўзинг айтиб берган экансан. Мени ҳам жуда бахтли деб ўйлама. Агар менга хиёнат қилмаганинга, ҳеч қачон уйланмаган бўлардим. Менинг орномусимни бу қадар арзон сотганинг учун, сени кечирмайман. Умид билан бир ёстиққа бош қўйганимиздан сўнг, сенга бутун ҳаётимни бағишлагандим. Афсус, бошим тошга жуда қаттиқ урилди. Сен ҳам ўз бахтингни топарсан. Илтимос, бу зебигардонни ол. Мендан гинанг қолмасин...

— Керак эмас. Мен бу ерга зебигардон учун ёки Сиз учун келганим йўқ. Ўзимнинг фожеамни кўриш учун, мен йўл қўйган хато нақадар даҳшатли эканлигини англаш учун келганман.

— Мен борай. Сўнгги илтимосим, буни ол. Турғун, Муҳайёнинг қўлига зебигардонни тутди. — Собиржонга бирор нарса керак бўлса айтарсан.

Турғун ортига қараб югуриб кетди. Муҳайё ўкириб йиғлай бошлади. Жимиб қолган Собиржон унинг этагига ёпишиб олганди. Орадан карахтлик ва мудҳишликка чўмган қанчалардир вақт ўтди. Собиржон онасининг ниманидир ғижирлатиб еяётганини кўрди. Муҳайё, зебигардон доналарини бирма-бир оғзига солаётганди. Доналар катта-катта бўлганлиги учун, томоғидан зўрға ўтар, баъзиларини тиши билан синдираман дер, лекин тиши синиб, лабининг бир бурчидан қон сизиб чиқарди. Собиржон ойисининг қўлларига тирмашди. Лекин ойиси важоҳат билан, шода-шода тошларни каппалаб оғзига солар, ўқчиб-ўқчиб ютинарди. Собиржон ойисини қаттиқ тортиб ўзига қаратмоқчи эди. Муҳайё йўл четидаги панжарага суянган жойидан ерга беҳуш бўлиб қулади. Собиржон ойисига қараб энгашганида, Муҳайё нафас ололмай хириллар, кўзлари катта-катта очилиб, даҳшат ва саросимадан қотиб қолган эди.

Собиржон энди онасига ёрдам беролмаслигини тушуниб, тўйхона тарафга чопди.

Турғун етиб келганида Муҳайёнинг кўзлари осмонга қараб қотиб қолган, унинг кўзлари юлдузлари куйган тун осмонидай қоп-қора эди.

БУ ЎЛКАНИНГ ТЎРТ ФАСЛИ ҲАМ — ЁЗ!

(Индонезия таассуротлари)

— Аввало, Индонезия давлатининг ташқи тафсилотларига тўхталиб ўтсак...

— Индонезия аҳоли сони жиҳатидан Хитой, Ҳиндистон, АҚШдан кейин, тўртинчи ўринда (210 млн.) туради. 17500 оролдан иборат. 583 тилда сўзлашувчи миллат, элат, қабилалар яшайди. Дунёдаги энг катта ислом давлатидир. Уни иккита океан ва олтита денгиз ўраб туради. 54 та тоғ тизмаси, 400 тага яқин доимий қайнаб турувчи вулқони бор. Ҳавоси худди иссиқ парға ўхшайди. Йилнинг ўн икки ойи фақат ёз фаслидан иборат.

Индонезия ҳақида дастлаб тарихчи Птоломей асарлари, кейинроқ, X асрларда Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» китобида маълумотларни учратиш мумкин. 1290 йили эса европаликлардан Марко Поло бу ўлкага саёҳат қилган. 1498 йил Васко да Гама Калькуттага, 1511 йил Индонезиянинг Малакко оролларига етиб келган. Ер шарини биринчи бор тўлиқ айланиб чиққан Магеллан ҳам 1511-21 йилларда Индонезияда икки маротаба бўлган. Сўнгра Филиппин ороллариининг бирида одамхўр қабилаларга ем бўлган. Ислом савдогарлари бу ерга XIII-XIV асрларда етиб келишган.

Европа ўзининг Уйғониш даврини бошидан кечираётганда бутун дунёга ҳукмронлик қилиш дардига чалинганди. Лекин улар бойлик, олтин, хомашё ёки шунчаки саргузашт излабгина сафарга отланишганди десак, янглишамиз. Айтайлик, Христофор Колумб ўтакетган диндор шахс эди. У биринчи ўринда христиан динини оламга ёйиш учун сафарга отланганди. Дин уларга жуда катта куч-қудрат бахш этганди. Марко Поло ҳам шундай. Динни тарғиб қилишдан кейинги ўринда турадиган масала, бу Осиё этакларида чўзилиб ётган беқийс бойликларга эга бўлиш эди. Индонезия 350 йил, то 1945 йил ўз мустақиллигини эълон қилгунга қадар Голландия мустамлакаси остида яшадди.

1492 йил испаниялик Колумб Американи кашф этганида, португаллар Бразилияга асос солишди. Шунда бу икки қудратли давлат ўртасида низо келиб чиқа бошлади.

Аммо Испания ва Португалия бир-бирига катта ҳаражат талаб қилувчи ҳарбий уруш эълон қилиш ўрнига, Рим папасига муроасага келтирувчи битим сўраб мурожаат қилишди. Рим папасининг қарори билан 1494 йил Канн суди ҳукми бўйича бутун ғарб ва унга яқин ўлкалар Испанияга, шарқий, яъни Африка ва унга яқин диёрлар Португалияга бўлиб берилди. Боя айтганимиздай, дин бутун Европа мамлакатларининг бошини бирлаштириб турарди.

— Голландия мустамлакасининг Индонезияга таъсири қандай бўлган?

— Индонезия дунёдаги энг қадимий маданиятга, фалсафага, урф-одатга, санъатга эга ва бу жиҳатдан Европадан қолишмайдиган давлатдир. Тўғри, тараққиёт мезони бу нисбий тушунча ва қайси тарафдан қарашга боғлиқ. Шунинг ҳам унутмаслик лозимки, кексайиб қолган донишманд Шарқ қон томирларига ёш ва ғайратли, куч-қувватли қон оқими кириб келди ва талайгина ўзгаришлар қилди. Умуман олганда, тараққиёт деган нарса худди булутлар галасидек Ер шари атрофида тинимсиз айланиб юради. Фақат булутлар тезроқ айланади, мафтункор тараққиётнинг кўчиб юриши учун эса асрлар керак.

— Мамлакатдаги маданий ёдгорликлар борасида нима дейсиз?

— Ёзма ёдгорликларининг асосийси Рамаёна, Маҳобҳорат. Бундан ташқари меъморий ёдгорликлари шу қадар кўпки, баъзи ороллариининг ҳар бирида 20 мингга яқин эҳром бор. Бу аҳолининг 91 фоизи мусулмонлардан иборат ўлка маданияти. Шу ўринда, 8300 кв. метр катталикидаги Баробудур эҳроми ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Бу эҳром тошдан қурилган пирамидадир. Эҳром сиртига, Будданинг бутун тарихи, фалсафаси тошларни ўйиб акс эттирилган. Нақшда чизиб чиқилган. Эҳромнинг юқори қисмига чиқишингиз учун беш километр йўл босишингиз керак. Бу пирамидадаги миллион-миллион тошлар бир-бирига компьютерда ҳисоблангандай, кийдирилган, биронта устун, биронта каркас, ёйинки тошни ёпиштириш учун цемент ишлатилмаган.

— Буддизмнинг таъсири ҳали ҳам кучлими?

— Ер юзининг бирор жойида Будда ҳайкали бу ердагичалик кўп эмас. Одамларининг табиати қизиқ. Минг йил аввалги ҳунармандлик ишлари билан замонамизнинг энг сўнгги ишлаб чиқариш ютуқлари ёнма-ён тураверади.

Масалан, Бали деган оролда ҳайвонлардан жирканишади. Бировни ҳайвон деб ҳақоратлаш, унга ўлим тилаш билан баробар. Уларнинг эътиқодича, ахлоқи бузуқ одамларнинг арвоҳи ҳайвонларга кўчиб ўтган, бу ҳайвонлар Ер юзида дўзах азобини кўриб юрибди, энди фақат ҳақоратга, ёйинки, қурбонликка ярайди, холос.

— Бундай дунёқарашлар Индонезия санъатида ҳам ўз ифодасини топгандир?

— Албатта, масалан легонг деган рақс тури бор. Легонгнинг маъноси — аланганинг жилваланишидир.

Қизлар уч ёшга тўлганда шу рақсга тушишни орзу қилишаркан. Улар саккиз ёшга тўлганидагина саҳнага чиқишга рухсат этиларкан. Ва бу ҳол қиз бола 11-12 ёшга тўлгунга қадар давом этаркан. Шундан сўнг, яъни балогатга етгач, қиз бола фаришта ҳисобланмас ва саҳнада ўйнаши таъқиқланаркан.

— Таассуротларингизга кўра, халқ ривоятлари ҳозир ҳам индонезияликлар турмушининг муҳим қисмига ўхшайди...

— Бадавлат одам ўлганида, хотини, хизматкорларини қўшиб кўмишни яқин-яқинда голландлар таъқиқлашди. Лекин ер силкиниши тошбақалар касофати туфайли бўлаяпти, деб ишонувчи баъзи элатлар, оммавий тарзда йилига 30 мингга яқин тошбақани ўлдиришади. Бу тошбақаларнинг ҳар бирининг катталиги юз килограммдан кам эмас. Бугунги кунда тadbиркор ошпазлар «ёвузлик тимсоли» бўлган бундай тошбақалардан мазали таомлар пиширишади. «Маҳобҳорат»даги маймунлар саркардаси Хонумон ҳаққи-ҳурмати шарафига тўртоёқликлардан фақат маймунларгагина эҳтиром сақланиб қолган.

Ёки ривоятларнинг халқ турмушига чуқур кирганлигини ушбу ҳолатдан ҳам кузатсак бўлади.

Индонезиялик оналар чақалоқларини то улар икки оёқда юриб кетмагунларига қадар, ерга туширишмайди. Агар болани юргунга қадар ерга қўйишса, у эмаклаб, «тўрт оёқлаб» юриши ва бу ҳолат маҳлуқлар юришига ўхшаб кетганлиги учун болага ҳайвон руҳи кўчиб ўтиши мумкин, дея ишонишади ва боланинг ҳеч қачон эмаклаб юришига йўл қўйишмайди.

Индонезияликлар одамнинг руҳи бошида бўлади, дейишади. Шунинг учун бошга тегиш руҳни безовта қилиш билан баробар ҳисобланади. Айниқса, боланинг бошини асраб-авайлаш ҳақида қаттиқ ғамхўрлик қилишади.

Хуллас, Индонезия сир-синоатга, эртақ ва ривоятга, афсона ва ақидаларга лиммо-лим ўлка. Айтганларим — мен кўриб ақлимга сиғдирилганларим, холос. Ақлимга сиғмаганлари қанча.

— Кўпинча давлатларнинг ривожланганлик даражасини иқтисодиёти билан ўлчашади. Шу маънода Индонезия давлатининг иқтисодиёти билан ҳам қизиқдингизми?

— Газ, нефть, енгил саноат, ўрмон хўжалиги соҳасида дунёда етакчи мавқега эга. Албатта, бу соҳани иқтисодчилар шаҳрлашгани маъқул. Битта мисол келтираман: Индонезия Японияга ёғоч экспорт қилади. Япония бу ёғочлардан қоғоз ва Хитой учун қошиқ ўрнида ишлатиладиган жуфтлик чўпча ишлаб чиқаради. Хитойликлар ҳар овқатланганда янги чўпча ишлатишади. Миллиард хитойлик учун, ҳар куни уч жуфтидан чўпча бу — бир кунда олти миллиард чўпча керак деганидир. Бу олти миллиард чўпча Индонезия маҳсулотидир. Шунингдек, ўрмон хўжалигидаги пальма, кокос, банан, бамбук... одамзот мафтун бўлмай иложи қолмайдиган чангалзорлар... 17500 оролнинг ҳар бири ўзига хос бир олам. Айтишларича, баъзи оролларда матриархат — аёллар ҳукмронлиги даври давом этмоқда. Баъзи оролларда, одамхўрлар яшашар экан. Баъзи бир оролларда одамларнинг орияти шу қадар кучли эканки, биз борган ороллардан бирида, эр-хотин кўчада уришиб қолиб, эр хотинининг кўйлагини йиртиб юборди. Бу шармандаликка чидай олмаган аёл шу заҳоти ҳамманинг кўз ўнгида кокос дарахтининг тепасига чиқиб, ўзини ерга ташлади.



Дунёнинг энг чекка, Бали оролидан ўтиб борар экансиз, африкаликни ҳам, бразилияликни ҳам, европаликни ҳам, ҳиндуни ҳам, австралияликни ҳам, японни ҳам кўрасиз. Бир пайтнинг ўзида кулфатингиз остида черков қўнғироқлари, азон айтаётган сўфининг соҳир овози, жарангдор рокн-ролл садолари эшитилиб туради. Бу ер дунёнинг овлоқдаги бир чеккаси, ё қоқ марказими деб ёқа ушлайсиз... Минг йил аввалги яшаш тарзи, урф-одатлар, анъаналар, ақидалар, ўтмишнинг бус-бутун

шакли бехос отилиб чиққандай. Замонавий урф-одатлар ва афсонавий ҳаёт... барча-барчаси бир-бири билан қоришиб, сизни ўз оҳанграбосига чорлайди. Минг йиллик вақт нақадар яқин ўтмиш эканлигини ҳис қиласиз.

Индонезиянинг бугунги кундаги давлат шоири: «Ранг-баранг бўлиб, бирликда яшаш».

— Хуллас, сафар хулосаси қандай бўлди?

— 1 млн 913 минг кв. км.га чўзилган бу ўзига хос ўлканинг кимга маъқул, кимга номаъқул тарафлари таллайгина. Лекин бир биродар юрт фарзанди сифатида, бу мамлакат фуқароларига ўз байроқлари шарафини халқаро миқёсда янада баландроқ кўтаришларини, спорт соҳасида, кино соҳасида, илм-фан соҳасида энг юқори чўққиларга чиқишларини, юксак ғалабаларга эришишларини истардим.

Сухбатдош: Малик МАНСУР

БАҲОРНИНГ ЭНГ СЎНГГИ ЛОЛАСИ

Теленовелла

Мана сенга бағишлаган ҳамма шеърларимни бирма-бир ўтга ташлаяпман. Сен билан кечган хотиралар, сени севиб, ардоқлаб, соғиниб, юрак-юрагимни зирқиратган туйғуларим битилган ва эндиликда бирмунча сарғайиб кетган кундалик хотираларимни ҳам ёқиб юборяпман.

Мен уларни сен билан танишган 9—10 синф пайтларимда ёзгандим. Биринчи шеърим ҳам, фақат сенга аталган. Ёдингдами, бу шеърларни ўқиб, тилимда айтолмаган гапларни айтардим ва сендан севгимга жавобан, «ҳа», мен ҳам сизни яхши кўраман» — деган сўзни кутардим. Сен эса худди ҳеч нарса бўлмагандай, пинагингни бузмасдан: — «Сиздан яхши шоир чиқади» — деяр эдинг.

Кўчаларинг бошида шовуллаб турган баланд теракзор бўлар, кечалари ойнинг оппоқ ёғдуси ариқларда жилваланар, дарахт баргларида, майсаларда, умуман чор атрофда кумушдай товланарди. Мен, деярли ҳар кеч, кўчанг бошидаги темир йўл рельсига ўтириб, деразангни пойлардим. Гоҳо-гоҳо имкон топганингда, бир неча сониягагина ёнимга чиқардинг. Имкон тополмаганингда, чироқни алламаҳалгача ёқиб кўярдинг. Ана шу ой, ана шу теракзор, ана шу осмон тўла юлдузлар мен ширин энтикиш билан эслайдиган мангу осмон бўлиб қолди.

Ёдингдами, мен ўнинчи синфни битираётган йилим қирга, лола тергани чикдик. Май ойи охирлагани учун, иккаламиз ҳарчанд изласак-да, бирортаям лола тополмадик. Лолақизгалдоқлар қип-қизил гиламдай ёйилиб кетган, лекин лола топилмас, иккимиз ҳансираб у ёқдан-бу ёққа чопганимиз-чопган эди. Табиатнинг раҳми келдими, кун ботай-ботай деганида, бир донагина лола топдик. У каттагина, танаси йўғон, барглари қалин эди. Биз болалардан анча узоқлашиб кетган, уларни кўзимиз зўрға илгар, биз юрган қирда эса ҳеч ким йўқ эди.

Ҳолдан тойиб, ерга чўкар эканмиз, беҳосдан бир-биримизга суяниб қолдик. Мен ўшандагина биринчи бор баҳор гулларининг муаттар бўйлари келиб турган юзингга энгашиб, ёқутдай қип-қизил ва куйдирувчи лабларингдан бўса олдим. Юрагим қинига сиғмас, бу бўса таъмидан бутунлай сармаст ва саодатли эдим. Қилигимдан ранжиб,

югуриб кетдинг. Жоним ҳалқумимга келиб, ортингдан чопдим. Етиб олиб, кўзларингга узоқ термулган кўйи пичирладим:

— Биз бирга бўламиз, умримнинг охиригача фақат сени дейман, фақат сени...

— Сиз менинг бутун ҳаётимсиз, — деган эдинг.

— Биз фақат бир-биримизни севамиз, — дея ҳайқирдик кенг адирларда.

Ўша куни кеч қайтарканмиз, автобусдаги барча қизлар биргина сенинг қўлингга қип-қизил, чўғдай лолани кўриб, қанчалик ҳавас қилган эди.

Ёз келди... Мен мактабни тугатиб, Тошкентга ўқишга кетдим. Эҳтимолки, сен туфайли, сенга муҳаббатим туфайли, имтиҳонлардан ўтгандирман? Фақат сен туфайли болалигим тугаб, ўзимни улғайган, катта бўлиб қолгандек ҳис этардим. Кап-катта дарахтни ёз чилласида бошқа жойга кўчириб эксалар, илдиз олиб, униб кетиши қанчалар қийин бўлганидек, мен ҳам ўша ёз сенсиз маъвосидан айрилган илдиздек, қанчалар қийналганман.

Соғинч ва изтироблар ичида бир йил ўтиб кетди. Бу вақт ичида биз неча бор кўришдик, саноғига етолмайман. Биз учун бу учрашувлар, бахту фароғатга лиммо-лим кунлар эди.

Кейинги йили мактабни битириб, ўқишга келдинг. Рост, қандай келганинг, қанчалик излаганингни билмайман. Аммо мени жуда-жуда ахтарганингга ҳеч қандай шубҳам йўқ. Кейин, эшитишимча, сен менинг энг яқин синфдошим, сирдош, сен ва менинг орамиздаги ҳамма гапдан бохабар, хатларимизни ташиб юрган дўстим Илҳом билан келибсан. Ўша кунлари мен ёзги амалиётда бўлганим учун ишдан кейин, талабалар ётоқхонасида келиб қоларсан, дея жуда кўп кутдим. Афсус... Кейин... кейин эшитдимки, Илҳом сен учун ижарага бир уй олган. ...Бир куни сени алдаб... ва ... бизнинг йўлларимизни мутлақо ўзгартириб юборган фожиали воқеа юз берган. Иффатинг топталган...

Сени ахтариб, қишлоққа борганимда, бу гап аллақачон ҳамма ёққа тарқалган эди. Қишлоқда бир дақиқа туролмай, Тошкентга қайтдим. Фақат орадан бир қанча вақт ўтиб, азобларга чидолмай, яна қишлоққа бордим. Мени умрининг охиригача севишингга ишонардим. Лекин сен билан кўришишга юрагим бетламасди. Энди... сенинг жисминг Илҳомники.

Ярим тунда, Илҳомларнинг дарвозасидан ошиб тушдим. Қўлимда пичоқ, кўзларим қонга тўлган. Фазаб ва нафрат шу қадар телба қилиб қўярканки, ҳеч нимани идрок қилолмас, ўзимни тўхтатолмай ҳансирардим. Ёз эди, одамлар ташқарида ётишарди. Қоронғуда фарқлолмай, биринчи тўшакда ётган одамнинг кўрпасини кўтардим. Илҳомнинг акаси экан. Важоҳатимни кўриб, сапчиб ўрнидан турди. Бўйнига пичоқ тираб бақирдим:

— Илҳом қани?!

Мени таниб, суйкалиб турган ит ҳам вовуллай бошлади. Илҳомнинг онаси, отаси айюҳаннос солиб, қўлимга ёпишди. Мен эса ўша нобакор дўстимни сўраб додлардим. Илҳом ҳам шу орада ётган экан, уришиш учун хезланиб кела бошлади. Ханжардай ўткир, пўлат пичоқни даст кўтариб, унга ташландим. Ушанда ё тисарилиб қолди, ё омад кулиб боқди, пичоқ шувиллаб ёнбошидан ўтиб кетди. Қўлимни орқага қайириб, пичоқни тортиб олдилар. Бақир-чақир алламаҳалгача давом этди...

Кейин... ўрталарингиздаги воқеадан ҳамияти қўзиган ака-укаларинг, қариндошларинг, Илҳомни ё ўлдириб кетамиз, ё қаматамиз, деб жанжаллашавергач, оқсоқоллар икки ёшни унаштириб, тўйларингни ўтказишди.

Шу-шу, бошқа кўришмадик. Қишлоққа жуда кам борадиган бўлдим. Бир борганимда, ажрашганингни, ке-



йинги борганимда ярашганингни эшитиб юрдим. Ниҳоят, фарзандли бўлганингни ҳам билдим. Илҳом менга битган бир даста хатларингни топиб олиб, роса ургани ҳам қулогимга чалинди...

Ўқишим битгач, қишлоққа қайтиб бормадим. Дарду ҳасрат оловида ёнишга тоқатим, сабру бардошим қандай етсин?

Ниҳоят, тақдир тақозоси билан, ёшим ўттизга яқинлашганида, ҳамкасб бир қизни ёқтириб қолдим. Ишимиз бир бўлганлиги учун у билан фикру ўйларимиз, дунёқарашимиз мос келарди. Гапимиз қовушар, билган-билмаганларимиз билан бир-биримизни тўлдирардик.

Кейин эътибор берсам, у сенга ўхшар экан. Юзқиёфанг, хатти-ҳаракатларинг, гапириш-кулишларинг ҳаммаси мужассам. Мен сендан кейин ҳеч ким билан ҳатто, гаплашиб ҳам ўтирмаган одам, Дилдорани беихтиёр яхши кўриб қолдим. Кўчаси бошидаги шовуллаган теракзор ой ёруғида сен билан кечирган соф ва беғубор даврларимизни эслатар, жимирлаган ой ёғдуси, катта-катта юлдузлар Дилдорага муҳаббатимни янада ошириб юборганди.

У билан фақат ана шу теракзор бўйида учрашардим. Бир куни узоқ қолиб кетдим. Дилдора қучоғимда йўқ бўлиб кетгандай эди. Мен ҳамма нарсани унутиб юборгандай, бахтиёр ва масъуд дамларни кечираётгандим. Севганингдан кейин ҳеч қандай гапни яширмас экансан. Чор-атрофни кумушранг қиёфага киргизган ойга боқиб, Дилдорага сен ҳақингда, кўчаларинг бошидаги теракзор ва ўсмирликнинг бедор тунлари ҳақида гапириб бердим. Ҳаммасини кулиб эшитди. Мен даҳшатли хатога йўл қўйганимни, аёл киши учун бундан каттароқ ҳақорат бўлмаслигини кейин, орадан анча кунлар ўтгач, англадим.

Дилдора аста-секинлик билан мен сезмайдиган даражада мендан ўзини торта бошлади. Бунини лола теришга таклиф қилганимдан сўнг, қалтироқ ва аянчли овозда, «мен бировнинг сояси бўлишни истамайман» дея шартта бурилиб кетганидан ва учрашувларни бутунлай тўхтатиб қўйганидан сўнггина англадим. Ўзим билмаган ҳолда, сен билан лола сайлига чиқиб, аҳду паймон қилганимиздек, Дилдора билан ҳам, мен учун ардоқли бўлиб қолган хотиралар диёрига қайтамиз, деб хаёл қилибман. Сенинг ўрнингда Дилдора билан мангута аҳдлашиб, бирга бўлишни ният қилган эканман. Мен унга сен ҳақингда гапириб бермаганимда, балки шундай бўлмасмиди. Энди бошимдан ўтказаётган азобларни, ит ўз бошидан кечирса, тил

тортмай ўлади. Мен Дилдорани энди-энди сева бошлагандим. У мен билан бошқа учрашмади. Ёдингдами, ушанда гиламдай ястаниб ётган қип-қизил қизғалдоқлар тўшалган баланд қирда, «биз умримизнинг охиригача фақат бир-биримизни севамиз», дея ҳайқирганимиз? Биламан, сен ҳозир ҳам мени севасан. Мен ҳам. Лекин...

Мана, ҳамма шеърларимни, хотира дафтарларимни бирма-бир оловга ташлаяпман. Мен фақат сенга атаб шеърлар ёзгандим. Хотира дафтаримнинг бошидан адоғигача фақат сенсан. Булар ёниб бўлгач, менда ҳеч нарса қолмайди. Ёлғизлик нақадар даҳшат! Гоҳида менга сен ҳам ёлғиздай туюласан ва имо қилган заҳотим ёнимга келади-гандайсан. Лекин ҳеч қачон имо қилмайман. Менга битган, лекин жўнатмаган мактубларингнинг ҳаммасини ёқиб юбор. Мен ҳақимда ҳеч кимга, ҳеч қачон гапирма. Мен ҳам сен ҳақингда гапирмайман.

Ўттиздан ошдим. Энди истасам-истамасам, ҳеч кимни сени севганчалик севолмайман. Кимга бўлсин, уйланиб, оила қураман. Сендан кейин севишга уришиб, хато қилган эканман. Сен — баҳоримнинг энг сўнгги лоласисан! Ҳаётимнинг энг сўнгги лоласи! Ўша қирда энг сўнгги лолани топган пайтимиздагидек, юрагимнинг туб-тубида ўша сўз, мангу тураверади: биз умримизнинг охиригача фақат бир-биримизни севамиз!

БАХТЛИ БЎЛМОҚ ШАРТИ

(Дўстимга мактуб)



Дўстим, мен сенга ушбу мактубни шифохонадан йўллаяман. Албатта, ҳар ким ўзининг ожиз томонларини бошқалардан яширади. Бу ерга келганимни ҳеч кимга айтмаган эдим. Лекин айтадиган гапларим йиғилиб қолганлиги учун хаёлан сенга мурोजаат этаялман.

Кеча мени кўриш учун замонавий бойлардан бири келиб қолди. Савлатидан от ҳуркади: эғнида бизнинг пулга чаққанда, камида бир миллион сўм турадиган чарм пальто, бармоғида бриллиант узук. Бўйнида хипча илон йўғонлигидаги занжир. Оғзида эса: замондан нолиш, қимматчиликдан ёзғириш, имконият тақчиллигидан камситилган кимсанинг ўксиниши, бизга, матбуот ходимларига ошкораликни очиқ айтмаслигимизга нисбатан дўқпўписа. Биз пахта қўйишга устаси фаранг эмишмиз. Маддоҳликда, кўтар-кўтар қилишда бизга тенг келадигани йўқ эмиш. Биз, кўзимиз кўр, қулоғимиз қар бўлиб, қарсакбоз матбуотнинг роботига айланиб қолган эмишмиз...

Албатта, бу замонавий бойга гап уқтириш, мендай хаста одам тугул, тўртта асаби заранг одамнинг ҳам қўлидан келмайди. Лекин, шундай бўлсада ўз эътирозларимни, хаёлан инсоф юзасидан бирма-бир мушоҳада қила бошладим.

Мен билан бир хонада ётган шеригим, «бой» ўртоғимиз кетгач, кўзларимга жовдираб қараб, йиғлаб юборди:

— Биласизми, мен нафас ололмайман. Менга бор йўғи бир қултум нафас керак. Бошқа ҳеч нарса керак эмас. Кун бўйи нафас ололмай зўриқиб-бўғриқиб юраман, кечаси уйку йўқ, ҳар тун ухлаганда ҳаёт билан хайрлашиб ухлайман, мабодо уйку аралаш, нафас ололмай ўлиб қолсам, рози-ризаликсиз кетмай деб...

Одамлар нега шукур қилмайди экан-а?

Мен хонадошимга сабру-бардош тилаб, албатта соғайиб кетасиз дея юпатмоқчи бўламан. Аммо, ўзимни юпатиш учун, ҳаёлан яна сенга мурожаат қила бошлайман: «Мен Вашингтонда бўлганимда, ҳақиқий миллионерларни кўрганман. Улар оммавий кутубхоналарда, югуриш майдонларида, эл қатори оддий ва кўримсиз бўлиб юришади. Қиёфаларидан улар бизнинг мактаб ўқитувчиларини эслатади. Уларнинг миллионер эканликларини фақат чекдафтарларидан билиш мумкин. Улар сиз билан эски танишингиздек гаплашади. Юртингиз ҳақида сўрайди, билимингизни текширади, ҳаётингиз билан қизиқади. Интеллектуал лаёқатингизни ўсмоқчилайди. Вашингтонда 2 млн.дан ортиқ аҳоли яшайди. Оилаларнинг 90-95 фоизининг шахсий кутубхонаси бор. Яъни кутубхонаси йўқ оила, хонадоннинг ўзи кам. Бизнинг назаримиздаги бойлик, уларда кутубхона қиёфасида кўринса керак.

Албатта, моддий бойлик аввало катта меҳнат эвазига келади. Америкада, корхонадаги битта мутахассис ўз соҳасини шу қадар яхши эгаллайдики, унинг ўрнига шундай тажрибали одамни топиш амри маҳол. Йўқса, Америкада ишдан бўшатиш шу қадар осонки, ташкилот раҳбари интизомни сабабсиз бузган ходимини чақириб, ҳеч қандай изоҳсиз, қўлига паттасини тутиши мумкин.

Мен, Вашингтонда юрганимда бир қанча ўзбек талабалари билан ҳамсуҳбат бўлдим. Касбим тақозоси билан, улардан интервью олишга уриндим. Лекин, айрим талабалар тихирлик қилишди. Эмишки, бизда шахсга сиғиниш давом этмоқда, монархия ҳукмрон, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар қотирилган, демократия йўқ. Мени, бу ёшларнинг нонкўрлиги ҳайрон қолдирди. Ахир, уларнинг ҳар бирини ўқитиш учун ҳукуматимиз ўз жамғармасидан 200.000 доллардан пул ажратган эди.

Бу пулга бутун бошли мактаб ёки шифохона куриш мумкин эди. 200.000 доллар бутун бошли бир жамоанинг бир йиллик даромади-ку! Қолаверса, ўша талаба Америкага келиб ўқиётганлигининг ўзи, демократия белгиси эмасми? Мен, талабаларга ҳеч бўлмаганда, эфир орқали ота-оналарингизга, ёру-биродарларингизга соғинчли салом айтинглар, десам ҳам унамади. Биз шаҳар айланиб юрган эдик. Йўлимиздан бир тиланчи чиқиб қолди. (Вашингтонда!). Мен тиланчига бир доллар пул узатдим. Тиланчи, уч бора таъзим қилиб, раҳмат айтди. Мен, талабаларга: одобни ҳеч бўлмаганда, мана шу тиланчидан

ўрганинглари, ҳалқимиз сизлар учун шунча маблағ сарфлаган экан, бошларинг бир умр таъзим ва ташаккурда бўлиши керак. Ватанимиз равнақи учун жон фидо қилсаларинг арзийди. Ўз ота-оналарингга салом айтишни эп билмасаларинг, кўзларинг кўр бўлади, — дедим. Талабаларнинг баъзилари қайсарлик қилди, баъзи тушунганлари Капитолий майдонида юрагидаги гапларни айтди. Мен уларни тасвирга тушириб, эфирга бериб юбордим. Уларнинг «демократик» гапларига ҳеч ким тўсқинлик қилгани йўқ. Шу ерда битта савол туғилади. Нега Американинг биринчи президенти Жорж Вашингтоннинг номи АҚШ пойтахтига қўйилганлигини ҳеч ким шахсга сиғиниш демайди-ю, хусусийлаштириш мислсиз шиддат билан амалга оширилаётган Мустақил Ўзбекистонда шахсга сиғиниш иборасини қўллашларига нима дейсиз?!

Ҳозир «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётлари бир йилда 1 млн. 600.000 одамни чет элга олиб-бориб, олиб келади. Шунча одам дунёни кўради. Уларнинг онги-тафаккури дунё тараққиёти билан танишади, ўрганади, ислоҳ қилади. Ҳозир Ўзбекистон бутун дунё телеканалларини кўрмоқда. Ўзбекистонда 60 дан ортиқ давлатларнинг элчихоналари, ваколатхоналари ишлаб турибди. Интернет тармоқлари, телефон тармоқлари, уяли телефонлар бутун дунё билан Ўзбекистонни чамбарчас боғлаб турибди. Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар беқиёс равишда ўсиб бормоқда. Шахсга сиғиниш ҳақида қанақа гап бўлиши мумкин?!

Ўзбекистонга 70 йил мобайнида қанча автомашиналар келтирилган бўлса, кейинги ўн бир йил ичида ундан кўпроқ автомашиналарга эга бўлдик. Бутунги кунда беш юз турдан ортиқ газета ва журналлар, юздан ортиқ радио ва телевидение студиялари, давлат ва нодавлат органлари сифатида фаолият юргизмоқдалар. Биз нега кўпинча бу фактларга эътибор беравермаймиз. Чунки, ўз Ватанимизга муҳаббат тушунчаси ҳали тўлиқ шаклланмаган. Америкалик ўз хонадони пештоқига Америка байроғини осиб қўйган. Унга ҳеч ким шундай қил деб топшириқ бермаган. У ўз Ватанини жонидан ортиқ севади. Шунинг учун уйига бу байроқни осиб қўйган. Ва қалбида, тафаккурида ҳаммаша ўз Ватани манфаати учун курашиш, ўз Ватанини олқишлаш иштиёқи яшайди.

Ўз Ватанини севиш дунёдаги жамики инсон учун ўз ҳаётини севишдай гап. Дарҳақиқат, бахтли бўлмоқнинг биринчи шarti — **Ватанини севиш**.

Биз Мисрда бўлганимизда, гуруҳимизга бир араб йигити раҳбарлик қилди. Миср туризмдан бир йилда 17 миллиард доллар фойда кўради. Лекин, Миср Исроил билан доимий уруш таҳликасида яшагани, шунингдек, терроризм ва бошқа хавф-хатарлар туристларни чўчитиб қўймаслиги учун мисрликлар туристларни иложи борида тинчликда, осойишталикда сақлашга ҳаракат қиладилар. Бир куни автобусда Порт Саидга кетаётганимизда, чегара яқинида отишувлар бўлиб қолди. Шунда, араб йигити бизни чалғитиш учун худди ҳеч нарса бўлмаётгандек, қизиқарли ҳангомаларни шу қадар мароқ билан гапириб кетди-ки, ҳайратдан: «Э, артист бўлиб кет-э», — деб юбордим. Ҳақиқатдан кўпчилик ташқарида нима бўлаётганлигини ҳам сезмай қолди. Ватан манфаатини ҳимоя қилишини қаранг! Агар бирор адашган ўқ унга текканда, у кулиб жон берарди, назаримда. Мисрда битта дарахт ўтқазилган учун уч йил тагига тинимсиз равишда сув қуйиб туришингиз керак. Бизда, эрмакка кўчат ўтқазсангиз, эсингиздан чиқиб кетса ҳам ўзи униб чиқаверади. Агар араб саҳроларидаги тўфонда қолиб кетсангиз, ўзингиз тугул туянгизни ҳам тополмайсиз. Лекин, мисрлик билан гаплашсангиз, дунё тараққиётининг бешиги ҳам Миср, Араб давлатлари сардори ҳам Миср, дунёнинг энг гўзал ўлкаси

ҳам Миср, энг сифатли мол ишлаб чиқарувчи ҳам Миср, дейди.

Шу туфайли бўлса керак, Мисрда четдан деярли мол олиб келинмайди.

Ҳиндистонда мабодо доллар ишлатсангиз, қамаш даражасигача олиб боради. Фақат ҳинд рупийси ишлатилади. Сотувдаги маҳсулотларнинг саксон, тўқсон фоизи Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардир. Деҳлидан кўра Тошкентда «Мерседес», «БМВ», «Жип», «Максима»лар кўпроқдай, назаримда. Ҳиндистонда 100 миллионга яқин умуман рўйхатдан ўтмаган фуқаро истиқомат қилади. 300 миллионга яқин аҳоли



мутлақо саводсиз. Лекин, ҳинд киноларида кўрганимиздек, севгиларига қанчалик фидойи бўлсалар, ҳиндлар ўз Ватанларига садоқатда бундан ўн карра фидойироқдирлар. Буни ҳиндларнинг ўз урф-одатларига, маданиятларига бўлган муносабатларида ҳам кўриш мумкин.

Шунингдек, ўз урф-одатларини, ўз тарихий маданий бойликларини, ўз Ватанларининг шон-шавкатини кўз қорачиғидек асрашни голландларда ҳам кўриш мумкин.

Маълумки, XVI—XVII асрларда голландлар денгиз йўллариغا чиқишгач, денгиздаги куч-қудратлари орқали, Америка, Африка, Осиёда жуда катта мустамлакачилик сиёсатини олиб боргандилар ва дунёнинг энг қудратли давлатларидан бирига айланган эдилар. Ҳозирги кунда, Голландиядаги деярли ҳар бир хонадонда ўша асрлардан қолган ёдгорликлар сақланади. Бу хоҳ соат бўлсин, стол ёки стул бўлсин, ё картина бўлсин, қилич бўлсин, худди ўша давр яна қайтиб келгандай тасаввур қиламиз. Бу қадимий анжомларга хонадон улуғлигини сақлаб турувчи тумордай қаралади. Энг эски, қадимий ресторанлар — энг қиммат ресторанлар ҳисобланади. Қайсики оиланинг шажараси қанчалик узоққа борса, шунча буюк сулола саналади. Амстердам, ботқоқлик устидаги шаҳар. Агар минглаб километрга чўзилган тўғонлар бўлмаса, бу шаҳар океан тубига ғарқ бўлар эди. Лекин, уларга Ватан, юрт мавзусида гапириб кўрсангиз, дунёда тенги йўқ ўлка деб таърифлайдилар. Биз, балки ҳар кун и деразамиз тагида денгиз тўлқинлари, ёввойи шиддат билан қутуриб-ҳайқириб турмагани учун Ватанимиз улуғлигини англамаётгандирмиз. Биздаги боқимандалик туйғуси қачон йўқолади?

Истамбул телевидениесида бир танишим ишлайди. У ўз миллатини жуда севади. 40 дан ортиқ туркий тилда тўхтамай кўшиқ айта олади. Дунёда нечта туркий тил бўлса, деярли ҳаммасининг лаҳжасида маромига келтириб гапир алади. Шунингдек, ўзбек тилида ҳам. Биз у билан узоқ гаплашиб қолдик, сўнг уйига таклиф қилиб қолди. У ўттиз йилки, ижарада турар экан. Долларга чаққанда 350 доллар ойлик оларкан ва шунинг 150 долларини ижарага тўлар экан.

Истамбулда бутун-бутун кварталлар бойларнинг шахсий мулки бўлиб, одамларнинг кўпчилиги ижара уйда яшар экан.

Мана шу танишим ҳам бирор марта ўз Ватанидан, ўз яшаш тарзидан нолигани йўқ. Аксинча, Ватан туйғуси,

миллат қайғуси шу қадар кучлики, қон-қонига сингиб кетган ва деярли ҳамма гапида Туркиянинг дунё миқёсидаги обрўси-ю, миллатнинг улуғлиги ҳақида гапиради. Агар бу танишим, уч қаватлик иморатда яшаб, минг долларлик чарм пальто кийганида, унинг гапларига таажжубланмаган бўлардим.

Шунингдек, агар мени касалхонага кўришга келган танишим ҳам, юртимиздаги иқтисодий ислохотлардан мамнун бўлиб гапирганда ҳам таажжубланмасдим. Лекин, нега у нолийди? Ўзимиздан эмас, ўзгалардан талаб қилишга ўрганиб қолганимиз учунми? Меҳнатни миннат билан қилганимиз учунми? Дунёдаги ҳар бир инсон учун меҳнат қилиш оддий бурч эканлигини англамаганимиз учунми? Яхши яшамаяпман дея иддао қилишдан олдин, замон талабларига ўзимни қай даражада тайёрладим дея, ўйлаб кўрдикми?

Бугунги кунда меҳнат ҳақидаги тушунчамизни ҳам ўзгартириш вақти келди. Биз энди биров учун эмас, ўзимиз учун ишлаётганимизни билишимиз керак. Ва меҳнат қилиш ҳар бир инсоннинг инсоний бурчи, вазифаси эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Агар Ер шарига юқоридан қарасангиз, Ўзбекистон ундаги бир гавҳардир. Албатта, у бир кунмас бир кун дунёнинг энг гўзал ва энг тараққий этган давлатларидан бирига айланади. Биз ўша кунларда юртдошларимиз олдида юзимиз ёруғ бўлиши учун, бугун бу Ватаннинг корига ярашимиз керак. Бугун ҳамнафас, елкадош бўлишимиз керак. Олаётган ҳар бир нафасимиз, шу Ватан, шу миллат, шу юрт учун бўлиши лозим.

Бир одам, эрталаб уйдан чиқса, дарвоза тагида биров турганмиш. — Кимсиз — деса, — мен омадман, бу хонадонда узоқ вақт бўлдим. Бугун хонадонингизда ҳамма нарса етарли, бойсиз, фарзандларингиз соғ-саломат, бахтли-саодатлисиз. Энди, мен кетсам — дебди ҳалиги одам.

Уй эгаси қани маслаҳатлашиб кўрайлик-чи, деб ичкарига кириб кетибди. Хонадон аъзолари билан гаплашиб кўрса, улар: — Майли омад кетса кетсин-у, лекин аҳиллигимизни, бирлигимизни ташлаб кетсин — дея шарт қўйишибди. Уй эгаси қўйилган шартни омадга айтганида, омад, — эй аҳиллик, бирлик бор жойдан мен қаерга ҳам кетардим дея, яна файзли шу хонадонда қолган экан.

Бугун Ўзбекистон ҳам, мана шундай аҳил ва ҳамжихат оила. Аҳиллик бор, тинчлик — осойишталик бор, бу

ерда омад ҳам бор. Президентимиз эса, мана шу хонадоннинг эгасидир.

Баъзида, қўшни Республика одамлари эркинроқ яшаётгани, эркинроқ сўзлаётгани ҳақида гапиришади. Бу — фарзандларига қаттиққўллик билан илму-одоб бераётган оилага, фарзандларини ўз ҳолига қаровсиз ташлаб қўйиб, нимани истаса шуни қилиб бераётган оила аъзоларининг таъна-ю маломатларини эслатади. Президентимиз бугун қаттиққўллик билан тартиб-интизом ўрнатган экан, бу оиладан, албатта, илмли, маърифатли, одобли ва эртага бутун инсониятга хизмат қиладиган фарзандлар етишиб чиқади. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган оила фарзандларидан ким чиқиши, қандай одамлар етишиб чиқиши эса ҳеч кимга сир эмас.

Мана, дўстим шифохонада, мана шуларни хаёл қилиб ётибман.

Кеча мени кўришга 11 ёшли ўғлим келди. Аҳволимни кўриб, кўнглимни кўтармоқчи бўлди:

— Дада, сиз оиламизни қип-қизил Сирдарё чўлларидан Тошкентга олиб келдингиз. Мен энди оиламизни Америкага, Голливудга олиб кетаман, дейди.

Негадир, кўзимга ёш келди. Мен 11 ёшимда тортган азоб-уқубатларим, етимликда кўрган қаро кунларимни эслаб, томоғим ғиппа бўғилди.

— Йўқ ўғлим, биз Голливудни худди шу ерда — Ўзбекистонда яратамиз, — дедим. Худо ҳаммамизнинг омадимизни берсин. Президентимиз омон бўлсалар, ҳали кўп ёруғ кунларнинг гувоҳи бўламиз, — дедим.

Ўзбекистон келажаги буюк давлатдир! Уни ўзинг асра, Парвардигор!

Шу билан хатимни тугатар эканман, кўришгунча, омон бўл дея, сенга энг яхши тилакларимни билдириб қоламман.

ИЗВИРИНЛИ КУНЛАРНИНГ БИРИ

Воқеий ҳикоя

Қаттиқ шамол чанг-тўзон кўтариб, дарахт шохларини букди, очиқ турган дарвоза қанотини тарақлатиб, ойналарни синдирди. Омонат бўлиб қолган уйларнинг шиферлари қатори, маҳалла масжидининг тош тегиб синган иккита эски шифери ҳам ерга тушиб, парча-парча бўлди. Томнинг усти очилиб, ёмғир ёғса чакка ўтиб кетадиган даражага келди.

Кунлар ўтиб, бу ҳолдан хавотирга тушган Мутаваллининг хаёли қочди. Юз қадам нарида данғиллама уй қураётган Иззат акага ич-ичида арзи ҳол қилди: — «Изғиринли кунларгача масжид устини беркитиб олайлик, элу юртнинг дуоси тегиб, савобга қоласиз». У шу умидда ҳашаматли ҳовли эшигини тақиллатди. Эшикни бир уста очди. Ҳовлини кўрган Мутавалли ҳангу-манг бўлиб қолди. Ҳовли-ҳовли эмас, гўё катта қурилиш майдончаси эди. Уюм-уюм гишт, шағал, шиферлар, юзлаб дераза эшикромлари. Мутавалли қурилиш катталигидан руҳланиб кетиб, усталарга куч-қувват, ғайрат-шижоат тилади. Иззат ака ҳам «Ҳорманг»га яраша қўлларини кўксига қўйиб, «Бор бўлинг!» қилди. Мулозамат қанчалик чўзилмасин, гап айланиб келиб, Мутаваллининг илтимосига келиб тўхтади:

— Жоним билан берардим-у, қиш келмай иморат устини ёпиб олиш тараддуидаман. Бўлмаса, иккита шифер нима деган гап!

Мутавалли сир бой бермади. «Хўп, хўп» дея, кулиб хайрлашаркан, «номозга чиқиб туринг» — дея қистириб ўтди, алами ичида қолди.

Бу замонда қайси масжиднинг усти ёпилмай қолиб-кетибдики, маҳалла ўртасидаги гавжум бу жомеънинг томи очиқ қолсин. У ҳам таъмирланиб, аввалги кўрку таровати тикланиб кетди. Иззат ака эса ўша йили иморати устини ёпмаган, иккинчи қават қурилишини бошлаб юборган эди. Ажаб, шиферлар учинчи йили ҳам ишлатилмади. Чунки учинчи йил учинчи қават қурилиши бошлаб юборилганди. Бора-бора бу яқин орада унга тенг келадиган ҳовли қолмади, ҳисоб. Қизиги шундаки, иморат битгач, шиферлар ўрнига оппоқ тунукалар ёпилди. Ҳовлига мрамар

ҳовузлар қазилиб, юнонларда муҳаббат маъбуди саналмиш Амурнинг яланғоч, оппоқ ҳайкали ўрнатилди, қафасга тирик йўлбарс боласи ва ўргатилган бургут келтирилди.

Бир кун Мутавалли аср намозини адо этиб турганди, ташвишли қиёфада кириб келган қўшнисидан нохуш хабар эшитди: «Соппа-соғ юрган Иззат ака, иморат қурилиши тутаган куни, усталарини рози-ризалик билан жўнатибди-да, туйқусдан юраги санчиб қайтиш қилибди. Эртага пешинга чиқарилармиш».

Ёмғир эртаси куни ҳам, жаноза ўқиладиган пайтда ҳам сира тинмади. У кишини билганлар дунёнинг бевафолigidан, улфатлари эса шинаванда одамнинг бевақт қазосидан, ҳамкасблари зўр раҳбарligидан, савдода тили ширин ва узоқни кўзлай олишидан, намозхонлар эса унинг эрта-индин намозга тушаман деб ният қилиб юрганидан гапиришарди. Хуллас, ҳаммада тушкунлик, ғамгусорлик, Яратганининг бундай ёзуғи қаршисида ожизлик, уни тушуниб олишга муҳтожлик бор эди.

Иззат аканинг қабрини, мархума онаси ва болалигидак нобуд бўлган бош фарзанди гўрлари орасига қазилди. Жанозага минглаб одам тўпланди, тобут қўлма-қўл бўлиб кетди. Тобуткашлар ярим қадам ташламасданоқ тобутни кўтаришга навбатдаги одам қўшиларди. Тобут имомнинг олдига қўйилди. Имом одамларга ҳаётнинг фонийligидан, олдинда боқий дунё борligидан насиҳат қила бошлади. Мархумнинг қарзи қолган-қолмаганligини жамоатга ҳавола этганда, унинг акаси барча қарз масъулиятини бўйнига олди, сўнгра салоти жаноза ўқилди. Аммо ёмғир бир неча кундан буён эзиб ёққани туфайли қабристонда юриб бўлмас, одам оёғи тўпигигача ботиб кетар, тупроқ юмшоқligидан оёқлар сирпаниб, қадам ташлаб бўлмасди. Иззатилланинг акаси сув қўлмак бўлиб қолган жойларга, балчиқлар устига шиферлардан ётқизди. Шундан сўнггина тобут чайқала-чайқала одамлар елкаси оша қабр томон сузиб кетди.

Янги қазилган қабр, албатта ҳар бир инсонни сескантириб юборади. Бир зумга бўлсин, ўйга толдиради. Мана уч қаватли иморатлар солган одам, шундай шоҳона уйида уч кун ҳам яшамай, икки газлик лаҳаднинг совуқ ва зах қаърига қўйилмоқда. Дарҳақиқат, лаҳад тепасида маҳалла оқсоқолининг овози янгради:

— Муҳтарам жамоа, раҳматли Иззат ака қандай одам эди?

— Яхши, яхши, — ҳар тарафдан баралла овозлар эшитилди. Ниҳоят ипак қуртидай оппоқ кафандаги жасад тобутдан олиниб, қабрга туширилди. Бироқ... беш ўн дақиқа ўтар-ўтмас, жасад яна қабрдан чиқарилиб, тобутга солиб қўйилди. Бетоқат бўлиб турган минглаб одам яна таҳлика ва хижолатда. Нима бўлди? Қабр ҳали тайёр эмас эмиш... Лаҳм торроқ чиқибди экан. Пичир-пичир, шивир-шивирлар... Минглаб одам марҳум тезроқ қўйилишига маҳтал бўлиб қолди. Тобут қабр тепасида анча вақт турди. Гўрковлар яна ишга тушиб кетди.

Ниҳоят, марҳум қабрга қайта қўйилиб, устига тупроқ тортилди. Қисм-қисм тупроқлар сочилиб, янги дўнгалак пайдо бўлди. Имом марҳум ҳақиқа Куръон тиловат қилди.

Йиғилган жамоат шошилиб тарқалди. Ёмғир тинай демасди. Осмонни қоп-қора булутлар галаси қоплаб олган. Изғиринли шамол томчиларни юзга уради. Ерга тўшалган шиферлар асқотиб, одамлар ҳақкалаганча ўшаларни босиб, ҳар ким ҳар тарафга равона бўлди.

Мутавалли ҳамма тарқалгунча қабр тепасида турди. Сўнгра қабрлар оралаб, лой кечиб, бир-бир қадам ташларкан, турнақатор териблиб қўйилган ва Иззатилланинг қабригача келган шиферларга қараб, беҳузур бўлди, яктагини кўтарганча лой кечиб юриб кетди.



АЁЛЛАРНИ АРДОҚЛАГАН ЮРТ

Суҳбат

— Муҳаммад ака, аёллар ҳақидаги энг буюк таърифни айтиш сизга топширилганида нима деган булар эдингиз?

— Инсониятнинг ярмини аёллар ташкил қилади, қолган ярмини ҳам мана шу латофатли, дилбар ва жозибали инсонлар дунёга келтиришган. Демак, дунёдаги жаъмики гўзалликлар аёлга бўлган муҳаббат туфайли яратилган деб бежиз айтилмаган. Ушбу мулоҳазамизнинг бир тармоғи бўлмиш, ҳар бир миллатнинг келажаги оналар (оталар, устозлар эмас) қўлидадир дейиш, бу оналарни мақташ эмас, айнан ҳақиқатни эътироф этишдир. Биз аёлларнинг ҳаётдаги ўрни ҳақида бор ҳақиқатни очиқ-ойдин айтишимизнинг ўзиёқ аёлларни шу қадар юксакка кўтарадик, бошқа ҳеч қандай мақтовга ўрин қолмайди. Пайғамбаримиз (С.А.В.) «Агар ер юзида сифиниш жоиз зот бор бўлса, агар Аллоҳ таоло шуни жоиз деб билса, мен бундай эҳтиромга фақат оналарнигина лойиқ деб билардим» — дейдилар.

*Тангри сифинмоқни одам — одамга,
Жоиз деса, жоиз келса бу одат
Фарзандларга дердим: ҳар кун, ҳар дамда
Онангизга қараб қилинг ибодат!*

Бу ҳадисдан келиб чиқадики, оналар ер юзидаги энг мукаррама, энг мўътабар зотлардир. Аёллар ҳақида бундан буюкроқ таъриф борлигини мен билмайман ва у бўлиши ҳам мумкин эмас.

— Мана, оналар ҳақида гапирдингиз. Кейинги пайтларда она, она Ватан иборалари қўшиб айтиладиган бўляпти. Аслини олганда «она» деган тушунча айри, «Ватан» тушунчаси айридир. Нима учун бу икки ибора ҳамиша муштарак юради, деб ўйлайсиз?

— Шоир Абдулла Орипов суҳбатларимиздан бирида волидаси ҳақида гапира туриб: «Онамнинг феълида бир шикасталик, хазинлик мавжуд бўлиб, умуман олганда у кишининг табиати маъюсроқ. Агар менинг шеърларимда шундай бир синиқлик, шундай бир ғамгинлик бор бўлса, бу онамнинг феъли менга, менинг шеърларимга кўчгани-

дандир», — деган эдилар. Қаранг, миллий тафаккуримизда, ўзбек халқининг маънавий ҳаётида инқилоб ясаган, халқнинг маданиятини олдинга сурган буюк бир Шоир, ўз шеърияти негизида онасининг биргина феъли бор эканлигини эътироф этиб турибди. Бу бир онанинг бутун бир халқ руҳига ҳаётбахш таъсири эмасми? Айнан мана шу шоирда, она ва она Ватан тушунчалари шу қадар муштаракки, ўз онасини танимайдиганларгина буни тушунмаслиги мумкин.

*Юртим, сени фақат бойликларинг— чун
Севган фарзанд бўлсам, кечирма асло!*

Бу ўринда яна бир мисол келтираман. Қадимда бир саркарда қўшни диёрларни босиб олиш учун ўз айғоқчиларини ҳар томонга жўнатибди. Жўнатар экан, шундай деб тайинлабди: «У ернинг халқига бориб разм солинглар, уларнинг ўз аёлларига қандай муносабатда эканлигини билинглар». Айғоқчилар изғиб кетишибди. — Эй саркори олам, — дебди қайтиб келганларнинг биринчиси. — Мен у ерларда бўлдим. Лекин бирорта аёлга яқинлаша олмадим. Чунки у аёлнинг атрофида доим ё отаси, ё эри, ё ака-укалари, ё қариндош-уруғлари гавжумки, уларнинг бирортасига яқинлашишга, гапиришга ҳаддим сифмади, — дебди.

Шунда иккинчи айғоқчи сўз сўрабди.

— Эй улуғ саркарда, аксинча, мен борган жойлар жуда бемалолчилик экан. Аёлларининг етмиш фоизи кўча-қуйда, очиқ-сочиқ, биров билан бировнинг иши йўқ, гап отсангиз кулиб қарши олишади. Бундан на эрларининг, на ака-укаларининг гаши келар экан, — дебди.

Шунда саркарда айтган эканки: «Биз босиб олиш учун иккинчи мамлакатни, ўз аёлларини хор қилиб, эътиборсиз ташлаб қўйган, аёлларини қизғанмайдиган, аёлларига ўз ор-номуси деб қарамайдиган, аёллари учун жонини тикмайдиган одамлар яшайдиган юртга бостириб борамиз.

Аксинча, оналари, аёллари ор-номусини ўз ор-номуси деб қарайдиган юртда бизга бир қарич ҳам ер тегмайдди. Улар сўнгги томчи қони қолгунча олишадилар. Агар биз ўз аёлларини қизғанмайдиганлар юртига борсак, улар ўз Ватанларини ҳам, ерларини ҳам, ор-номусларини ҳам қизғанмайдилар. Чунки ор-номуснинг ўзи уларда қолмаган. Уларнинг Ватанларини бемалол босиб олишимиз, ҳатто пулга сотиб олишимиз мумкин» — деган экан.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, саркарда бу мамлакатни ишғол қилибди.

Мана она, она Ватан ибораларининг нақадар муштарак эканлигини шу мисолдан ҳам билиб олса бўлади. Ўйлайманки, бизнинг халқимизда бу орият, аёллари орномусини ўз ор-номуси деб билиш туйғуси минг йиллардан буён аجدодларимиздан бизга ўтиб, қон-қонимизга сингиб кетган. Ва ўз Ватанимизга муҳаббат, ўз онамизга, аҳли аёлларимизга бўлган муҳаббат билан муштарак бўлиб кетган.

— Ўз онангиз ҳақида сўзлаб беринг.

— Мен ўз онам ҳақида доимо жар солиб гапиришга, мақтанишга тайёрман.

Онам мулоҳазали, камгап, ниҳоятда ростгўй, ҳалол аёл. Илоҳим, умрлари узоқ бўлсин. Мен, дунёда суҳбатига ҳеч тўймаган биргина одам бор. Бу онамнинг суҳбатидир. Мен дунёда фақат биргина одамнинг, онамнинг гапларини ҳеч қачон қайтармаганман.

Мен қачонки бирор яхшиликни қилишга ҳаракат қилиб, бутун куч-қудратимни аямаган бўлсам, авваламбор, онамларнинг назарига тушиш учун, онамлардан бир оғиз илиқ сўз эшитиш учун елиб югурганман. Менга ҳар кун, ҳар лаҳзада таскин бериб турадиган нарса, шундай онанинг фарзанди бўлганим ва яхши устозлар қуршовида яшаётганимдир.

— Соғ бўлинг, сиз ҳам ҳамиша эҳтиромда бўлишингизга тилакдошман.

— Сиз ҳам саломат бўлинг! Умид қиламанки, XXI асрга Аёллар йили билан кириб боришимиз кўп хайрли ишларни бошлаб беради...

М.ҚУРБОННИЁЗОВА суҳбатлашди

ЁН ДАФТАРДАГИ ЁЗУВЛАР



Чарақлаб чиққан
қуёш, унинг ғамгин
хаёлларини тарқатиб
юборди.

* * *

Агар нариги дунё
ҳисоб-китоблари бўл-
маганда, бу дунё саҳ-
насида шу қадар уста-
лик билан ўйнаш мум-
кин эди-ки...

* * *

Бировга тақлид қилиш, ўзингга ишонмасликдан бош-
ланади.

* * *

Энг даҳшатли муҳаббат кекса кишининг муҳаббати-
дир.

* * *

Замон сенга муҳтож эканлигини қанчалик англай ол-
санг, шунчалик истеъдодлисан.

* * *

Энг катта айёрлик, виждон қийноғига сабаб қолдир-
масликдир.

* * *

Ердаги одамни хўрлаш, унинг кўкдаги ҳимоячисини
инкор қилишдан бошланади.

* * *

Ушоқни босиш-увол, вақтни бекор ўтказиш-чи?

* * *

Киши ўз-ўзига инсоф тилашида ҳам, қанчалик ватан-
парварлик борлигини билсангиз эди.

* * *

Одам китоб ўқиётганда ўз ақлининг томир отаётган-
лигини сезиб туради.

* * *

Вақт-ўткир қиличдирки, унга қўл силтаган одамнинг қўли албатта кесилади...

* * *

Унинг хатоларини кўриш учун, менда душманлик этишмайди, холос.

* * *

У шу қадар қаттиқ ухларди-ки, ҳатто нафас олишни ҳам унутиб қўйганди.

* * *

Имконият қанчалик қиммат туришини билганимизда эди, уни арзон нарсаларга алмашмас эдик.

* * *

Худони инкор қилиш, қуёшни пуфлаб ўчираман дейиш билан баб-баробар.

* * *

Киши қариётганлигидан нолигандан кўра, мақсадсизлигидан нолиши ўринлироқдир.

* * *

Дунёда ёмон одам йўқ, ёмонлик бор холос.

* * *

Ошиқлик — забт этиш эмас, фидоийликдир.

* * *

Ёзувчининг буюклигини ёзишга усталиги эмас, эътиқодининг пухталиги белгилайди.

* * *

Агар фарзандларимизга ёшлигида тарбия бермасак, улар улғайган сари, тарбиясизлиги ҳам катталашиб бораверади.

* * *

Ҳавонинг кўзга кўринмаслиги, унинг йўқлигини тасдиқламаганидек, динсиз яшаш мумкинлиги, Худонинг борлигини инкор қилолмайди.

* * *

Умр — сен ҳар бир лаҳзасига тавон тўлашинг шарт бўлган тирикликдир.

* * *

Нурни қўл билан ушлаб бўлмаганидек, Муҳаббатни фикр билан изоҳлаб бўлмайди.

* * *

Фақат кўр-кўрона севиш туфайлигина етмиш икки то-
миринг билан кўнгил қўйиш мумкин. Чунки, кўраман
десанг, ҳаммада ҳам нуқсон бор, эшитаман десанг, ҳам-
мада айб бор, англайман десанг, ҳаммада ҳам бир аҳмоқ-
лик бор.

* * *

Жароҳатидаги оғриқлар уни яшашга чорларди.

* * *

Сен етиб борганингда, бахт кетиб улгурган бўлади.

* * *

Шоирни йиқилди деб ўйламанг. У ўзининг энг абгор
кунларида улуғвор шеърларини ёзишга ўтиради. Шоирни
ўлди деб ўйламанг, у ўлганида қабридан нур таратиб тур-
ган бўлади. Худо, шоирни мана шундай азиз қилиб ярат-
ган.

* * *

Севги — ақлдан озишни истаганлар эрмагидир.

* * *

Кўпинча иймонимиз дилимизда туради-ю лекин эсла-
маймиз.

* * *

Илҳом меҳмон сингари келиб-кетаверади, ижод эса
меҳмондўстликдир. У ҳеч қачон кишини тарк этмаслиги
шарт.

* * *

Биз шунчалик эрка одамлармизки, ҳатто яшаш учун
курашишни билмаймиз.

* * *

Киши жисмоний тарбия билан ўзини чиниқтиргани
каби, маънавий тарбия билан ақлини пешлаб бориши
лозим.

* * *

Агар одамлар қилган гуноҳлардан ҳид чиққанида, ер
юзи аллақачон сасиб кетган бўларди.

* * *

Ирода ҳам инсон танасидаги бир аъзога ўхшайди. У
ҳам оғир вазият туфайли касалликка чалинса, одам бо-
шига кўпгина қийноқларни келтиради.

* * *

Шайтон ўзи кўзга кўринмайди-ю, лекин у қилган ишларнинг ҳаммаси кўзга кўриниб туради.

* * *

Худо кечиримлилигининг яна бир сабаби, биз гоҳо ўзимиз истамаган ҳаётда яшашга мажбурмиз.

* * *

Энг бахтсиз ёзувчилар, ўз асарларини шайтонлар севиб ўқишидан қўрқмайдиган ёзувчилардир.

* * *

Муҳаббатнинг олий чўққиси — ишратдир. Изтироблар, ҳаяжонлар, орзиқишлар, соғинишлар, азобланишлар, булар ҳам балки муҳаббатнинг бир турланишларидир. Лекин ўзи эмас. Улар бари муҳаббатнинг чалажон чоғларидир.

* * *

У қуёшни уриб тушираман, деяр эди.

* * *

Бировнинг яхшилигини унутиб қўядиган қалб — тарбиясиз қалбдир.

* * *

Кунгабоқарнинг гўзаллигини кимга боқиб турган бўлса, шундан сўранг.

* * *

Менинг бутун истеъдодим унинг муҳаббати билан банд бўлиб кетди.

* * *

Дарё ортга оқмаганидай, инсон умри ҳам ортга қайтмайди.

* * *

Яхши ҳамки, аёл ва эркак орасини тенглаштириб турадиган муҳаббат бор...

* * *

Инсон ўз қадрини билиши, инсоният тараққиётига кафолат бўлади.

* * *

Бойлик, агар оқил одамнинг қўлида тўпланса, худди маънавий хазина каби хизмат қилиши мумкин.

* * *

Ҳаётни сев, ҳатто сенга тутса заҳар
Заҳарда бол шаккаридан лаззат ахтар.
Кетсак қуёш йиғламайди, Ой ҳам сўнмас
Тонгда кўзин очган ҳар зот, Хонга ўхшар.

* * *

Ҳеч нарсa кишига хотирачалик хиёнат қилмайди.

* * *

Мен ҳали ўлишга рози бўладиган даражада бахтли
бўлганим йўқ.

* * *

Қилган яхшилигини унутмаган одам, миннат азобида
юрган одамдир.

* * *

Кишилар қанча зулм чексалар, золимларга қарши ку-
рашганларни шунчалик улуғлайдилар.

* * *

Тўғри сўз чангалзорда юрган оҳуга ўхшайди. Кўзга кўри-
ниб қолса, овлайдиган кўплаб ишқибозлари чиқади.

* * *

Бир амалдор: — Бизнинг галстукларимизнинг тиғи, Ҳаз-
рат Али қиличининг тиғидан ҳам ўткирроқ, — деганди.

* * *

Кўп гапирган, оғзи ҳамиша очиқ одамларнинг қалби,
ҳазинаси йўқлиги учун, тамбаланмайдиган уйга ўхшайди.

* * *

Қадимда, баъзи қизларни чақалоқлигидан заҳар бериб
боқишган ва вояга етганларида, сарой душманларига ҳадя
этишган. Бундай қизлар билан қовушган душман, улар-
нинг танасидаги заққумдан қазо қилган. Бугунги кунда
тарбияси бузуқ қизларга уйланиш, ана шундай ҳалокатга
олиб келяпти.

* * *

У ўтмишдаги барча қаҳрамонларни афсонавий қаҳра-
монга айлантирди ва ўзини замонавий қаҳрамон деб эълон
қилди.

* * *

Қалин ўрмонда ўз йўлингни йўқотиб қўймаслик учун,
хушёрлигинг орта борганидек, қанчалик гавжум мухитда
яшасанг, ўз мақсадингга шунчалик кучлироқ интиласан.

* * *

Ирода синишига ихтиёр бериш, бу ўз суягингни ўзинг синдиришинг билан баробар. Бундай тушкунликка зинҳор йўл қўйиб бўлмайди.

* * *

Биз — бахт, омад, истеъдод қаерда берилаётганини билмайдиган, нўноқ талабгорлармиз.

* * *

Отанинг биринчи мағлубияти, ўз ўғлининг унга тақлид қилмай қўйишидадир.

* * *

Текис, ўнқир-чўнқирларсиз йўлда юришни истасанг, безовта ақл билан ҳеч қачон кўчага чиқма.

* * *

Бахт нималигини билиш қийин. Агар манзили аниқ айтилса, бахтсизлар Марсдан бўлса ҳам, уни албатта келтирарди.

* * *

У эллик ёшида фарзанд кўрди. Ўғлининг тезроқ улғайишини истади ва ҳамиша ўзи билан олиб юрди. Ўғил маърифатли давраларда ўсди ва ҳар қадамда отасининг тарбиясини олди. Отаси етмишга тўлганида, ўғли эллик ёшли кишидай оқилона фикрлар эди.

* * *

Фазогирлардан бири Тошкентни томоша қилишга келди. Кўкалдош мадрасасини айланиб юриб, имомга деди:

— Фазога чиқиб, Худони кўрмадим-ку!

У пайтда бу савол жуда қалтис ҳисоблангани учун, ҳамма жим қолибди. Орани юмшатиш учун гапга фазогирнинг хотини аралашибди.

— Вася, буларнинг жиғига тегма!

Шундан сўнг имомга жон кириб:

— Хотининг сендан кўра ақлига ўхшайди, — деган экан.

* * *

Ахмоқларгина ўз истеъдодсизлигидан азобланмаслиги мумкин.

* * *

Одам тилини тийиб юриши учун, ўттиз иккита тиш, иккита лаб доимо посбонлик қилиб туради. Мабодо, у

бурун каби очиқликда ва қўриқчиларсиз бўлганда, бошимизга ёғиладиган тошларни тўхтатиб бўлмасди.

* * *

Талабалик йилларимда бир қизни қаттиқ яхши кўрадим. Бир куни у тушимга кирибди. Бурнимдан шариллаб қон келганида уйғониб кетдим. Қон, бошқаларни ўйлай бошлаганимдагина тўхтади.

* * *

Жуда кичик эди, унга Ер шари, тушиб кетди, югураётди.

* * *

Бир одамнинг дарвозаси берк экан, оғайниси:

— Эшигингни очиб қўй, ризқ келади — деса, ҳалиги одам:

— Ҳовлимнинг усти очиқ, менга Худонинг бергани етарли — деган экан.

Бировга муҳтож бўлмаслик қандай яхши!

* * *

Аёллар билан кўп гаплашиш, улардай фикрлашга олиб келади. Эркаклар ўз жинсидан келиб фикрлаганда, ўн баробар мардроқ бўлишарди.

* * *

Ҳақ-ҳуқуқлар ҳақида гапирганлар бўйнида, ҳақ-ҳуқуқлар эмас, мажбуриятларгина осиглиқ турарди.

* * *

— Сен, Худо битта дейсан-у, яна Худо ҳамманинг юрагида бор дейсан. Демак, Худо жуда кўп экан-да! — дебди бир одам имомдан норози бўлиб.

Имом, дарҳол ўнта пиёлани сувга тўлдирибди:

— Қуёш битта, лекин пиёлалардаги акси ўнта. Бу билан Қуёш ўнта бўлиб қолгани йўқ-ку — дея далил келтирган экан.

* * *

Турғунлик йиллари, бир имом орденини тақиб юрса, шериклари:

— Кўяверинглар, қиёматда бу нишон унинг муттаҳамлигига асос бўлади — дермиш.

* * *

Бир одам:

— Мен ичмайман эмас, ичаман, лекин ҳеч кимга зиёним тегмай, жим ётаман — деса, шериги:

— Ҳа, баъзилар ичса, чўчқанинг қутурганига айланади. Сен эса энг юввоши ва беозори бўларкансан — дермиш.

* * *

Имом уйга келса, уч яшар ўғли ашула айтиб юрганмиш:

— Ўйнамайди, кулмайди, акасининг қадрини билмайди.

— Ҳой, ҳой, нима деяпсан — деса, ўғил отасига ўгирилиб:

— Ла ҳавла, вала қуввата — дермиш.

* * *

Одам Ер юзида истаганча юраверади, лекин бир сиқим тупроқ нима эканлигини ҳеч қачон билмайди. Одам, кеча-ю-кундуз сув ичади. Лекин, бир томчи сув нималигини ҳеч қачон билмайди.

Одам яшайверади. Лекин, яшашнинг қоидасини ҳеч қачон билмайди. Одам фикрлайверади. Лекин ҳаётнинг асл маъносини ҳеч қачон тополмайди.

Худо, одамзотга ҳамма жумбоқларни қолдириб, ҳамма жавобларни беркитиб қўйганга ўхшайди.

* * *

Агар қирқ йил шоирликни даъво қилиб, бир сатр шеър ёзолмасам, бу ўша сатрни изламаганимдан эмас, тополмаганимдан далолатдир. Лекин, тополмасликка маҳкум бўлган, меҳнати самара бермаган битта менми?

* * *

Оллоҳ менга шундай умр бер,
Тинмай кўкка кўтарсин ҳаёт.
Қучоғига олганда ҳам Ер,
Кўкда қолсин, мен айтган баёт!

* * *

Бир дарахт учун барг қанча керак бўлса, инсон учун ҳам одоб шунча керак бўлади.

* * *

Муҳаббат остонасига худди ёш боладай қадам ташламоқ лозим.

* * *

Бир инсоннинг ўзгалардан улуғлигини яхши сўзидан, яхши ниятидан, яхшилик умидида яшашидан билса бўлади.

* * *

У ўзининг буюк туйғуларини ҳаётнинг майда икир-чикрларига аралаштириб юборди.

* * *

Унинг боши шу қадар катта эдики, ҳамманинг ҳам остонасига сиғавермасди.

* * *

Муҳаббат масаласи шу қадар чигаллашиб кетдики, Зайнаб билан Кумушни фарқлаш учун Арастудай доно керак бўлиб қолди.

* * *

Худонинг меҳрибонлигини қарангки, бировни бировга гийбат қилсанг, ўз-ўзингни ёмон кўра бошлайсан.

* * *

Ўзингни муҳаббат ҳақида қанча билимдон тутсанг, қариётганинг шунча билинаверади.

* * *

Мағлубиятга учраб турганингда, душманингнинг калтак еяётганини кўриш нақадар ёқимли.

* * *

Ҳатто муҳаббат ҳам меъёридан ошиб кетса, касофатга айланади.

* * *

Дунёда бирорта одамнинг Худо бўлолмаслиги инсониятнинг бахтидир.

* * *

Сочлари шу қадар оқарган эди-ки, ортиқ оқаролмайди-ку, дея юрагим эзиларди.

* * *

Сен ўзингни севганинг учунгина мени севасан.

* * *

У бугун шу қадар бахтиёр эдики, эртанги кунини ўйлагиси келмасди.

* * *

У ўз юрагига, булбулга қарагандай қарар, мабодо сайрамай қўйса, таажжубланарди.

* * *

Одамларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ҳурфик-рилиқни бўғишнинг энг осон йўлидир.

* * *

У шоир бўлатуриб, шу қадар узоқ умр кўрдики...

* * *

У ўзининг хорлигини билмагани учунгина ташаккур айтарди.

* * *

Осойишта турмушимни қаттиқ силкитиб юборганингдан сўнг, кузги япроқлар сингари сочларим дув-дув тўкилди.

* * *

Мислсиз гўзаллигингни таърифлай олмагач, шоир бўлолмаслигимга кўзим етди.

* * *

Ҳар кимнинг муҳаббатида Отабек ва Кумуш қисмати бироз бўлса-да, акс этади.

* * *

Шоирларнинг ҳаммаси ҳам кимдир уларга муҳаббат ҳадя этишларини истайди. Уларни қийнаган нарса муҳаббат ҳадя этган кишиларнинг мавҳум одамлар эмаслигидир.

* * *

Бизнинг хатоларимиз ўзимизни бошқалардан кўра кўпроқ севишимиздан келиб чиқади.

* * *

Муҳаббат ҳақидаги қўшиқлар авжи худди пойгага қўшилган отлардай, бир-биридан ўзаман, дерди.

* * *

Агар юрагингда қайнаб ётган исёнлар ичидан кибрни топиб олсанг, билгинки, бу кибрга шайтон миниб олгандир.

* * *

У шу қадар ёлғиз эдики, кўнглидаги кечинмаларни яққол тасаввур қиларди.

ЯНГИ ОЙ ЧИҚҚАН КЕЧА

(Киноқисса)

Малика эшик тақиллашидан чўчиб уйғонди. Соат тунги иккилар бўлганди. Рўмолини бошига илишга улгурмай қўнғироқ, жиринглади.

— Ҳозир!

Одатда эри, Санжарни аяб қўнғироқни босмасди. Ҳозир иши шошилинич шекилли.

— Келинг!

— Келдим, ҳозир кетаман. Бухоро амирининг қиличи қани?

— Жойида тургандир.

— Тез топ!

Малика, кўрпаларни йиқитиб, сандиқни очмоқчи эди, эри «қоч» — дегандай, уни четга сурди.

— Керак бўлиб қолди.

Қосимхон қилични қинидан чиқараркан, ўткир тиг чироқ нурида йилтираб кетди. Малика эрининг гандирак-лаб турганидан кайфи борлигини, лекин ароқ ҳиди йўқлигидан, миясига совуқ, фикр келди: — Наша чекдимикан?

Қосимхон қилични ўйнаб, хонасига кириб кетди. Малика кўрпаларни тахларкан, ташқари эшик қаттиқ ёпилганини эшитди. «Яна кетдимиз?»

Малика, эрининг хонасига кирди. Деразадан пастга қараркан, Қосимхон машинага ўтираётганини кўрди. «Нима, қилич қолиб кетибдимиз?» — У эрига кўр-кўрона итоат қиларди. Қилични кўтарганча, машина ортидан югурди. Тор йўлакдан зўрға бурилиб олган машина юрай деганда, эшикка тирмашди.

— Мана бу қолиб кетибди!

Орқа ўриндиқда ўтирган Қосимхон қўлини ёнидаги қизнинг бўйнидан олиб, унга ўтирилди. Қўлида қоғозга ўроғлиқ нарса бор эди.

— Э, опке!

— Бу ким?

— Ўртоғимнинг хотини.

— Нима, ўртоғингизнинг хотинини қучоқлаб ўтирасизми?

— Бунга фарқи йўқ, ким қучоқласа қучоқлайверади.

— Менга эса фарқи бор. Эрим ҳаммани қучоқлаб кета-
веришига йўл қўймайман.

— Ҳе, камайиб қолармидим?

— Камаймайсан, камаймайсан, — Гапга аралашди қиз.
Қосимхон эркалаб унинг юзидан ўпди:

— Асалим...

— Айт, бу чувринди уйдан кетсин.

— Эшитяпсанми, «кет» деяпти.

— Нима, мен кетайми?

— Кет, кет, кет! — Қосимхон бу гапларни қатъийят
билан айтмаса-да, «э-бор-э» — деган тарзда айтди. Мали-
ка унинг тиззасида турган қиличга ёпишди. Қосимхон
ҳали у қилични тортиб олишга улгурмай, эшикни қарс
этиб ёпди.

— Хайданг, шофер ака, бўлмаса бу тентак бизни бир
нарсга қилиб қўяди.

Шофер, жон ҳолатда газни босди.

* * *

Малика уйга қайтгач, ғазаб ва нафрат алангасидан
танг ҳолатда эди. Машинани қувиб ортидан боролмасди.
Кўчага ётоқ қўйлагида чиққанди. Машина ёллашга пули
йўқ. Тўрт яшар ўғли ухлаб ётганди. Уй уй бўлгани билан
тўртта девордан бошқа ҳеч нарсаси йўқ. Уйда очлик хукм
сурар, ейишга бир тўғрам нон топилмас, Санжарнинг
хархашалари, кўча хандон эрига нисбатан нафрат қўзға-
тарди. Қўни-қўшнилари қарз сўрайвериш, бошини
кўтаролмай қолгач, нимаики бўлса онасиникидан ташир-
ди. Эри ойлигини бермас, боланинг нафақа пули эса ҳеч
нарсга етмасди.

Қосимхон институтни битирганларидан сўнг уни иш-
латмади. Дастлаб, фарзанд кўрдилар. Бола боқиш муддати
тугаб, Санжарни боғчага берганларидан сўнг ҳам, эри
уни ишлатишга унамади. Малика эрининг авзойига қараб
рози бўлди. Эри врач бўлса-да, шифохонанинг хўжалик
ишларига ўзини урди. Кўпроқ топаман деб ўйлади шекил-
ли, лекин топиш-тутишида барака кўринмасди.

Оила зўр-базўр кун кечирарди. Қосимхон уйга нарсга
кўтариб келмас, гоҳо маст ҳолатда Маликани урар, сўкарди.
Малика куну-тун оилам бузилиб кетмасин деган ташвиш
билан яшарди. Оилам бузилмай турса, ҳаммаси из-изига
тушиб кетади, ҳаммаси бир кунмас бир кун яхши бўлиб
кетади, деган хаёлда эди.

* * *

Малика стол устига ишга кириш ҳақидаги аризани қўяркан, бош врачнинг кўзларида эрини ҳамиша рашк ва саросимага солган қандайдир тийиқсиз иштиёқни кўрди.

— Майли синглим, аризани ташлаб кетинг-чи, бирор чорасини топармиз.

— Жавобини қачон билсам бўлади?

— Эртагаёқ ишга чиқаверинг. Сал қийналиб қолган кўринасиз.

— Раҳмат. Бу яхшилигингизни унутмайман.

— Раҳмат.

Малика унинг бу жавобини «рози бўлганлигингиз учун олдиндан раҳмат» — деган маънода қабул қилди. Лекин нимага рози бўлди у, унинг истакларини қондиришгами? Ўлдими, унчаликка бормас?!

Малика эртасигаёқ ишга чиқиб кетди.

Қосимхон ўша куни эмас, эртасига кун оққанида худди ҳеч нарса бўлмагандай кўчанинг гапларини гапириб кириб келди. Эшик олдида жимгина турган Малика ичида «вой, разил-ей» деб қўйди. Индамай турганига яна бир сабаб, ишга кириш учун Қосимхоннинг розилигини олиш эди. Қосимхон Санжарни эркалаб кўтарётганида:

— Ишга кирмоқчиман, — деди.

Қосимхон агар ҳозир розилик бермаса, катта жанжал бошланишини сезиб: — Ўзинг биласан, — деб қўя қолди. Малика ошхонага югурди.

* * *

Бош врач Шухрат Аҳадович, дастлаб уни кўрганда анчайин бепарво эди. Кейинчалик сезилар-сезилмас илтифотлар қила бошлади. Малика ҳам бу илтифотларни кесиби ташламади. Ишни юмшоққина қилиб, орқага суриб келаверди.

Бир ой бўлмай, бош врач уни операция столи тепасига келтирди-да, чиқиб кетди. Малика операцияни гўзал ҳолатда якунлади.

* * *

Малика ақлни дол қолдирадиган даражада гўзал аёл эди. 17-18 ёш қизлар ҳам унинг қўғирчоқдек қомати олдида надоматда қолишарди. Ҳеч ким уни йигирма еттига кирган деб ўйламасди. Ўғлини етаклаб юрганида укасини ўйнатаётгандир-да дейишарди.

* * *

Малика хонасига кириб, кийимларини алмаштирмоқчи бўлган эди, эшик чертилди.

— Кириг.

Эшик олдида биринчи курс талабаси, шифохонага амалиётга келиб юрадиган Собит исмли бола турарди.

— Иш тутадими?

— Ҳа, кетмоқчи бўлиб турувдим.

— Кузатиб қўйсам майлими?

— Бирон режангиз борми?

— Бор.

— Шу ерда айтаверинг.

— Шунчаки йўл-йўлакай айтиладиган гап эмас-да. Агар кузатиб қўйишимни хоҳламасангиз, имкон топилганда айтарман.

— Эрим келиб қолиши мумкин.

— Нега дарров эрингиз ҳақида гап бошладингиз?

— Мен эрим чизган чизиқдан чиқмайдиган аёлларданман, Собитжон.

— Ҳар қалай менинг гапим, бу чизиқдан чиқазиб юбормаса керак.

— Унда оддий гап экан-ку, айтаверинг.

— Гапим оддий гап эмаску-я, лекин сиз уни оддий гап деб қабул қилишингиздан қўрқаман.

— Менга бунчалик сирли гап айтиш фикри сизда қаердан пайдо бўлиб қолди?

— Билмайман. Лекин сизга айтмасам бўлмайди. Бошқа иложим йўқ.

— Қўйинг Собитжон, ҳаммаси ўтиб кетади.

— Мен эса ўтиб кетишини истамайман. Умуман мендаги бу хис-туйғулар ўтиб кетмаса керак. Тўғриси айтсам, сизни яхши кўриб қолдим.

— Собитжон, ундай деманг, ҳаммасини кўриб-билиб юрибман. Ахир, сиз ҳали ёшсиз. Ҳарбий хизматга ҳам бормагансиз. Ўқишни ҳам битирмагансиз. Мен сиздан қанча каттаман, биласизми?

— Бунинг аҳамияти йўқ. Ахир, сизни яхши кўраман-ку.

— Яхши кўрганингизда, бунчалик тез севги изҳор қилмас эдингиз.

— Ҳозир ўз ҳолатимни яшириб ўтирадиган даражада эмасман.

— Унда сизга қийин бўлади.

— Малика, илтимос менинг таклифимни яна бир бор ўйлаб кўринг.

- Нимани таклиф қиялпсиз.
- Агар хоҳласангиз, сизга уйланаман.
- Ахир бошимда эрим бор-ку?
- Эрингиз аллақачон сизга хиёнат қилиб бўлган.
- Собитжон, ҳаётимга бунчалик чуқур аралашасиз деб ўйламагандим.
- Энди сизнинг ҳаётингиз меники бўлади.
- Буни осонгина гапириб бўлмайди. Мени севиш ҳуқуқини сизга ким берди?
- Нима учун яшаётганимни англолмай юрардим. Энди билсам сизни бахтли қилиш учун туғилган эканман.
- Собитжон, илтимос, шу ерда хайрлашайлик.
- Фақат эртагача!
- Хайр!
- Яхши етиб олинг.

* * *

Қосимхон ўзидаги нохуш ўзгаришлар, аста-секин зўрайиб бораётган оғриқлар алаmidан танг ҳолатга тушиб, энди касални яширишнинг ортиқча иложи қолмагани туфайли шаҳар четидаги «Тери-таносил» касалликлари шифохонасига йўл олди. Врач йигит Қосимхонни текширувдан ўтказаркан, лаборатория берган натижаларни яшириб ўтирмади.

- Бу касал сизда қачон пайдо бўлди?
- Чамамда 15 кунлар оралиғида.
- Охирги марта ким билан ётгансиз?
- Хотиним билан.
- Ундан олдин-чи?
- Иккита-учтаси билан.
- Бир кундами?
- Йўқ, икки уч кун оралатиб.
- Бу касални кимдан юқтиргансиз?
- Билмадим.
- Уни ҳам топиш керак. Бўлмаса у, сизга ўхшаганларга юқтириб юраверади.
- Уларнинг аниқ манзилини билмайман. Қолаверса, менга деса ўлиб кетмайдими, қайси бирини судраб юрай.
- Ҳеч кимни олиб келмасангиз ҳам, янгани олиб келишингиз шарт.
- Нега?
- Ахир, яқин кунлар ичида у киши билан жинсий муносабатда бўлгансиз-ку, бу жуда юқумли касаллик.

Хотинингизга юққан бўлиши табиий. Агар уйда тозалikka риоя қилмасангиз, болангизга ҳам юқиши мумкин.

— Хотинимни бу ерга қандай олиб келсам-а?

— Бу касаллик, фақат жинсий алоқадан сўнг пайдо бўлади. Юқтиришнинг бошқа йўли йўқ. Сиз эса касал аёлнинг қўйнига киргансиз. Биласиз, аёллар ҳамма камситишларни кечирса ҳам, хиёнатни кечирмайди. Сиздаги касаллик эса хиёнатнинг аниқ далили.

— Сиз қайси кунлари ишда бўласиз?

— Мана, кун тартибим қўйидагича белгиланган...

* * *

Шухрат Аҳадович, иш куни тугаётганлиги сабабли қабул-лига кирувчиларнинг сийраклашиб қолганидан, ўзи ҳам анча толиққанидан, дераза ортида ботаётган қуёшга қараб, бир оз тин олиш ниятида креслога суянганича хаёлга ботиб ўтирарди. Эшик оҳиста тақиллади.

— Мумкинми?

— Келинг Малика Муродовна...

— Яхшимисиз Шухрат Аҳадович, чарчамадингизми?

— Йўқ, қайси шамоллар учирди?

— Сизнинг яхши шамолларингиз!

— Келинг.

— Мен бир таклиф билан олдингизга келувдим. Бизнинг шифохонага борганингизда сиз ҳақингизда жуда кўп яхши гапларни эшитганман. Шу туфайли қўллаб-қувватлаб юборасиз деган умиддаман.

— Агар имкони бўлса, бажонидил.

— Мен ўз соҳам бўйича номзодлик диссертациямни ёзмоқчиман.

— Жуда яхши таклиф. Мен ҳам сиз ҳақингизда жуда кўп яхши гапларни эшитиб юрибман. Операцияларингизнинг ҳаммаси ўта муваффақиятли чиқаётган экан. Буни мақтамай илож йўқ.

— Мақтовларингиз албатта мени қувонтиради.

Шу пайт эшикдан беҳос шошилиб бир киши кириб келди.

— Шухрат Аҳадович, бўлмайсизми энди, пастда кутиб турибмиз-ку...

— Хўп, ҳозир, нима гап ўзи?



— Боя келишдик-ку, улар ҳам келган.

— Ким у, улар...

Шухрат Аҳадович Маликанинг олдида ҳеч нарсадан хабари йўқдек турарди.

— Анаву иккаласи-да, ўзингиз айтган! Малика хонадан отилиб чиқиб кетди. Шухрат Аҳадович саросимага тушиб, унинг ортидан ирғиб тураркан, бирор сўз айтишга улгуролмай қолди. Коридор ойнасидан унинг пастда югуриб кетаётганига қараб, хонадаги оғайнисига ўшқириб берди:

— Э, бор-э, галварс, одам ўтирибди ҳам демайсан-а.. Шу гапни сал ётиғи билан айтсанг бўларди-ку.

— Э, шошиб тургандан сўнг...

— Бор, бор энди ўзинг кетавер. Мен бормайман.

— Шухрат Аҳадович, ахир улар қараб туришибди, шунақа жононлар...

— Бормайман, бор, уларнинг жавобини бериб юбор. Шухрат Аҳадович қалбига баҳор нафасидай илиқлик олиб кирган Малика ҳақида ўйлар, юраги ёввойи сархушликни сезиб, майин энтикиб кетарди.

* * *

Малика эрининг сўзларини эшитиб, ҳаммасига тушунди. Демак, эри касал. Демак, эри ўз касалини унга ҳам юқтирган. Болалигида одамнинг боши тошдан деса, тушунмасди. Оиласидаги гурбатлар, жанжаллар, хўрликлар, кўчадаги фисқу-фасод гаплар. Кимдир бошингга мана шундай кўргуликлар тушади деса, ишонмасди. Бунчалик ситамларни кўтаролмасам керак, деб ўйларди. Лекин, бошга тушганни кўз кўрар экан. Кўрганда ҳам шу қадар кўрдик, назарида дунё остин-устун бўлиб кетадигандай эди. Ҳаётнинг чархпалак бўлиб айланишидан, кўз олди тиниб кетди, уни бу дунёда олиб қолган куч назарида фақат ҳали тирик экани, ҳали яшашга мажбур экани, ҳали куч-ғайратининг борлиги-ю ёшлигининг тийиқсиз шижоати унга ҳаётнинг бу қадар аччиқлигини кўнам сездиравермасди. Ҳаёт уни тошларга урсада, ҳали иродаси синмаган, ҳали кўзлари ҳам кўр бўлмаган эди. У мана шуларнинг ҳаммасини изтироб билан ўйлар экан, ҳали шундай яшайинки, одамлар омад нима эканлигини менинг тимсолимда кўриб қўйишсин дея ўзига таскин изларди.

Улар касалхонага қарийб бир ой қатнаб юришди...

* * *

Шухрат Аҳадович узун коридор бўйлаб кетар экан, муюлишда, шундоқ қаршисидан чиқиб қолган Маликани кўриб таққа тўхтади, оғиз жуфтлашга улгурмай, унинг шиддат билан, ўтирилиб кетганини кўриб, эсанкираб қолди. Бир фикри, ортидан югурмоқчи, хонасида рўй берган хосиятсиз вазият учун кечирим сўрамоқчи ҳам бўлди. Лекин ёшгина жувоннинг кетидан югуриб юришни ўзига эп кўрмай, хасрат билан мийиғида кулиб қўяқолди.

«Кўнглида менга нисбатан нимадир бор шекилли, аччиғи чиқиб юрибди, бўлмаса менинг бошқа жувонларга боришимни бунга нима дахли бор. Бир жойда ўтириб, аҳду-паймон қилишмаган бўлсак. Мени яхши одам деб ўйлаб юрибди шекилли. Ёки кўнгли бормикин-а! Қанийди шундай бўлса!

* * *

Малика Собитжоннинг қистовларидан кейин, «Майли соат бешда» деб ваъда берди-ю, ўзининг бўшанглигидан, раҳмдиллигидан, итоаткорлигидан ўзи ранжиди. Бекорга ваъда берибман, нима кераги бор эди» — деб ўйлади. Агар, ҳозир бу хатони тузатишнинг иложи бўлса, албатта тузатарди. Кейин яна ўйлаб қолди. «Қани бир гаплашиб кўрайчи, яна нима дер экан. Буям бир ўйин-да...»

Малика Амир Темур хиёбонига борганида соат бешдан ошганди.

Собитжон унга кўзи тушиши билан қўлидаги гулдас-тани силкитиб, тез-тез қадам ташлаб кела бошлади. Маликанинг назарида, у югуриб келаётгандек туюлди. «Қизиқ, гулдаста кўтарадиган замонлар ўтиб кетди десам, бу анъаналар ҳалиям борга ўхшайди».

Бир пайтлар Қосимхон ҳам ортимдан мана шундай югуриб юарди. Кейин у ўзгарди...

— Келдингизми, хайрият!

— Собитжон, агар ваъда бериб қўймаганимда, келмасдим.

— Нега?

— Нима кераги бор, ахир тушунасиз-ку, мен оилали аёлман, эрим, фарзандим бор. Ҳозир бизни биров шу ҳолатда кўриб қолса, нима деб ўйлайди.

— Мен эса сизни келади деб ишонгандим.

— Сизда бу ишонч қаердан пайдо бўлди?

— Менга гапираётганингизда овозингизда мойиллик бор эди.

- Сизга ачинган бўлишим мумкин.
- Балки ўзингизга ачингандирсиз?
- Ўз умримга ачинганим билан давосини, балки сиздан изламасман.
- Нега?
- Нега деганда, сиздан сиз ўйлагандан кўра кўпроқ нарса талаб қилишим мумкин.
- Мени бажаролмайди деб ўйлайсизми?
- Қўлингиздан келмайди деган истиҳодаман.
- Малика, очиқроқ айтаверинг, мендан нимани истайсиз.
- Собитжон, келинг шу ерда хайрлашамиз.
- Нега?
- Гап-сўздан қўрқаман. Яхшиси телефонлашамиз.
- Малика, сизга уйланаман ва нимаики керак бўлса қиламан.
- Мени яхши кўрасизми?
- Сизсиз яшасам, ичган она сутим ҳаром бўлсин.
- Собитжон, ундай деманг. Ундай деманг. Сўзингизни қайтариб олинг.
- Йўқ, энди сўзимдан ҳам, қиладиган ишимдан ҳам қайтмайман.

* * *

Бир куни Шухрат Аҳадович ишдан қайтишида қўярда-қўймай уни машинасига миндириб олди. Ҳар қалай катта бошлиқ айтгандан кейин йўқ дейиш учун мингта баҳона ҳам камлик қиларкан.

— Малика, ростини айтинг, нега салом берсам, алиқ олмайдиган бўлиб қолдингиз. Ёки анави оғайнимнинг гапидан хафа бўлдингизми? Ўша куни у айтган жойга бормадим. Сиз бошқачасиз, Малика!

— Нега ундай дейсиз? Мен ҳам ҳаммага ўхшаганман. Мен ҳам ҳаммага ўхшаб сизни кўрганда қуллуқ қилиб салом бераман.

— Энди мен сизга салом бераман, хўп деяверинг.

— Нега энди?

— Мен бошқаларга қилган муомаламни ҳеч қачон сизга қилолмаслигимни тушундим. Сизни таниганимдан бери, негадир ёшлигим, беғубор йилларим ёдимга тушади. Мен ҳам қачонлардир, кимнидир севганим, меҳр қўйиб унинг ортидан кўз ёшлар тўкканим эсимга тушади. Худди қариб қолган шер ўзининг чаққон, абжир, кучли пайтларини эслаб, эти увишгандай, қўлимдан ҳеч нарса келмайдиган

бўлиб қолган бўлса ҳам, эркалик қилиб кузатиб қуйишга журъат этдим.

— Йўғ-ей, сизни ҳали жуда ёш деб биламан ва бир марта кузатиб қўйиш билан чекланишингизга кўзим етмайди.

— Албатта, агар сизда мойиллик бўлса, ҳар куни кузатиб қўйишга тайёрман.

— Йўқ. Бўйнингизга ҳеч қачон бундай масъулиятни юкламоқчи эмасман. Чунки бундай манзиратлар ҳеч нарсани белгиламайди.

— Мен учун осонроғи шу-да — Шухрат Аҳадович жилмайиб нажот кутгандай, Маликанинг қўлини сиқиб қўйди: ҳис-хаяжонга берилишдан қўрқиб қолибман.

— Юрагингизни ёр босишдан сақланг — Малика ишва билан жилмайди.

Шу пайт қора «Волга» келиб, машина олдини кесиб чиқди ва «тўхтатинг» ишорасини қилди. Шухрат Аҳадович машинасини четга олиб тўхтади. Қора «Волга»дан Қосимхон тушиб кела бошлади:

— Ҳа, бобой, ўлгинг келдими? Нега менинг хотинимни олиб юрибсан?

— Торт қўлингни эшшак!

— Кўзойнак таққан кўзингни ўйиб олайми? Шухрат Аҳадович Қосимхонни итариб юборди:

— Йўқол. Қўл кўтаришга ёшлиқ қиласан. Умуман бу шаҳардан сенинг изингни қуритиб юборайми?

— Нима, нима? — Қосимхон Шухрат Аҳадовичнинг ёқасидан ушлаб копотга букчайтириб олди. Малика ҳар иккисини ажратиб қўйиш тараддудига, машинадан тушди.

— Қосим ака, аҳмоқмисиз, бу киши бошлиғимиз-ку...

— Бошлиқ бўлса ишхонада бошлиқ. Менинг хотинимга кўчада кўз олайтирадиган бошлиқни онасини.

— Э, қўйворинг... — Малика Қосимхонни силтаб-силтаб Шухрат Аҳадовични унинг остидан чиқариб олди. Шухрат Аҳадович, машина ичида турган уяли телефони олиб, рақамларни тера бошлади:

— Алё, Бурхон Ўктамович, мана бу ерда бир маст, безори бор экан, инспекторларингиздан жўнатинг, сал тартибга келтириб қўйишсин. Ҳа, ҳа. Қодирий кўчаси, Марказ 14-нинг муюлишидан ўтгач ўнг қўлда... Раҳмат, раҳмат.

— Болакай, ҳозир шу ерда тура тур. Озгина жисмоний

тарбия дарсларини ўташга туғри келиб қолди. Мабодо қочадиган бўлсанг, ҳозир ГАИга телефон қиламан, маст ҳолатда рулга ўтирганинг учун жазоингни беришади. Билиб қўй, тиз чўкиб оёғимни ўпсанг ҳам сени кечирмайман.

— Сендан, кечирим сўрайдиган аҳмоқ, йўқ. Меш қоринингни ёриб қўймаганимга шукур қил. Ҳали шаҳарга эгалик қилишга қўлинг калталиқ қилади.

Шу пайт айлана чироқларини чириллатиб милиция машинаси кўринди. Ундан тушиб келган инспекторлар Шухрат Аҳадовичга салом беришди. Шухрат Аҳадовичнинг ёқаси очиқ, тугмалари йиртилган, шимлари чангга беланган эди. Улар Қосимхонни ушлаб, машинага судрашди. Малика Шухрат Аҳадовичга ялиниб, қўйворишларини сўраб ўтина бошлади. Шухрат Аҳадович, «майли қўйворинглар» ишорасини қилгач, инспекторлар четлашди. Малика Қосимхоннинг машинасига миниб, жўнаб кетди.

* * *

Собитжон хонасига кириб, ўзини кроватга ташларкан, неча кунлардан буён уни ўйлантираётган масала кундан-кун чигаллашса чигаллашдики, ечими топилмасди: «Маликани қаерга олиб келаман. Шу уч хоналик уйгами? Бу уйда дадаси, ойиси, акаси, янгаси, синглиси, акасининг икки яшар ўғли, етти киши яшайди-ю, Малика ўғли билан уларга қўшимча бўлиб келадими? Аввало, Малика унга тегишга рози бўладими? Ҳеч қачон рози бўлмаса керак. Уни рози қилишнинг биргина йўли, бир хоналик бўлса ҳам уй сотиб олиш. Кейин бир амаллаб кўндирса бўлади. Лекин уйни қаердан оламан. Қайси пулимга? Стипендиямгами? Дадамнинг ойлигигами? Ахир ойлик жонивор ҳам рўзгорнинг у ёғидан бу ёғига зўрға учма-уч етиб турибди-ку. Ёки ижарага уй олиб чиқиб кетсамми? Бунга ким рози бўлади? Қолаверса, Маликага кичкинагина тўй қилиб уйланиш керак.

Бу тўйга ким рози бўлади? Дадамми? Ҳеч қачон. Ойимми? Ҳеч қачон. Йўқ-йўқ. Уларни кўндириш мумкин. Маликанинг бирор айби борми? Бузуқми? Ёйлайми? Йўқ, у ҳар қандай ўн саккиз яшар қиздан пок ва тарбия кўрган қиз. Мен кўрган, мен таниган қизларнинг биронтаси унга на ҳуснда, на муомалада, на меҳр-оқибатда тенглаша олади. Ундан чиройлироғини, ундан ақллироғини ҳеч қачон кўрмаганман ва бошқа кўрмасам ҳам керак. Нима қилиб бўлса ҳам, унга уйланишим, у билан яшашим керак.

Собитжон туриб, магнитофонни қўйди. Магнитофондан қўшиқ таралди.

*«Мен йўқсан, не бўлиб уни суйубмен,
Унингчун ёнибмен, ёниб куйибмен.
Бошимни зўр ишга букиб қўйибмен.
Мен суйиб, мен суйиб кимни суйибмен?
Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал».*

* * *

Қосимхон уйга кириб келаркан, газабдан ўзини босиб ололмасди.

— Қани айт, ким у одам?
— Бирга ишлаймиз. Бош врач.
— Нега миндинг машинасига?
— Шунчаки, бекатда турувдим, тўхтади.
— Айтиб қўяй. Мен бунақа иснодни кўтариб юролмайман. Агар сен ҳақингда бир гап эшитсам чавақлаб ташлайман.

— Аввал ўзингизни билиб олинг. Кечалари дайдиб юриб, кимлар билан нима ишлар қилганингизни ўз кўзим билан кўрганман. Ўша ишлар учун сизни ҳеч қачон кечирмайман.

— Кечирмасанг, йўқол бу ердан.
— Керак бўлса, сиз йўқоласиз бу ердан. Уй меники. Уйнинг бузилишига ҳам сиз биринчи сабабчисиз.

— Агар сен мен билан тенглашмоқчи бўлсанг, хато қиласан. Билиб қўй, эр киши адашса, аёл ҳамма вақт кечиради. Лекин аёл адашса, эркак ҳеч қачон кечирмайди.

— Менда энди сизни кечиришга ундайдиган бирор фазилатингиз ҳам, бирор хислатингиз ҳам, қадр-қимматингиз ҳам қолмаган. Беш йил давомида, ҳаммасини ичиб-чекиб, ҳаром-харишлар билан айшу-ишрат қилиб, тугатиб бўлдингиз. Менда энди сизни кечирадиган сабру-тоқат ҳам, раҳму-шавқат ҳам қолмаган.

— Ҳали шунақами?

— Шунақа!

— Шунақа бўлса, энди ўзингга эр топиб ол! Қосимхон костюмини елкасига илдида эшикни тарақлатиб, чиқиб кетди.

* * *

Шухрат Аҳадович эртасига эрталаб Маликани ўз хонасига чақирди:

— Маликахон, нима бўлди, тинчликми, кечаси билан ухлолмай чиқдим.

— Эрим ўзи шунақа, жаҳли сал тезроқ.

— Уйда жанжал кўтармадимми?

— Йўқ, ҳаммаёқ тинчлик. Сал қизишиб кетибман, Малика, бирга ишлар экансизлар, жуда ноқулай бўлди-да — дейдилар. Мен ҳам, иккинчи бировнинг машинасига ўлсам ҳам минмайман деб, ваъда бердим.

— Жуда тўғри қилибсиз. Энди ҳеч қачон бировнинг машинасига ўтирманг. Одамлар дарров гап қилади. Тили билан юрадиганлар кўп.

— Лекин менинг туни бўйи жаҳлим ҳеч босилмади.

— Нега?

— Айтаверайми?

— Айтинг.

— Мен, агар сизга шу сўтақўзи эрингиз қўл кўтарадиган бўлса, ўзим сизга уйланишга аҳд қилиб қўйдим. Билиб қўйинг, шу гапим гап. Гапимнинг исботи сифатида, эртагаёқ қўлингизга янги «Нексия»нинг калитини тут-қазишим мумкин. Агар паспортингизни тозалаб келсангиз, икки хонали уй меники деяверинг. Ҳечқиси йўқ, сизни боқиб олишга ҳам, сизга ёқиб қолишга ҳам қурбим етади.

— Вой, Шухрат ака, нима деяпсиз. Эримдан ажралиш фикри, менда умуман йўқ. Ўлсам ҳам, эрим билан бирга ўламан. Лекин, сизга ҳам раҳмат. Ҳаётимда мен учун шунчалик сахийлик қилган одамни сира учратмагандим. Худо бойлигингизни бундан ҳам зиёда қилсин.

— Малика, гап бойликда эмас. Мен сизни ёқтириб қолдим. Ўлай агар, негалигини сира билмайман. Сизни эсласам бутун борлигимни қувонч эгаллаб олади. Ўзимда йўқ шодланиб кетаман. Шунча йил умр кечирдим. Аммо, ҳаётимнинг бахтли дамлари энди бошланаётгандай. Бутунлай яшариб кетгандайман.

Ҳаётимдаги бу янги давр учун, сиздан миннатдорман, Малика.

— Шухрат ака, ундай деманг. Мен ҳали ўзим бахтга зорман.. Ўзим ҳаётимда қувонч нималигини билмай ўтяпман. Мен ҳақимда бунчалик ширин ҳаёлларга берилиб, хато қиляпсиз. Бошимда эрим бўлатуриб, сиз билан савдолашиб ўтиришимнинг ўзи аҳмоқлигимни билдирмай-

дими? Ўз эрини бахтли қилолмаган, кўча-кўйда уриштириб юрадиган мендай нотавадандан, ҳафсалангиз пир бўлади ҳали.

— Малика, ўйлаб кўринг. Мен ўзимнинг қатъий қароримни айтдим.

— Шухрат ака, бу ўйлаб кўрадиган гап эмас. Сиздан бошқа одам айтганида бу кунимдан ўлганим афзал дердим. Лекин, сиз...

— Малика, ҳозирча ишингизга боринг. Мен ҳам мажлис чақирганман. Яна бафуржа гаплашамиз, ҳўпми?

— Яхши қолинг

— Телефон қиламан.

Малика бир ҳафтадирки эрининг уйга келмаётганидан хавотирда эди. Санжарни ҳар куни боғчадан ўзи олиб келар, ўғли йўл-йўлакай нега дадам келмаяптилар — дея ҳархаша қилгани қилган эди. Эрини ҳамма қариндошуруғ, яқин ўртоқларидан сўраб чиқди. Ҳеч ким кўрдим демайди. Милицияга кўнғироқ қилай деса, гап-сўз кўпайиб кетишидан истиҳола қилади. Ишхонадагилар эса, «жавоб сўраб кетган, қаёққалиги номаълум, хотини бўлиб, сиз билмасангиз биз қаёқдан билайлик», дейди. Дугонаси Марямга дардини очувди, юр, фолбинга борамиз, — деб қолди. Қизик, фолбинга бало борми? — дейдиган одам йўқ. Бошқа биров билан яшаб юрган бўлса-я? Қосимхон бошқа бировнинг қўйнига кириб кетган бўлса-ю, уни бу йўлдан қайтариб олиш ўрнига, лаллайиб ўтирган бўлса?

Эшик кўнғироғи жиринглади. Малика, эшикни очаркан, Марямни кўриб, дарди енгиллашгандай бўлди.

— Юр, борамизми?

— Унинг уйи қаерда?

— Юрсангчи, ўзим топиб бераман.

* * *

Фолбин кампир ўзининг руҳлари билан гаплашиб, ҳаммасини очик ойдин айтди, қўйди:

Қосимхон шу атрофда юрганмиш. У хотинини яхши кўрар экан. Аммо ораларидаги моjarолар ҳали анча чўзилар экан. Бу қўйди-чиқдилардан Қосимхон қаттиқ хафа. Унинг иккита душмани йиқитишга пайт пойлаб турганмиш.

— Қизим, кел елкаларингни қоқиб қўяй. Атрофингда инсу-жинслар кўнайиб кетибди. Улардан эҳтиёт бўлмасанг, ёмон аҳволга тушиб қоласан.

— Майли, холажон, билганингизни қилинг. Иложи бўлса, эримни ўзимга иситиб беринг. Бало-қазо нари кетсин. Худойим тухматдан асрасин.

— Қизим, атрофингда кўп гаплар айланиб юрибди. Сени бу гаплардан воқиф қилмасам бўлмайди. Агар, истамасанг, айтмайман.

— Йўқ, айтаверинг хола. Бошимда бор экан, олдиндан билганим яхши.

— Қўй, айтмаганим маъқулдир.

— Айтинг, холажон, энди барибир, эшитмасам кўнглим жойига тушмайди.

— Қизим, кўряпсанми, ой бугун янги чиқди. Ҳали унинг чиққанига бир соат ҳам бўлгани йўқ. Менинг парихонларим айтяпти-ки, мана шу ой тўлганида, сен тўппатўғри жаҳаннамга гирифтор бўласан. Сени дўзах ўз қаърига тортиб кетади. Мана, айтмай десам, айттирдинг, энди ўзинг шу гапга қараб тадоригингни кўравер. Балки, эҳтиёт чораси чиқиб қолар. Балки, омон қоларсан. Яратган эгам тавба қилганларни кечирувчидир. Шояд, мағфират топсанг...

Маликанинг қулоғига ортиқ гап кирмади. Бир ой умри қолганлигини эшитиб қалтираб кетди. Бутун аъзойи бада-нини титроқ босди. Фолбин кампирни қарғаб, чанг солмоқчи ҳам бўлди, лекин инсу-жинслар билан алоқаси бор бу парихонга тегиниб бўларкан-ми?

Фақат Марямгина эшикдан чиқар-чиқмас:

— Ўзинг ўша жаҳаннамга равона бўл, қари кампир — дея қарғанди.

Кампир ҳам жавобан:

— Оёқни тўғри босиш керак, ойимтилалар, ҳар ким ўзи учун жавоб беради. Бу дунё ўткинчи, ҳар икки дунё саодатини кўрувчиларгина бахтиёр инсонлардир.

* * *

Малика фолбиннинг бу гаплари-га дастлаб парво қилмади. «Менга бу дунёнинг ўзида чеккан жафоларим етмасмиди — деб ўйлади — Ахир фолбинга ишониш фирт аҳмоқлик-ку? Бир ойлик умрим қолган эмиш. Мана шу ой тўлганидек, се-



нинг ҳам паймонанг тўлиб боради эмиш. Қани ойга бир қарайчи? Ой бўёқчининг чизигидай ингичка.

Тавба, умрим бино бўлиб, ойга эътибор билан қарамаган эканман. Ойнинг гўзаллигини қаранг. Бунча чиройли! Мен эса бир ойдан кейин бу гўзалликнинг баридан маҳрум бўламан. Ер тагида адойи тамом бўлиб, қурт-қумурсқалар емишига айланаман. Шўрлик онам, менинг ҳасратимда ғам-ғуссага ботиб, қарийди. Қолган сочи ҳам оқариб, азоб-уқубатдан кўзлари киртаяди. Ҳеч бўлмаганда, онам дард чекмаслиги учун ҳали яшашим керак. Унга ким қарайди. Бечора ўғлим! Шундай ширин ўғлимни кимга ташлаб кетаман? Йўқ-йўқ, мен ҳали яшашим керак. Қосимхончи, Қосимхон, у уйланади. У шуни кутиб юрибди.

Йўқ, у ҳеч қачон мендан бошқага ўйланмаслиги керак. Йўқ, йўқ ҳеч ким билан хайрлашмайман, ҳеч ким билан!

* * *

Малика, уйғонаркан, ўзида чуқур хокисорликни хис қилди. Қабулга келган беморларни шу қадар мулойимлик, ширинсуханлик, очиқ чеҳра билан кутиб ола бошлади-ки, бу сўзамоллигидан ўзи ҳам ҳайрон қолди. Ҳатто, кўзига парда тушган бир бемор кирганида, устамонлик билан очиқдан очиқ операция учун «юз минг» сўради. Кўзи юз фоиз тикланишига кафолат берди. Маликанинг меҳрибонлигидан амаки ҳам хурсанд бўлди. Ўғилларига пулни келтиришни буюрди. Малика, «бир ой бўлса ҳам яхши яшашим керак» — деб ўзининг бу қилмишини оқлади.

* * *

Кечқурун, кузатиб қўйиш учун Собитжон келди. Собитжон очиқдан-очиқ: — Янги уй сотиб олсам, мен билан яшайсизми? — деди. Малика кулиб юборди: — Сиз билан яшайман? — Шундай, мен сизга уйланаман, хоҳласангиз тўй қиламиз. Никоҳдан ўтамиз. Ҳаммани тўйга чақирамиз».

— Собитжон, эс ҳушингизни йиғиб олинг. Ҳали бошимда эрим бор. Ажрашмаганмиз. У кўнадими йўқми ҳали номаълум» «Сиз-чи? Сиз ўзингиз розимисиз?» «Мен сизни яхши кўраман. Чунки, сизнинг яхши кўришингизга энди ишондим. Лекин бу дегани, сиз билан бирга бўламан деганим эмас. Сиз ҳаёт ҳақида жуда оддий фикрлайсиз. Ҳаммаси сиз ўйлаганчалик оддий эмас. Ҳаётнинг бу мураккабликлари мени адойи-тамом қилди».

— «Малика, бир умр сизни қўлимда кўтариб юраман. Сизга гард юқтирмайман. Сиз учун жонимни, бутун ҳаётимни бағишлайман. Фақат меники бўлинг. Фақат мен билан бирга бўлинг. Ёнимдан бир қадам ҳам силжиманг. Эртадан-кечгача кўзингизга қараб ўтиришга тайёрман». «Собитжон, сиз юраги тоза йигитсиз. Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Бу ҳаёт қалби бу қадар покиза одамларни ҳеч қачон кечирмайди. Бало-қазолар гоҳида шундай беаёв улоқтириб юборади-ки, мен ҳам ёмонликни озгина ўрганиб олсам бўларкан деб орзу қилиб қоласиз!». «Малика, ундай деманг. ҳали биз сиз билан бахтли бўламиз, шу қадар бахтли бўламиз-ки, ҳаётнинг бу қадар гўзаллигидан, юрагимиз гупуриб кетади». «Собитжон бўлди, бас қилинг. Орзу қилиш яхши, лекин мен, барибир сизга тегмайман». «Тегасиз!». «Мен сизнинг тенгингиз эмасман». «Сиз, мендан барибир яхшисиз!». «Агар яхши бўлганимда, сиз билан бундай гаплашиб ўтирмаган бўлардим. Одамлар кўрса нима дейди?»

«Мен, яқинда бир жойдан озгина қарз кўтараман. Кейин биргаликда уй излаймиз. Бир хоналик бўлса ҳам майли. Кейин бирга яшаймиз».

«Собитжон, хаёлингизга эрк берманг».

«Қарорим қатъий».

«Яхши боринг!»

«Туну кун фақат сизнинг хаёлингиз билан яшайман. Шунинг учун хайрлашишимизга ҳожат йўқ. Ўзингиз бу ерда қолсангиз ҳам, барибир хаёлимда мен билан кетасиз. Мен сиз билан ҳеч қачон хайрлашмайман, ҳеч қачон».

* * *

Қосимхон Маликанинг кейинги ҳаётидан, унинг табиатидаги қатъиятдан ўзини қўярга жой тополмай қолди. Республикадаги энг катта шифохоналардан бирида унинг бирданига бу қадар баланд обрў-эътиборга эга бўлиб кетишини, шифокорларнинг ҳам, беморларнинг ҳам оғзига бу қадар тез тушишини, уни ҳурмат билан гапиришларини сира кутмаганди. Албатта, у Маликанинг талабалик пайтлари ҳам жуда заковатли, билимдонлигига қойил қоларди. Лекин, ўқиш пайти кимлар аълочи бўлмаган. Қолаверса у Маликани аълочи бўлгани учун яхши кўрмаганди. У Маликани, Малика бўлгани, Худо уни хатосиз яратгани, ундан бирорга айбни кўрмагани, ундан ортиғи бу дунёда бошқа бўлмаслигини билгани учун уни яхши кўрганди, севганди, бутун борлиғи билан унинг пойига

ўзини ташлаганди. Лекин кейинги йиллар у ҳақиқатдан ҳам Маликага хиёнат қилди. Агар буни хиёнат деб айтиш лозим бўлса, унга хиёнат қилди. Агар буни хиёнат деб эмас, шунчаки бошқалар билан кўнгилхушлик қилди деб аталса, тўғри таъриф берилган бўларди. Чунки, Қосимхон ҳатто бировнинг қўйнига кирганида ҳам, ҳеч қачон Малика ҳақида ёмон ўйга бормаган, заррача бўлсин унга меҳру-муҳаббати совумаган, уни ҳамиша ва ҳамма жойда севган, ардоқлаган, ҳурмат қилган. Ҳатто, бу ҳақда ўйнашларига ҳам айтган. Ўйнашларининг баъзилари бундан жаҳли чиққан бўлса, баъзилари ҳақиқий эркаклар ҳам бор экан-ку, деб хурсанд бўлган. Қосимхон буларнинг ҳаммасини ўзининг табиатидан келиб чиқиб қилган. Ўзининг шўхлигидан, бебошлигидан, гоҳида аламдан, гоҳида ошна-оғайниларга қизиқиб, гоҳида шунчаки, булар Маликага хиёнат эмас, деб билганидан бу расвойи-радди бало ишлар бўлиб ўтган. Лекин оқибатини ҳеч қачон ўйламаган. Малика ундан нақадар йироқлашиб кетганини у биринчи бор, хотини Шўхрат Аҳадовичнинг машинасида кетаётганида тушунди.

Тушунди-ю аъзойи баданига оғриқ югурди. «Наҳотки, Малика унга хиёнат қилиши мумкин бўлса? Наҳотки, қачонлардир Маликанинг орқасидан зир-зир югурган йигитларнинг тўполони беш йилдан сўнг яна қайтадан бошланса? Наҳотки, Малика уни, Қосимхонни четга суриб, ундан зўрроғини, ундан чиройли, ундан келишганроғини топа олса? Бу ахир хиёнат-ку? Демак, менинг ҳам бошқалар билан юришимни бемалол хиёнат деб атайверсак бўлар экан-да. Бекорга, пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга дейишмас экан. Маликанинг менга хиёнат қилишига ҳеч қачон йўл қўймайман, ҳеч қачон! У менинг ўлигим устидан хатлаб ўтади, кейин хиёнат қилади, лекин менинг кўз ўнгимда, менинг тириклигимда ҳеч қачон бунга йўл қўймайман».

Қосимхон Шўхрат Аҳадовичнинг машинасини кесиб ўтиб, тўхтатганида мана шундай азоблар алангасида эди.

* * *

Малика, иш куни тугаб, энди йўлга отланмоқчи бўлиб турганида, дугонаси Марям келиб қолди.

— Эшитдингми Малика, анови бор-ку, сенинг орқандан югуриб юрган, практикант бола, ўша қамалиб қопти.

— Вой, қайси бола?

— Анови-чи, гул кўтариб, олдиндан чиқарди-ку, чиройли бола, Собитжонмиди, бир марта менга, илтимос, бугун мен Маликани кузатиб қўяй, сиз бошқа кун гаплашарсиз деган.

— Нима қипти, унақа ёмон боламасди-ку.

— Институт деканига мелиса хат олиб келибди. Қанақа бола у деб, домлалардан сўраб чиқибди. Сўнг воқеани ҳаммага айтиб берибди.

— Нима бўлган экан?

— У ўзининг холасиникигами, тоғасиникигами, ишқилиб бир бой қариндошиникига қарз сўраб борибди. Бир марта борганда бермабди. Иккинчи марта борганда, кейин деб қайтариб юборибди. Собитжон қарз сўраб келганимни ўйимдагиларга айтманг, деб илтимос қилибди. Хуллас, бир куни яна борса, ҳовлида ҳеч ким йўқ экан, уйнинг тити-питисини чиқариб, пул, тилло тақинчоқларни олиб, энди ўғирлаб кетаётганда, келини келиб қолибди. Собитжон келинни уриб, қочибди. Келин ҳушига келиб, мелисага телефон қилибди. Мелиса уйни кўриб, ўғрини танийсизми деса, ҳа, танийман, фалон қариндошимиз, уйи фалон жойда деб ҳаммасини айтиб берибди. Собитжонни дарров ушлаб, қўлидаги нарсаларни олиб, қамаб қўйишибди. Қариндошлари, даъвомиз йўқ деса ҳам, қўйвормаётган эмиш. Келин боши ёрилиб, шифохонада экан, эри Собитжон чиқса соғ қўймайман деб, оёқ тираб турган эмиш. Одам ҳам шунча пасткаш бўладими, яхшигина бола деб юрардим.

— Унақага ўхшамасди-ку.

— Қаёқдан билай?

— Ўзи ростми шу гаплар, ёки ваҳимами?

— Нима, мен бировнинг устидан шунча тухмат қилиб, ақлдан оздимми?

— Унга пул нега керак экан?

— Бу ҳақда ҳеч нарса демабди. Унинг ота-онаси ҳам зор йиғлаб, деканнинг олдига келган экан, декан, мен у бола ҳақида яхши гаплар ёзиб бераман, деяётган эмиш.

— Марям, биз Собитжоннинг олдига борсак, бизга кўрсатармикан?

— Жиннимисан, нима деб борамиз?

— Бечорага жавр бўпти-да, яхши бола эди, энди кесилиб кетса керак.

— Бу ишни ҳеч ким шундай қўйиб қўймайди. Энди жазосини тортиши аниқ.

— Бечора, сизни яхши кўраман деб юрувди. Ўлай агар, мен ҳам яхши кўриб қолгандим.

— Жаҳаннамга тушишинг ростга ўхшаб қолди. Ўзингни тутиб ол.

* * *

Шуҳрат Аҳадович икки кишилиқ ўриндиқда ястаниб ётаркан, лабларидаги иссиқ ҳароратдан, юрагидаги сархуш кайфиятдан, хотирасига қаттиқ ўрнашиб қолган маъсум сўзларнинг такроридан маст бўлиб ётар экан, ҳозиргина чиқиб кетган Маликанинг орқасидан югургиси, кўзларига термулиб ўтиргиси, ширин сўзларини яна ва яна эшитгиси келар эди. У қачонлардир, худди Маликага ўхшаган қиз билан учрашишни, унга уйланишни истарди. Агар улар бундан йигирма йиллар олдин учрашганида, Шуҳрат Аҳадович Маликанинг орқасидан зор-зор юрган, жону-жаҳонини унутиб севган бўлар эди. Лекин афсуски, Шуҳрат Аҳадовичнинг ҳаётига бундай қиз жуда кеч кириб келди. Бу пайтлар у ўғлимни уйлантираман, қизимни узатаман деб юрган пайтлар эди. Лекин кўнгил ёш бўлиб қолаверар экан. Ҳарқалай, йигирма йил олдингидай бўлмаса-да, бу кўнгилнинг изтиробга тушиши, Шуҳрат Аҳадовичдай одамни эсанкиратиб қўйиши учун Маликанинг бир оғиз сўзи-ю, қиз болага хос бир қилиғи кифоя қилди. Дастлаб, Шуҳрат Аҳадович кузатиб қўйиш баҳонасида Маликани анҳор ёқасида икки оғиз сўзлашиб ўтириш учун таклиф қилди. Малика орқа ўриндиқда эди. Кейин Шуҳрат Аҳадович ҳам орқага ўтиб олди. Беш дақиқага тўхтаган машина шу тахлит уч соатга яқин туриб қолди. Суҳбат сўнгида Шуҳрат Аҳадович Маликанинг қўлини ўпмоқчи бўлди.

— Қаршимда нақадар катта душман турганлигини ҳис қилиб турибман, — деди Малика.

— Нега ундай дейсиз?

— Юрагингиз аллақачон тошга айланиб кетган бўлса керак. Унда ўзимга нисбатан меҳр уйғотгунимча, неча йиллар керак бўлади.

— Буни мен ҳам билмайман, Малика. Лекин ёлғон сўзлаб ўзимни ҳам, сизни ҳам алдамоқчи эмасман. Ҳозир сизга сизни севиб қолдим десам ёлғон бўлади. Бундан кейин ҳам балки севишим гумондир. Балки, эртага сизни бир дақиқа кўрмасам туролмайдиган бўлиб қоларман. Бунинг барини олдиндан айтиш қийин. Лекин шуни ҳозир аниқ айтишим мумкин-ки, сиз менга ёқасиз. Сизнинг ҳарқанча оғирин-

гизни кўтаришга тайёрман. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳамма жойга, сиз менинг дўстимсиз — деб жар солишга тайёрман. Чунки, сизнинг юрагингиз, қалбингиз менга ўз болалигимни, ёшлигимни, ўй-хаёлларим, қилган ишларимни ёдга солади. Мен қачонлардир худди сизга ўхшардим. Шунинг учун бу-гун ўзимни қанча ҳурмат қилсам, сизни ҳам шунча ҳурмат қилишимга етарлича асос бор.

— Мен ҳам сизнинг кўнгил одами эканлигингизни билардим. Негадир узоқдан қараб, бир куни сиз билан бунчалик яқин бўлиб ўтиришимизни ҳеч хаёлимга сиғди-ролмагандим. Қолаверса, сизнинг қаршингизда озгина бўлса-да қадр топаман, деб сира ўйламаган ҳам эканман. Энди, мен ҳам ҳеч билмай қолдим. Биз бу ўйинларни нега бошлади-гу, энди у нима билан тугайди. Сиз билан мана шундай гаплашиб ўтиришимизнинг нима кераги бор ўзи? Кимга кераги бор?

— Мен ҳам шу ҳақда ўйладим. Лекин ҳеч бир хулосага келолмадим. Бундай саволни бирор нарса харид қилаётганда берса тузук экан. Лекин сиз билан ҳеч нарсани савдолашмаяпмиз. Ҳеч ким ҳеч қанақа фойдани ҳам кўзлаётгани йўқ. Қайтанга иккаламизнинг ҳам атрофимизда гап-сўз кўпайиши мумкин. Лекин нима қилай, зўр бериб у ишнинг бошини тутсам ҳам, бу ишга ўзимни андармон қилсам ҳам сизни ўйлайвераман, ўйлайвераман. Сизни соғинаман. Кўргим келади. Бехосдан телефон гўшагини кўтараман. Ёки сиз ишлаётган бўлимга оёғим тортиб қолади. Кейин нима бўлса бўлди, дейман. Ахир одам ўз кўнгли, қалби учун яшамаса нима учун яшайди. Худо инсонга нима учун кўнгил беради. Инсон нега ўзининг ихтиёри-сиз севади. Одам ҳаётга нима учун келади? Яшайдан маъно нима? Энг тўғри яшаш, балки севиб яшашидир. Нима бўлганда ҳам, энди сизсиз туролмай қолдим.

Шундан сўнг Шухрат Аҳадович эгилиб Маликанинг титроқ лабларидан ўпди.

* * *

Малика туннинг ярмида уйғониб кетди. Қосимхондан ҳали-ҳануз дарак йўқ эди. Қўрқув ва ваҳима аралаш деразадан юқорига қаради. Ой икки энлик бўлиб катталашганди. Фолбиннинг гаплари юрагининг тубида худди заҳардай бутун танасига, ақлу-идрокига, гап-сўзларига, қилаётган ишига таъсир кўрсатаётганди. Айниқса, бу заҳар кечаси, у ўзи билан ўзи ёлғиз қолганда кўпроқ юрагини чақарди. У чарчоқнинг зўридан ухлар, аслида буни уйқу деб бўлмасди.

* * *

Марямнинг айтганлари тўғри чиқди. Буни ҳаммасини Малика судда ўз кўзи билан кўрди, ўз қулоқлари билан эшитди. Панжара ичида ўтирган Собитжонни кўриб, аламдан «дод» деб бақириб юборишига оз қолди. Собитжонга пул нимага кераклигини фақат Маликагина биларди. Балки, яна кимларнингдир бундан хабари бордир. Лекин бу ерда, судда бу ҳақда ҳеч ким оғиз очмади. Собитжоннинг энаси зор-қақшаб йиғлаб ўтирди. Дадаси бошини кўтаролмади. Шу икки соатлик суд мобайнида Маликанинг сочларига оқ тушди. Собитжон унга жуда кўп қаради. Илтижоли қаради. Умид билан қаради. Мени кутгин дея қаради. Малика ҳаёлан уни кутишга қасам ичди. Суд Собитжонни уч йил озодликдан маҳрум қилди. Малика уч йил кутишга қасам ичди. Шунинг учун орадан бир ҳафта ўтиб, Собитжондан келган хатга жавобан, қуйидаги мактубни ёзди:

«Азизим, Собитжон!»

Бошимизга тушган бундай кўргуликни кўргандан кўра, кўзим кўр бўлгани яхши эди. Лекин нима қилайлик, одамнинг боши тошдан экан, бошга тушганни кўз кўраверар экан. Аввало бу фалокатга чидай олмасам керак деб ўйлагандим. Лекин мана, ўлиб қолганим йўқ. Кун ўтишини пойлаб ётибман. Шунинг учун вақт ўзи ҳакам дер эканлар-да. Сиз мендан, кутишимни сўраб ёзибсиз. Албатта, сизни интизорлик билан кутаман. Мен учун шунча фалокатларга йўлиқдингиз. Буларнинг ҳаммасини фидойилик деб биламан. Мен сизни севаман. Сизнинг асирингиз, Сизнинг севгингизнинг бир умрлик маҳбусаси, Малика».

Малика тилида ҳеч қачон иқрор бўлмаган муҳаббатга мактубида иқрор бўлди. Вазият шуни тақозо қиларди.

* * *

Қосимхон туну кун Шухрат Аҳадовичдан қандай қилиб ўч олиш мумкинлиги ҳақида ўйларди. Рашк ўти бутун танасини кемирар, мулоҳаза қилишга йўл қўймасди.

Ўшанда жаҳл билан уйдан чиқиб кетди-ю, бир-икки кундан сўнг, ҳеч бир оғайниси, ҳеч бир қариндошининг уйига сиғмаслигини тушунди. Кейин ижарага уй топиб, ўрнашиб олди. Ичкиликка ружу қўйди. Дўсти Раҳимга кўнглини ёрди.

— Балки, айб ўзингдадир — деди Раҳим, Қосимхоннинг кўнглига ботмайдиган қилиб — Малика нима учун сени ёмон кўриб қолди. Сен, Шухрат Аҳадовичдан ўч

олган тақдирингда ҳам Малика яна сени яхши кўриб қолишига ишонасанми? Балки, яна бошқасини яхши кўриб қолар. Кейин нима қиласан, ундан ҳам ўч оласанми? Ҳозирги замонда бировни бир чертсанг, сени қаерга ўтқизиб қўйишларини яхши биласан. Сен у ерда, битингни териб ўтирганингда, Малика маишат қилиб юрган бўлади. Шунинг учун авваламбор Маликанинг кўнглини топ.

— Малика мени севади. Мен унинг қонуний эриман. Малика мендан бошқасини яхши кўришини тасаввур ҳам қилолмайман. Мендан зўрини икки дунёда тополмайди.

— Топибди-ку?

— У алдаб юрибди. Яхши гаплар билан лақиллатяпти. Ниятига етгач, ташлаб кетади. Лекин у Малика билан ётадиган бўлса, Малика менга ҳеч қачон керак эмас. Уни қўйвораман.

— Ўғлингни ўйла. Маликанинг олдига бор. Узр сўра. Энди мен қилган хатолар қайтарилмайди, де. Тинчгина, осуда ҳаёт кечирайлик де, юпат.

— Мен у топган ўйнашдан ўч олмай қўймайман. Қасдимни олганимдан сўнг, Маликанинг ўзи келиб, кечирим сўрайди.

— Агар келмаса-чи? — Раҳимнинг сўз оҳангида Қосимхонга ғамхўрлик, ёнбосиш бор эди.

— Агар келмаса, Маликадан ҳам ўч оламан.

* * *

Шуҳрат Аҳадовичнинг кайфияти чоғ эди. Қўлида «Нексия»нинг калити ўйнар экан, Маликанинг ишхонадан чиқишини пойлаб турарди. Ниҳоят, ўзига оро бериб, қадмини бир-бир босганча йўлакда Малика пайдо бўлди.

— Маликахон, бу сизга совға.

— Нима бу?

— Бу «Нексия»нинг калити.

— Менгами?

— Сизга!

— Вой, раҳмат! — Малика катта кўчада, таниш-билишларнинг ўтган кетганига қарамай Шуҳрат Аҳадовичнинг бўйнига осилиб, юз-кўзидан ўпа бошлади. Шуҳрат Аҳадович ҳам худди шундай бўлиши керакдай Маликанинг белидан кучоқлаб, даст кўтарди-да, бир айлантириб ерга қўйди: — Сизга шу нарсани совға қилаётганим учун беҳад хурсандман. Худога шукур, шундай кунларга етказганига шукур.

— Вой, мен ҳайдашни билмайман-ку. Фақат институт-

да ўқиб юрган пайтларим, дадамнинг «Жигули»сини ҳайдаганман.

— Бўпти-да, бу унчалик қийин эмас. Орасида фарқи кам, ўрганиб кетасиз.

— Машинани қаердан олдинг, деб сўраганларга нима дейман?

— Лотереядан ютдим дейсиз, тамом вассалом.

— Ҳа, жуда ҳам ишонишади-да.

— Ишонмаса, кўникиб кетишар.

— Кўникишмаса-чи?

— Ўзларига қийин.

— Эримга-чи, эримга нима дейман.

— Эрингиз билан ажрашинг, энди у одам бўлмайди. Ўзим сизни хотин қилиб оламан.

У ажрашиб бўпти. Кейин, жа-а индамай кетаверадиганлардан эмас.

— Индамай кетмаса, гапириб кетсин. Менга фарқи йўқ!

— Суд аризамизни қабул қилмаса-чи?

— Мен айтаман, қабул қилади.

— Ажрашиб кетсам, қандай яхши бўларди-а! Ҳеч қачон афсусланмасдим. Агар эсон-омон ажрашиб олсам, халққа кўй сўйиб, худойи қилиб берардим.

— Худойининг каттасини тўйда қиламиз.

Шуҳрат Аҳадович Маликани қизил «Нексия»га ўтқазди.

* * *

— Нима, бошингда эринг тирик туриб, уни машинага алмаштириб юбордингми? — Марямнинг жаҳли чиқиб кетди: — Эртага кўрса нима дейди?

— Кўрса кўрар. — Малика қилган ишидан пушаймон эмасди: — Ўзи ўн беш кундан бери йўқ-ку, арвоҳидан сўрайми?

— Ўзи бўлса, бўлмаса эр. Ҳали жавобингни бермаган. Қонуний никоҳидасан. Қолаверса у лаллайиб, сени бу қилмишинг учун кечириб қўядиганлардан эмас.

— Нима, мен кечириб қўяманми? Кечаси, ҳатто уйимгача ўйнашларини етаклаб келса. Беш йил чўридай хизматини қилдим. Оиласини оила ўрнида кўрмаса, боласини бола ўрнида кўрмаса, кийишга кийим тугул, ейишга нон тополмай ўтирардик. Биздан кўнгли совиб, қўлтиғига урганига анча бўлган. Энди мен, ишга кириб рўзғор тебратишни бошлагандан кейин қиладиган ғамхўрлиги ўзига сийлов.

— Жуда ҳаддингдан ошма. Оладиган ойлигинг кўзингга тоғ бўлиб кўринмасин. Агар ойлик эрдан яхши бўладиган бўлса, хотин зоти эр тутиб ўтирмасди. Оиланинг бутунлиги, ҳар қандай мол-дунёдан устун туради. Чунки мол-дунё топиладиган нарса. Аммо оила бир бузилса, уни бутлаб бўлмайди. Агар оилам десанг, ҳозироқ бор-да, машинани қайтариб бер.

— Машинасини нега олдим, биласанми? Чунки уни яхши кўриб қолдим.

— Ёлғон, ўзингни алдама Малика, — Марямнинг даҳшатдан кўзлари олайиб кетди: — Ахир кечагина Собитжонга севаман демаганмидинг.

— Собитжонни яхши кўрар эдим. Агар, унинг уйи бўлганида, унга тегардим ҳам. Энди, бир кун бўлсин, яхши яшайман деб, ўзим яхши ҳаёт учун, унинг ҳар бир дақиқаси учун жонимни гаровга қўйсам-у, энди уни уч йил кутиш зарур кептими?

— Бўлмаса, севаман деб катта кетма.

— Нима дей?

— Шухрат Аҳадовичга ўйнаш бўлиб қолдим, бу ёғи сал бузуқчилик деб қўя қол.

— Йўқ, бу сен айтганчалик, жа-а унақа бузуқчилик эмас. Севгига ўхшайдиган нимадир бор. Агар мен, ЗАГСга бориб, никоҳимни бекор қилдирсам, у менга уй ҳам олиб беради. Қонуний иккинчи хотини бўлволаман. Ким менга нима дейди?

— Қосимхонни ҳам Лайли-Мажнун бўлиб севгандингку. Агар у эртага машина олиб берса, қайтиб келасанми?

— Бу ишнинг яқин ўртада бўлиши гумон. Мен эса, ойнинг тўлишини кутяпман. Агар, фолбиннинг шу гапларидан эсон-омон ўтиб олсам, элга ош тарқатиб, худойи қиламан.

Маликанинг сўнгги сўзларида изтироб аралаш қўрқув бор эди.

— Ўтиб бўпсан. — Марям важохат билан унга ўтирилди: — сен албатта дўзахга тушасан. Ўйлаб кўрсам, кампир сени ўлишингни эмас, дўзахга тушишингни башорат қилган экан. Сен шунчаки, дўзахи бўлиб тирик юраверасан. Қачон ажалинг етса, дўзахга тушасан.

— Ростданми, мен ҳали ўлмайманми?

— Ростдан. Янаям билмадим.

— Жон, дугонажон ҳали ўлмайсан де!

— Ўлмайсан-у, лекин дўзахи бўлиш ундан ёмон.

— Энди у, Худонинг ишлари. Яхши яшаб кетсам, балки жаннатга тушарман. Тирик қолсам бўлди.

— Бўпти, мен кетдим. Янаям ўйлаб кўр. Қосимхонни ўйла. Санжарни ўйла. Оилангни, маҳалла-қўйни ўйла. Узоқни ўйлаб иш қил. Мен эса, сенинг ҳар доимги, яхши-ёмон кунингдаги содиқ дугонангман, хайр.

Марям, узоқ хайрлашмай, Маликанинг уйидан чиқиб кетди.

* * *

Ўша кунлари Маликанинг уйи шодиёнага тўла эди. Ҳамма келиб, Маликани «тойчоқ» билан муборакбод этар, топган кимхоб бахмал, гилам, топмаган шойи белбоғ ташлаб, машина устига ёпарди. Малика, шундай шодиёна устида жилла-қурса, онасига Шухрат Аҳадович ҳақида гапиргиси келар, лекин байрам бошқача тус олиб кетишидан чўчирди. Бу байрамларда Қосимхоннинг қораси кўринмасди. Малика унинг келишини истамас, уни яхши кўрмайман деб, ўзини қаттиқ ишонтирмоқчи бўлар, лекин етарлича нафрат билан қарай олмасди. Бу эса кўнгил ришталари ҳали узил-кесил узилиб кетмаганидан далолат берар эди. Унинг бир хаёли Қосимхоннинг ҳам мана шу танталарда иштирок этиб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолиши, Маликадан кечирим сўраб, сенинг қадрингга етмаган мен тентак деб, тиз чўкиши, кейин Малика уни ҳайдаб юбориши, у эса вой-дод кетмайман деб, ҳамма томонга жар солишини кўриш, кейин уни ўзи истаманган ҳолда кечирishi хаёлининг бир четида турар эди.

* * *

Ўша кунлари Малика Собитжондан хат олди. Хатни ҳаммадан яшириб ўқимоқчи бўлди. Уйда ҳеч ким бўлма-са-да, ётоқхонанинг эшигини ёпиб, титроқ қўллари билан конвертни йиртди.

«Азизам Малика!

Салом! Аввалари жуда ёш бола эканман. ҳаётнинг тескари тарафи борлигини ҳеч ўйламаган эканман. Катта, ёруғ йўлда кетаётиб, бирдан чуқурга тушиб қолгандай, дунёнинг бундай қалтис ўйинларидан юрагим зирқирайди. Бу ерда аёллар ҳақида жуда ёмон гап айтишади. Лекин мен озодликда юрганимда сизни янада кўпроқ севмаганимга афсусланаман. Нега бепарво юрганман, нега ёнингизга кўпроқ бормаганман, нега ҳар бир кунимни фақат сиз билан ўтказмаганман. Мана шу хаёллар мени қийнайди. Албатта, катта хато қилдим. Сизни ҳам, ота-онамни ҳам юзини ерга

қаратдим. Бундай бўлишини истамагандим. Лекин, минг афсуски, фалокат оёқ остида экан. Агар кутсангиз, сизни бир умр бахтли қилишга қасам ичардим. Фақат сиз учун яшаган бўлардим. Энди уй олсак, ҳалол топган пулимизга оламиз. Мен учун оддийгина яшашнинг ўзи олий неъмат эканлигини тушуниб етдим. Бориға шукур қилганимда бундай абгор ҳолатга тушмаган бўлардим. Сизни севиб, жавоб хатини интизорлик билан кутиб қолувчи Собитжон».

* * *

Малика, шу пайтгача бунчалар гўзаллик тўла осмонни кўрмаганига ҳайрон эди. Булутлар шамолдай елишар, гумбаздай қоп-қора осмонда ой сузиб юарди.

* * *

Қосимхон Маликанинг машина олганини эшитди. Бу унинг нафратини баттар алангалатиб юборди. Энди у айб Шухрат Аҳадовичда эканлигини яққол кўрди. Маликанинг унга хиёнат қилганлигини англаб етди. Машина уларнинг орасидаги муносабат қай даражада эканлигини очиқ-ойдин ошқора этди. Токи бу машина бор экан, Маликага шунчаки етолмаслигини, шунчаки уйига кириб боролмаслигини очиқ-ойдин тушуниб турар эди. Қосимхон энди Маликадан ўч оладиган бўлса, Маликага мана шундай тухфалар қилолмагани учун, аламдан ўч олаётгандай бўлиб чиқарди. Лекин Малика олмайман деса, Шухрат Аҳадович машинани зўрлаб бермасди-ку. Демак, Маликанинг Қосимхонга бўлган муносабати ўзгарган. Айб кимда, Қосимхондами?

Қосимхон уйда ётган Бухоро амирининг қиличини эслади. Энди бундай чигалликнинг ичидан ҳақиқатни топиб бўлмайди. Ҳақиқатни мана шу қилич топади. Қосимхон шу ҳақиқатни топмас экан, ер юзида яшашга жой қолмади. Бундай шармандалик билан яшагандан яшамаган, бош кўтариб юрмаган афзал. Ер юзида бирорта аёл энди Малика бўлолмайди. Маликага аччиқ қилиб, мингта аёлга уйланса ҳам, мингтаси Маликага тенг келолмайди. Малика ё фақат уники бўлиши керак, ё ҳеч кимники. Бу дунё одамлари бошқача мулоҳазани тан олмайди.

* * *

Шухрат Аҳадович Маликани кучоқлар экан: Менга вафодор ёр бўласанми — дея ваъдасини олмоқчи бўлар эди.

— Сен, чиройли қизсан Малика, албатта ошиқларинг

кўп бўлади. Сенга гап отувчилар, сени севувчилар кўп бўлади. Мен эса инжиқ одамман. Хотиним хиёнат қилишини кўтаролмайман. Шунинг учун менга сўз бер. Сиздан бошқага қарасам, кўзларим тешилсин де. Сиздан бошқани сўзласам тилларим кесилсин де. Агар айтгинг келмаса, айтма. Агар ўзингга ишонмасанг, айтма. Фақат менга хотин бўлишдан олдин ўйлаб кўр. Йўқ, сизга фақат ўйнаш бўламан десанг ҳам, ўзинг биласан. Мана, машинани миниб юравер. Уйингга ҳамма керакли нарсаларни етказиб бериб тураман. Алоҳида-алоҳида бўлса ҳам яшаб юраверамиз. Бир-биримизга муҳаббатимиз тугаган куни ажралиб кетаверамиз. Мен сиздан ҳеч нарсани талаб қилмайман. Ахир кўнгилга буйруқ бериб бўлмайди-ку. Фақат менга хотин бўлишдан аввал чуқур ўйлаб кўр. Хотинликнинг йўриғи бошқа.

— Шуҳрат ака, мен эртагаёқ Қосимхонни излаб топаман. Ажралиш тўғрисида ариза ёзишга уни кўндираман. Мен энди у билан яшашни истамайман. Ундан нафратланаман. Фақат судга бир оғиз айтиб қўйсангиз бўлди. Бизнинг аризамизни пайсалга солмай, тезроқ биткизиб беришсин. Кейин мен бутунлай сизники бўламан. Фақат сизни деб яшайман. Сизни севиб яшайман.

— Малика, мени алдама!

— Шуҳрат ака, мен яхши яшашим керак. Ўғлим ҳам сизни ота дейди. Истасангиз, тўй қиламиз. Жуда катта тўй. Истасангиз, мана шу ҳафтадаёқ. Ой охирига етмасдан. Бир оғиз нима десангиз, мен барига тайёрман.

— Майли, ишондим. Аввал эринг билан муносабатларни бир ёқли қилиб олайлик, кейин тўй қиламиз. Никоҳ ўқитамиз. Қуръонга қўлингни қўйиб, ҳеч қачон хиёнат қилмаслик ҳақида қасам ичасан.

— Хўп, Шуҳрат ака, хўп. — Маликанинг кўзлари қувончдан чақнаб кетди.

* * *

Малика Қосимхондан ажралиш тўғрисидаги аризани осонликча ололмаслигини яхши биларди. Шунинг учун дастлаб унинг ишхонасига телефон қилди. Гўшакни кўтарган Қосимхон ўзига таниш, умрининг бир бўлагига айланиб кетган овозни эшитиб, қалтираб кетди.

— Яхшимисиз, Қосимхон ака!

— Ҳа, Малика нечук?

— Мен бошқа одамга эрга тегаяпман. Судга ажралиш тўғрисида ариза берсак. Илтимос, шу аризани бугуноқ берсак дегандим.

— Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Нега бунчалик тез. Нега фикр ҳам сўрамаяпсан.

— Энди фикрингизнинг қизиғи йўқ.

— Бас қил. Менинг кўядиган хотиним йўқ. Сен мени яхши кўришингни унутиб қўйяпсан.

— Мен сизни аллақачон унутиб бўлганман. Хиёнат қилганимга ҳам кўп бўлди.

— Ўчир!

Малика телефоннинг қўйиб қўйилган овозини эшитди. Сўнгра, бир нафас ўйланиб турди-да, Қосимхоннинг бошлиғига кўнғироқ қила бошлади.

* * *

Аризани ёздириб олиш бир ҳафтага чўзилиб кетди. Ой охирлаётганди. Тўй кунини белгилашга улгура олишмади. Малика ой тўлишган сари юрагидаги ваҳима улғайиб, кичкинагина бўлса-да, шу кунларнинг ичида тўйни ўтказиб юбориш тараддудида эди. Ўйлаб қараса, тўйни кичкина қилишнинг сира ҳам иложи йўқ экан. Камида юз-юз эллик одамни айтиш шарт экан.

Суд ажрим қоғозини берганда Малика жуда хурсанд бўлди. Талоғини ҳам сўрамоқчи эди, ўзи нима-ю, берган талоғи нима бўлар эди деб, индамай қўя қолди. Шухрат Аҳадович янги уй олиб бераман деб ваъда қилганди, ҳали янги уй ҳам излаш керак.

Малика янги сарполар сотиб олди. Санжарни кийинтирди. Уйини муборак бўлсинга келувчилар учун янги услубда таъмирлади. У худди қанот чиқазгандек учиб юарди. Ишхонада ҳам қўли-қўлга, оёғи ерга тегмасди. Уни кўрганлар табриклашар, у яқинда тўйимиз бўлади, ҳаммангизни таклиф қиламан дея, шодлигини баҳам кўрмоқчи бўларди.

* * *

Ойнинг энг сўнгги куни Малика Шухрат Аҳадовични уйига тунаб қолишга таклиф қилди. Ой тўғрисидаги гаплардан Шухрат Аҳадовичнинг хабари йўқ эди. Зеро, фолбиннинг гапи бўйича бу тун Маликанинг ҳаётидаги сўнгги тун бўлиши керак эди. Ой ўша тун осмонда жуда тез кўздан ғойиб бўлди. Бирпасда ҳаммаёқни қоронғулик қоплаб олди. Барибир Маликанинг кўзига уйқу келмади. Шухрат Аҳадович билан гаплашиб ўтириб, тонг отиб қолганини ҳам билмади. Тун худди бир дақиқадай ўтиб кетган эди. Малика тонг отганини кўриб, устидан оғир юк ағдарилгандай тош қотиб ухлаб қолди.

* * *

Малика бир-икки кундан сўнг ваҳимадан халос бўлди. Шухрат Аҳадович икки кеча қолди-да, сўнг ўз уйига кетди. Бугун янги ой чиқиши керак эди. Унинг жуда ингичка бўлиб чиққанини кўрган Малика ўзининг янги ҳаётини бошлашидан дарак берувчи, ўз ҳаётида янги давр бошланишидан дарак бериб келган ҳилолни кўриб, янада суюниб кетди. Лекин шу билан бирга дилига маҳзун бир кайфият ўрнашиб қолди. «Нега Собитжонни йўлдан қайтармадим. Ёш боланинг абгор бўлиб кетишига нега сабабчи бўлдим. Унинг юрагини қиздирмаганимда, бу балоларга йўлиқмасди-ку» — деб ўйлай бошлади: «Нега Шухрат Аҳадовичга бу қадар қаттиқ ёпишиб олдим. Нега севаман деб ёлғон ваъдалар бердим. Нега оиламни буздим. Агар Қосимхон ҳозир кечирим сўраб келса, кечираманми? Агар Шухрат Аҳадович эртага амалидан кетса, мен ким бўлиб қоламан. Яна бошқани севиб қолмаслигимга ким кафолат бера олади? Шундай экан, нега ҳаммани алдаб юрибман. Эртага Санжар катта бўлса, унга нима дейман? Абгор бўлган ҳаётим, кечир мени. Мен сени рисоладагидай бошқара олмадим. Кечир мени, Қосимхон! Мен сенга хотин бўла олмадим. Онажон кечиринг. Мен учун чеккан азиятларингизга арзимас бўлиб чиқдим.

Кечир мени Марям. Сен мени дўст дегандинг, дўст бўлиб дўстлигингга лойиқ бўла олмадим. Эҳ, Художон, мен гуноҳкорни кечир.

Умр берган экансан минг қатла шукур. Яхши-ёмон кунларим учун баридан миннатдорман. Бахтли кунларим ҳам кўп бўлди. Саодатли дамларим ҳам кўп бўлди. Барибариси учун сендан миннатдорман. Яна бир марта ёлвориб сўрайман, кечир мени Художон!»

Малика деразадан ойга маҳлиё бўлиб турар экан, қўнғироқ жиринглаганидан чўчиб тушди. Ким экан? Она-сими? Марямми? Шухрат Аҳадовичми? Хаёлига ҳеч бир ёмон фикр келмай, югуриб бориб эшик зулфини бўшатди. Ташқарида Қосимхон турар эди.

Малика эсанкираб ортга чекинди.

— Келинг!

— Мана, мен келдим!

Қосимхоннинг қўлида Амир Олимхон даврида қолган қилич ялтирарди. У ичкарига кириб эшикни беркитди...

МЕНИ КЕЧИР, МУКЕШ!

(Ҳиндистон хотиралари)



Самолётимиз Деҳли шаҳрига қўнганида ҳаво очиқ, ҳарорат 27-30 даража иссиқ эди. Деҳли кўчалари ям-яшил дарахтларга бурканган, кўча бўйларида эринчоқ маймунлар галаси тамшаниб, ўтган-кетганларни томоша қилиб ўтиришарди. Бизни кутиб олишга чиққан ҳинд дўстларимиз, бўйнимизга шода-шода мойчечаклар гулдастасини осишди. Уларнинг хушбўй ва муаттар ҳиди димоғимизга урилиб, беихтиёр ҳинд киноларини ёдимизга туширди.

Дарҳақиқат, кўнглимда туғилган биринчи савол

ҳам шундай эди: — Ҳиндистондаги ҳаёт, ҳинд киноларидагига ўхшайдими?

Гуруҳимизни шаҳар марказидаги меҳмонхоналардан бирига жойлаштиришди. Эрта тонгда балкондан шаҳарни томоша қилар эканман, бу ер 10 млн. аҳоли яшайдиган шаҳар эмас, қуюқ ўрмонзорга ўхшашини кўрдим. Албатта, Ҳиндистоннинг Деҳлидан кўра аҳоли кўп яшайдиган шаҳарлари ҳам бор. Масалан, Бомбейда 13 млн. Калкуттада, 12 млн. аҳоли яшайди. Ҳиндистонда 25 та миллионер шаҳар бор. Умуман олганда, Ҳиндистонда 4 мингдан ортиқ шаҳар бўлиб, жами мамлакат аҳолисининг 26 фоизи шаҳарда истиқомат қилади.

Меҳмонхона атрофи катта гулзор бўлиб, турли ва ранг-баранг гуллар чамани гиламдай қопланиб ётар, балкондан туриб бу манзарани томоша қилар эканман, ҳинд киноларидаги гуллар водийси ёдимга тушиб, уларни тасвирга тушира бошладим.

Айтишларича, Ҳиндистонда бир соатда 4 млн. дона

гул ҳада этилар, ёинки уйлар, меҳмонхоналарни безаш учун узилар экан.

Бир кун меҳмонхона деворига тақаб қурилган қападан бир болакай имлаб мени чақираётганига кўзим тушди. Ўтибор берсам, у турли ўйинлар кўрсатмоқчи ва уларни тасвирга туширишим мумкинлигини имо-ишоралари орқали тушунтирмоқчи бўляпти.

«Дайди» фильмидаги болакай ёдингиздами, ёинки «Зита ва Гита» фильмидаги қизалоқни эслайсизми? Уларнинг кийими, ногора чалиши, дорда ўйнаши, ҳайратлантирувчи жисмоний машқлари худди мана шу болакайни эслатар ва уларнинг оиласи суратга олингандай эди. Шаҳарда бундай болакайлар ва бундай оилалар минглаб учарди.

Уларни тасвирга туширар эканман, болакай билан ҳам танишиб олдим. Исми Мукеш экан.

Болакай, ҳар гал меҳмонхонага келганимда ёки кетаётганимда қўл кўтарар, «Мистер, янги ўйинларимдан кўрсатайми?» дея сўрарди. Мен унга 10 рупий узатар ва тасвирга олишни бошқа кунга қолдирардим.

Ҳиндистон аҳолиси кейинги 100 йил ичида 240 млн. дан 1 млрд. кишига кўпайди. Аҳолининг 80 фоизи индуизм динига мансуб. 140 млн. мусулмон яшайди. Бу ерда бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг сулоласи 350 йил мобайнида ҳукмронлик қилган.

Ҳозирги вақтда Ҳиндистон чой, шакар, ерёнғоқ, мурч етиштириш бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради. Ҳиндистонда 200 млн. бош қорамол бўлиб, бу жиҳатдан ҳам у жаҳонда биринчи ўринда туради. Лекин, ҳинд халқи жон бошига бир йилда атиги 1,5 кг гўшт, 1 кг қорамол ёғи, 55 литр сут, 24 дона тухум истеъмол қилади, холос.

Ҳиндистонда 30 дан ортиқ машина ишлаб чиқарувчи заводлар ишлаб турсада, кўчаларда асосан, велосипедлар, мотоцикллар, рикшаларни кўриш мумкин. «Бобби» фильмидаги Чопра минган рикша ёдингиздами? Ёинки, Раджу Боббининг ортидан излаб, миниб кетган автобусчи? Ҳа, Ҳиндистонга келиб, ўз болалигингизни хотирлай бошлайсиз.

Ҳиндлар ҳам ўз киноларини севишармикан, деган хаёлда бир куни кинога тушдим. Кинотеатрда одам гавжум, чипта нархлари осмонда. Шохруххон ижросидаги янги фильмни томоша қилар эканман, бир неча қатор олдинда йиғлаб ўтирган Мукешга кўзим тушди. У кинога бери-

либ кетган, чақиримга ҳам қулоқ солмасди. Кино тугагандагина ёнимга чақириб олдим.

— Нима, сен ҳам бировни яхши кўриб қолганми-сан? — дедим ярим ҳазил, ярим чин аралаш.

У менинг таажжубимга жавобан, тасдиқловчи равишда бошини қимирлатди.

— Кимни?

— Кўрсатайми?

Мен, «Ҳа» — дедим ва:

— Нима, у сенга рад жавобини бердими? — дедим.

— Ҳа — деди у.

— Мен ўзим айтиб қўяман, сен яхши бола экансан, «йўқ» демайди — дедим.

Мукеш кинотеатрдан чиқаётган одамларни кўриб, тиланчилиги эсига тушиб кетди шекилли, кетишга шайланди.

Қизиқ, кинога чипта олиш учун у неча кун тайёрланди экан? Умуман, тиланчининг кинога тушиши ғайритабиийми ёки оддий ҳолми?

Шундан сўнг, меҳмонхона эшиги олдида ҳар тонг Мукеш мени пойлаб турадиган, яхши кўрадиган қизининг ёнига олиб боришини тайинлайдиган бўлиб қолди. Гўёки, мен бориб, Мукеш севиб қолганлигини айтсам, у қиз кўнадигандай эди. Лекин, мен қизнинг олдида боришни ҳар гал кейинга сураб, албатта боришимни, Мукешнинг кўнгил изҳорларини етказишимни ваъда берардим. Мен, ярим яланғоч бу болакайнинг қалби ниҳоятда тозалигига аллақачон иқдор бўлгандим. Авлиё Махатма Ганди ҳам, ярим яланғоч кийимда қалбининг тозалиги, тафаккурининг буюклиги билан миллиардлаб одамларни ўз ортидан эргаштирмаганмиди? Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Ананд ҳам, чемпионлик тожини кийиш учун ФИДЕ минбарида чиққанида оёқяланг эмасмиди? Нобель мукофоти лауреати Рабиндранат Тагор ҳам оилада ўн тўртинчи фарзанд бўлиб туғилган ва кейинчалик Шантиникетонда университет ташкил қилганида, ярим-яланғоч болаларни талаба қилиб олмаганмиди?

Ҳиндистон бугунги кунда ўз ядро қуролига эга қудратли давлатлардан бири. Фазода ўзининг бир қанча сунъий йўлдошлари бор. Компьютер ишлаб чиқариш бўйича ҳам у дунёда биринчи ўринларда туради.

Ҳиндистон дунё бўйлаб, бетарафлик ва тинчлик сиёсатини ишлаб чиққан ва бугунги кунга келиб ўз атрофига 120 давлатни бирлаштирган энг буюк мамлакатлардан ҳисобланади.

Ҳиндистон билан хайрлашар эканмиз, буюк бобомиз қуриб кетган Тожмаҳал яна қалбимизга ғурур ва ифтихор туйғуларини солди. Дунёда бобомиз сингари ўз севгилисига мана шундай буюк ёдгорлик қолдирган яна бир инсон борми? Ўзининг буюк муҳаббатига боқий тимсол ўрнатган, муҳаббатнинг мангулик қасрини қуриб, улуг'лай олган, Ўзбекнинг муҳаббати абадул-абад яшашини кўрсата олган яна ким бор? Ўзбекнинг қалбини, ўзбекнинг муҳаббатини, ўзбекнинг буюклигини Тожмаҳал тимсолида қайта-қайта кўриб, ким ҳайратга тушмайди, ким тасанно айтмайди.

Деҳли аэропорти одамлар билан гавжум. Бу ерга бутун дунёдан оқиб келаётган турли хил миллат ва элат вакиллари оқ, сариқ, қизил, қора танли одамларни кўриш мумкин. Улар Ҳиндистонни кўриш учун, аминманки, кўпчилиги Тожмаҳални кўриш учун келаётган, ёинки зиёратлари тугаб қайтишаётган сайёҳлар эди.

Мен ҳам кинода кўрганларимни ўз қўлларим билан тасвирга туширганимдан, Ҳиндистондаги ҳаёт, ҳинд киноларидаги ҳаёт билан бир хиллигига амин бўлганимдан, хурсанд эдим.

Бир пайт аэропорт ойнасини қаттиқ-қаттиқ уриб, мени чақираётган Мукешни кўриб қолдим. У мени имлаб чақирди-да, бақириб сўроққа тута бошлади:

— Қачон у қизга мен ҳақимда айтасан, мен билан нега хайрлашмай кетаяпсан, унинг олдига борамиз деб ваъда бергандинг-ку?!

Мен нима дейишни билмай қолдим. Мукешнинг кўзидан дув-дув ёш тўкила бошлади:

— Ахир бориб айтаман, дегандинг-ку?

— Нима, у менинг гапимга киради деб ўйлайсанми?

— Билмадим. Ўзим айтолмасам нима қилай?

— Мен янаги сафар келганимда анча катта бўлиб қола-сан, балки ўшанда айтармиз.

— Фақат мени алдаб кетма. Келишингни интиқиб ку-таман.

— Хайр, Мукеш. Албатта кўришамиз.

Микрофондан, Деҳли — Тошкент йўналиши бўйича йўловчиларни рўйхатдан ўтишларини сўраб, чорлай бош-лашди. Мукеш билан шу ерда хайрлашдик. Хайр, Мукеш! Хайр, Ҳиндистон!

ТАСОДИФ ЎЙИНИ

Ҳикоя

Кун қизиб кетди. Жазирама иссиқда, аксига олиб, анча юришга тўғри келди. Қон томирларим бўртиб, юрагим гурсиллаб ура бошлади. Ётоқхона зинапояларига илдам чиқиб, эшик тутқичига ёпишаман. Юзимга салқин ҳаво урилишидан аввал, йўлакдаги диванда ястаниб ўтирган қизларга кўзим тушди. Индамасдан ўтиб кетарканман, уларнинг кўнгилхушлик истовчи умидвор нигоҳлари бўйнимга чиппа ёпишиб олганлигини пайқадим. Улар ўғил болалар яшайдиган ишчилар ётоқхонасига айшу ишрат иштиёқида келишарди.

Кроватга ўзимни таппа ташлар эканман, уларнинг кўзларидаги интиқлик тийиқсиз истакларимни алангалат бошлади.

Ўзимни чалғитиш, эс-ҳушимни йиғиб олиш учун ёстим остида турган дафтаримнинг дуч келган жойидан ўқий бошладим.

Кундалиқда қуйидагилар ёзилган эди:

1 октябрь 1985 йил.

«Осмон, бир оз муддатлик ёмғирдан сўнг, ювилган шишадай ярқираб қолди. Ҳаво енгиллашди. Олисдаги музсимон чўққилар ёнгинамизга келиб олди. Жунжиктирувчи совуқ чиллашир оёқчаларини суякка теккизади.

Ана, Сайёра рўмолини ечиб, тўзгиган сочларини қайтадан турмакляпти. Шамол у тишлаб олган рўмолни ўйноқлайди.

Болалар пахтасини топшириб, йўл ёқасига олов ёқишди. Ғўзапоя хиёл ўтмай, қип-қизил чўғга айланди.

Чўғ шабада эсганида алвон марвариддай товланарди. Мен Сайёра келиб, исинармикан деб кутиб турдим. У келмади, ўзим эса чақира олмадим.

6 октябрь 1985 йил.

Кечки пайт уймалашиб овқатланаётган эдик, Шопўлат кичқириб қолди:

— Шу қиз олдимдан кўп ўтяпти, менда гапи бор-ов!

— Э, қатта, у аканг қарағайни қаратиш учун ўтяпти!

— Ўл-е, қўйсанг-чи, қўлингда қурт ўлмайди-ю!

— Мен учун! Гарров ўйнаймизми... — Мен жонҳолатда

бақриб юбордим. Кейин, сирим очилишидан ҳижолатда, ўзимни четга тортдим. Лекин кеч бўлган эди.

— Ўйнаймиз!

— Сайёра, тўхтанг. Битта гап... савол... Э-э...

— Нима гап?

Мен Сайёрани кўз остимга олиб юрар, бир-икки бор бир-биримизга қараб қўйганимизни инобатга олмаганда, сира гаплашмаган эдик. Ҳозир, тўппа-тўсатдан «Мен учун ўтдингизми» — дейишим ва голиблик даъво қилишим ақлга сиғмасди. Яхшиси...

— Сайёра,... э, яхшиси кейинроқ, бўлди, бас... болалар, Сайёра сизларга кейинроқ анигини айтади. Ҳозир эмас.

Мен, болаларни зўрга тинчитдим. Шопўлат эса мақтанишини қўймас эди.

Кечқурунги овқатдан сўнг шийпон атрофида катта гулхан ёқилди. Кимдир шеър ўқиди, кимдир қўшиқ айтди. Давра қизигандан қизиди. Бизнинг жўралар эса, мени етаклаб, Сайёранинг олдида судраб кетишди.

— Айт, ким учун ўтдинг?

— Ҳарқалай сизларнинг биронтангиз учун ўтганим йўқ. Мен завқ ва қўрқув аралаш орқага тисарилдим».

«9 октябрь 85 йил.

Бугун Сайёра билан биринчи бор холи гаплашдим.

— Одамлар ёнма-ён юраверади. Тақдир учраштирмаса бир-бирини танимайди. Бир марта олдинглардан ўтдим-у, балога қолдимми?

— Сизга зорлар қанча...

— Зорлар кўп, мардлар борми?

— Ҳа, аста-аста чиқиб қолар.

— Битта мард чиққунча, юзта номард йўлингни тўсади.

Мен ютиниб қўйдим. Ичимдан бир зориқиш ўтди. Мен, «бундай мард бор, бу — мен» дегандай қўлини кафтимга олиб, силаб қўйдим.

15 октябрь 85 йил.

Чошгоҳда Сайёрани курсдошларимдан бири расмга тушираётганини кўриб, жаҳлим чиқиб кетди. Юрагимда кучли бир қизғониш уйғонди. Аввал расмга туширади, кейин расмни чиқариб, томоша қилади. Ҳуснидан баҳраманд бўлади. Бу «меники» дейди.

— Ҳой, Тожи, олма уни расмга!

— Нега, ўзи айтяпти-ку!

— Туширма деяпман.

Сайёра олдимга келди.

— Айтинг, нега ундай деяпсиз?

— У ёмон бола. Сиз кулиб тушасиз. У менга жилмай-япти дейди. Келинг, шунақа ишларни пахта тутагач, Тошкентда қилайлик.

Сайёра кўнгандай бўлди. Кейин барибир мендан яшириб овлоқда расмга тушди. Қаттиқ аразлаб, ҳаммадан четда пахта тера бошладим.

Бир вақт, қарасам эгатим бошида Сайёра турибди.

— Соатингиз неча бўлди? — сўради у.

— Сизга қанақа вақт керак, — дедим мен.

— Кетиш.

— Кетиш вақтингиз бўлган.

— ...Қанча пахта тергансиз?

— Наҳот сизни фақат пахтамининг оғир-енгиллиги қизиқтирса?

— Ховос бизга яқинми?

— Масофаси яқин, ораси узоқ — дейман мен. У кулади. Яна савол берармикин?

— Булутлар қаердан келади?

— Ошиқнинг қошу қовоғидан! Бу сафар ўрнимга курсдошим жавоб берди. Бировнинг қулоғи... аралашганини қаранг.

— Кўпроқ расмга тушинг! — деб ўрнимдан турдим-да, кета бошладим.

— Фуфайкангиз қолди.

— Сизга.

— Эй, Сайёра, булар фақат фуфайкасини, фартуғини, шапкасини қолдиради, ўзини эмас, — деб ҳиринглаб кулди курсдошим.

Бу кечинмалар тун бўйи қулоғим остида жаранглади. Шунинг учун кундаликка ўз ҳолича ёздим-қўйдим.

21 октябрь 85 йил.

Номозшомда дугонаси иккаласи бизга атай эшитиларли қилиб, қўшни баракка бориш-бормаслик режасини туза бошлади. Шопўлат билан кўз қисишдик-да, олдиларига бориб, кийимларимизни тўғрилайвердик.

— Йўл бўлсин, Маҳмуд ака.

— Ўзимиз, бир айланиб келайлик!

— Физматнинг бараги қаёқда?

— Ҳа, мен биламан (ёлғон) — деди Шопўлат.

— Биз билмаймиз (ёлғон)! Биз билан бормайсизларми?

Шарифа ўзини адашиб қолишдан қўрқаётгандай тутадди. Сайёра эса: — Э, бормасаммикан — дея нозланади.

Шарифа унинг қулоғига мастонавор пичирлайди. Афтидан, «Шундай чиройли кўйлагимни бердим-ку, буларнинг кўзини бир куйдириб қўймайсанми» — деди.

Физматнинг барағи жуда узоқ экан. Боришга бордигу, қайтиш йўли роса чўзилди.

Шопўлат билан Шарифа тез-тез юриб, бизни ташлаб кетди. Биз эса оғзимизга нима келса, тинмай гапирардик. Ҳатто шеър тўқирдик:

— Йўлнинг усти чанг, юрибмиз аранг, суясин аканг, демайсизми хўп, бўлмаса бир... Қофияси сиздан-да, энди.

— дейман бахтиёрлик билан.

— Ҳозир мен ўлиб қолсам,

Сув пари бўлиб олсам — дейди Сайёра.

— Ойга қаранг қорақош,

Ой, сувдаги оппоқ тош — дедим мен.

— Пахта солдим этакка,

Юк бўлсин деб, эшакка.

Суҳбат ҳазил-хузул аралаш давом этади. Аммо, шийпонга яқинлашгач, Сайёра бирдан жиддий тортиди.

— Афсуски, хурсандчиликнинг умри қисқа бўлади.

— Йўқ, мен сиз билан бахтиёрман...

— Бугун шундай, эртага-чи?

— Эртага сиз мен билан бўлмайсизми? — дедим хайрон.

— Эртага мени сиздан тортиб олишса, нима қиласиз?

— Шундай одам борми?

У баракка югуради. — Сиз қолинг. Бир соатдан кейин кирасиз.

Барак эшиги олдида пойлаб турган домла бемаҳал юргани учун Сайёрани қойий бошлайди. Мен нафасимни ютиб, домладан ғойибона узр сўрайман.

1 ноябрь.

Сайёра билан кун бўйи учрашолмай юрдим. Аксига олиб соатимнинг батареяси тугабди. Наҳотки, у энди мендан ўзи учун келиш, кетиш, қулиш ва ҳоказо вақтларини сўрамаса. Сени кўргим келар, жоним қайдасан?

Терган пахталаримнинг ярмини Сайёранинг номига ўтқазиб юбордим.

Кечқурун овқат олиш учун навбатда турсам, биров енгимдан тортади.

— Кетиб қолманг, овқатимнинг ярмини сизга берман.

— Сиз ея қолинг. Ҳали айланишга чиққаннимизда чарчаб қолмайсиз.

— Ҳо-о, айланишга чиқмайман... Сиз билан эса уму-ман гаплашмайман.

— Қайси гуноҳим учун?

— Сиз ёмонсиз. Сиз билан юришга қўрқаман!

— Илтимос, бир марта.

— Йўқ, йўқ, йўқ.

Қайта-қайта илтимос қилавериб, охири кўндирдим.

Кузда ҳам худди ёздагидай ҳали кун ботмасдан юлдузлар кўрина бошлайди. Бошимиз оққан томонга юра-юра йўнғичқазорга бориб қолдик. Чигирткалар оёқ остида пирллаб учади. Бутун борлиқни қамраб олган кучли чириллаш, мана шу митти ҳашоратники эканлигига ишонгинг келмайди.

— Одамда илоҳий куч бор. Мен ҳозир худди сеҳрлангандайман, дейди Сайёра. Фикрини тугатишга сўз тополмай кулади. Менинг ҳолим эса ўзимга аён. Уни аллақачон эшитмай қўйганман. Аллақачон ҳушимни йўқотганман. Аъзойи таним қизиган сари ўз-ўзимга қарата пичирлайман: У меники, у бутунлай меники. Икки томчи сувдай бир-биримизга мосмиз.

Сўнгра у ҳам ночорликка маҳкум кимсанинг сукуна-тига чўка бошлагач, ҳеч қандай пичирлаш керак бўлмай қолди.

Унинг қўлларида ушлаб, ўзимга тортдим. Лабларимиз бирлашди. Вужудимиз, жой-жойига тушган ошиқ-маъшуқлардай ажралмас оташга айланди.

Анча пайтгача уйқум келмади. «Тонг нега бунча тез отмоқда. Тун, нега бунча қисқа? Радиони пастлатиб, қўшиқ эшита бошладим. Наводан нафас олаётгандай эдим. Шунча бахтни сезмоққа танамиз қодир-а?! Ҳаёт баҳри-дилимни ҳеч қачон бунча очмаган, бунчалик қувватлан-тирмаганди. Олам бунча ёруғ, азизим! Бунақа лаззатдан кейин ухлаш-бахтсизлик».

Кейин булутлардан ҳам юқорида, зангори осмон бағрида уча бошладим.



2 ноябрь.

Эрталаб Сайёранинг уйига кетиб қолганлигини эшитдим. Дараклашга ботинолмадим. Бизнинг муносабатлари-

мизни ҳали ҳеч ким билмасди. Ҳар бир лаҳза ўтган сари уни соғина бошладим. Соғинганим сари юрагимда чидаб бўлмас даражада оғриқ уйғонар эди. У кўзимга шу қадар яхши кўринардикки, «Сени севаман Сайёра, севаман» дердим ва бу сўзни кеча ўзига айтмаганимдан хафа бўлардим. Мабодо ҳозир қаршимдан чиқиб қолса, шартта айтаман дердим ва бутун вужудимда уни қаттиқ севиб қолганлигимни ҳис қилардим. Сайёрани ўпганим ҳаётимдаги биринчи бўса эди.

Ўша куни тунда, қоп-қоронғида тимирскиланиб, кўрпаларимни тўшашга ҳозирлаб қоқа бошлаганимда, ёстиғим остидан топиб олганим — Сайёра ташлаб кетган қоғозни ўқиб туриб, яна ҳеч нарсани тушунмадим.

Хатда қуйидагилар ёзилган эди:

Маҳмуд ака!

Сиз билан хайрлашмадим. Менга туюладикки, сиз ҳаёлимдан ҳеч қачон ўчмайдигандайсиз. Ҳар доим ёнимда мен биландайсиз. Лекин биз энди ҳеч қачон учрашмаймиз. Ҳеч қачон. Сиз билан ўтган дамларимиз энг гўзал кунларимиздир. Бундайки... бундан кейин ҳеч қачон бўлмайди.

Айтишади-ку: «Асл ишқ-айрилиқ, дил-васл эрмаги» — деб,

мен мана шу айрилиқ билан ўзимни жазолайман. Мен шунга лойиқман. Бундан кейин йўлларимиз айри кетса, сиз ҳам ўкинманг. Ўтган кунларни хотирланг. Бахтли бўлганимизни унутманг. Сиз билан учрашувимиз тасодиф эди. Тасодифлигича қолсин. Мени кечиринг. Сайёра».

12 ноябрь.

Бугун пахта терими тугаб, Тошкентга келдик. Кун бўйи Сайёрани изладим. Уни яхши кўриб қолганлигимни, севишимни айтмоқчи эдим. У Хоразмга кетган шекилли, ётоқхонасида йўқ. Бир ҳафтадан кейин ўқиш бошланади. Балки ўшанда учрашармиз.

20 ноябрь.

Бугун Сайёрани кўрдим. Бир йигит билан гаплашиб турган экан. Ёнларига бордим. Мен билан бош силкиб сўрашди-ю, яна ўша йигитга кўз тикди. Менга нисбатан бу қадар беписандлигидан ҳайрон бўлдим. Ва ниҳоят ёнларига бориб, қўл узатдим.

— Ҳа Сайёра, қандайсиз?

— Зўр, ўзингиз яхшимисиз?

— Нега пахтадан кетиб қолдингиз?

— Азиз акамнинг туғилган куни эди. Танишинг.

Мен истамай ёнидаги йигитга қарадим. Азизи шу бўлса керак. У энди мени таништира бошлади:

- Маҳмуд ака, бизнинг факультетда ўқийдилар.
- Сайёра, бир кўришайлик. Гапим бор.
- Билмадим, энди Азиз акам билан... вақтимиз бўлмаса керак.

Ортиқча туришга тоқат қилолмадим. Сайёра, гўё ора-мизда ҳеч нарса бўлмагандай, ўзини бепарво тутар, Азиздан кўзини узмас эди. Жуда дарғазаб бўлдим. Қўлидан судраб кетишнинг эпини қилолмадим. Ўзи истамаса нима ҳам дердим.

Ҳа, Сайёра мени таҳқирлаган экан, таҳқирлаган экан. Таҳир деган ўпқон қаъридан, «дод» садоси баланд ўрлайди. Садоларга осилгин аммо, садо сени қутқаролмайди...»

Сайёра, нега бундай қилди. Севгани бор экан, нега мени алдади?

30 декабрь, 85 йил.

Янги йил олди, талабалар карнавалида уларнинг кучоқлашиб турганларини яна бир бор ўз кўзларим билан кўргач, йўлларимиз айро-айро кетганини тушундим ва ортиқча изтиробларга ўрин қолмаганлигини англаб етдим.

Биринчи бўса ва биринчи хиёнат тарихи шундай якун топди».

Кундалик ўқишни шу ерда тугатдим. Сайёра туфайли чеккан азобларим ниҳоясиз эди. Ўқишга ортиқча тоқатим қолмай, ўрнимдан қўзғалдим.

Пастда ўйин-кулгу, дилхушлик, «бир содиқи дилдорлик» истаб, диванда ноз-карашма билан ўтирганлар кетиб қолмадимикан, деган хавотирда эшик дастасига қўл югуртирдим.

Хонада ёлғиз қололмас эдим...

ҲАММАГА ЁҚАДИГАН АСАР ЁЗИШ ҚИЙИН!

(суҳбат)

— *Муҳаммад ака! Газетамиз учун Сиз билан суҳбат уюштирмоқчи эдик. Бизга юз фоиз тўғри, ҳаққоний жавоб бера оласизми?*

— Тўғри сўз ҳам чангалзорда юрган гўзал оҳуга ўхшайди. Осойишта жойда ўзини кўз-кўз қилади, хатар келса беркинади. Сўз — жоннинг ҳимоячиси... Ҳар бир одам гапиришдан олдин, шу нарсани айтсам менга зиён етмасмикин, деб ўйлайди. Ҳаётда тўғри саволингизга тўғри жавоб берадиган одам кам учрайди. Тўғри қилишади. Гўзал оҳу қанча кўп яшаса, бизга шунча яхши эмасми?

— *Ёзган асарларингизда-чи? Унда ҳам тўғри сўзни кам ишлатасизми?*

— Мен тўғри деб билган нарсани, Сиз ҳеч қачон тўғри деб билмайсиз-ку. Мен бугун тўғри деб билган нарса, эртага эгри бўлиб кўринса, бундан шахсан мен ўзим ҳам ажабланмайман.

— *«Шоирларга эргашганлар адашурлар, илло...»*

— Ҳа, тўғри. Фақат иймонли шоирлар бундан мустасно.

— *Майли, келинг, асосий қисмга ўтайлик. Биринчи саволимиз: уқубутлар кишидаги енгилтакликни қувади, руҳан юксалтиради. Яхши ёзувчи бўлиш учун бахтсиз болаликни бошдан кечириш керак, деган гап бор. Шу фикрга қўшиласизми?*

— Бу бир томонлама тўғри. Алишер Навоий ҳокимнинг оиласида туғилган. Бобур Мирзо шоҳ хонадонида таваллуд топган. Лев Толстой графлар сулоласидан эди. Пушкиннинг ҳам болалиги азобда ўтмаган. Кишининг улуг мақомга эришиши насл-насабга ҳам, тарбияга ҳам боғлиқ. Бойликка ҳеч қачон нафрат кўзи билан қарамаслик керак. Бойликдан тўғри фойдаланган одамларнинг фарзандлари гўзал, оқил ва истеъдодли бўлиб етишадилар. Қолаверса, Худо кимнинг пешонасига яхши ёзувчиликни қисмат қилиб битган бўлса, уни бу йўлдан на камбағаллик, на бойлик тўхтата олади. У одамга ер юзида биронта тўсиқ йўқ.

— *Адабий асарларда, хусусан, Сизнинг асарларингизда меҳр-шафқат, фидойилик тараннум этилади. Айтайлик, дангасалиги ва бошқа қусурлари туфайли бахтсиз, ночор одамни қўллаб-қувватлаш, раҳм қилиш, унга ниманидир фидо этиш жоизмикин?*

— Бизда қачонлардир шундай мафкура ҳукмрон эдики, унда камбағаллик мадҳ этиларди. Қашшоқлик фазилат саналарди. Камсуқум яшашга чақириларди. Бугун замон ўзгарди. Эндиликда қанча меҳнат қилсанг, қанча бой бўлсанг, замонга хос равишда қадам ташлаётган ҳисобланасан. Фақат ўз лаёқатингни тўғри йўлга сола билсанг бўлди. Лекин бахтсизларга, ночор одамларга раҳм қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳар бир инсоннинг бурчи. Бой бир кунда камбағал бўлиб қолиши мумкин, камбағал бир кунда бойиб кетиши мумкин. Тақдир баъзиларни абадул-абад камбағаллик исканжасида сақлайди. Унинг ўрнида мен бўлиб қолишим мумкин эди, деб ўйлаган одам, ҳеч бўлмаганда кўрқув туфайли ҳам, ўз марҳаматини аямайди. Бахтли одам, бой одам шукр қилиши керак, бу давлат менга ғойибдан келди, ҳолбуки, келмаслиги ҳам мумкин эди, дейиши лозим. Ўзига тўқ одамнинг ночор одамларга ёрдам қўлини чўзиши гўзал фазилатдир.

— *Сиз бой мамлакатларда, шунингдек, нисбатан камбағал давлатларда бўлгансиз, у ерда яшаётган одамлар билан танишгансиз. Бой ва фақир кишилар орасидаги психологик тафовутни сездингизми?*

— Баъзи давлатлар ўз аҳолиси овқат сероблигидан семириб, соғлиғини йўқотмаслиги учун йилига 70 млрд. доллар сарфлайди. Баъзи давлатларнинг айрим фуқаролари дарахт тагида туғилиб, дарахт мевасидан, баргларида еб, уй-жойсиз худди шу ерда, дарахт тагида ўлиб кетадилар. Баъзи бир одамларнинг бойлиги бутун бир мамлакат аҳолисининг бойлигидан кўпроқдир. Бугун — ахборот алмашинуви яхши ривожланган даврда очлик ва тўқлик ҳақидаги бундай хабарлар Ер шарининг у четидан бу четига бир сонияда етиб боради. Ҳамма учун ўз умри, ўз ҳаёти, фарзандлари, ўз Ватани азиз. Шунинг учун ҳам камбағал давлатлар сония сайин ривожланиш сари қадам ташламоқда. Тараққиёт сари элтадиган ҳар бир чора-тадбирни қўлламоқда. Туркия, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Индонезия сингари мамлакатлар яқин ўн йиллар ичида дунёнинг энг қудратли давлатларига айланади. Она Ўзбекистонимизнинг ўн бир йил ичида буюк тарақ-

қиёт остонасида ташлаган қадамлари энг оламшумул юксалишлардандир.

— *Чет эл кўп ҳамюртларимизни оҳанрабодай ўзига тортади. Юксак ривожланган давлатларнинг жозибаси нимада?*

— Ўзбек Ер юзининг ҳамма жойида ўзбек бўлиб қолаверади. У ҳеч қачон ўзлигидан, миллатидан, тилидан, Ватанидан воз кечмайди. Бугун чет элларга ишлаш учун кетаётганлар, эртага сармоя келтиришади. Бу сармоя билан тадбиркорлик ишларини ривожлантиришади. Қолаверса, чет элга бориб ишлаш бу вақтинчалик ҳолат. Шуни яхши билиш керакки, ким қайси давлатга бориб ишласа, демак, ўша давлатнинг юксалишига ҳисса қўшади. Ҳар бир ўзбекнинг, ҳар бир юртдошимизнинг асосий мақсади эса фақатгина Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшмоқдир. Агар чет элга бориб, топган сармоясини ҳамда ўз лаёқатини, кучини, тафаккурини ўша давлат равнақи учун ишлатса, бу одам уни улғайтирган, ўстирган, еб-ичириб, тарбия берган ота-онасидан воз кечган ҳисобланади.

— *Баъзи шоирлар: «Мен фақат ёзаётганимда ижод-корман, қолган вақтда талай қусурлардан холи бўлмаган оддий бир кишиман», — дейишади. Бу гап Сизга ҳам тааллуқлими?*

— Бу ижодга тааллуқли гап. Шоирлик - илоҳий мақом. Уни оёқости қилганларни сўзнинг уволи тутади. Бугун шеърият боғида «зағча»лар шу қадар кўпайиб кетдики, айниқса қўшиқчиликда.

Биз — Навоийнинг, Бобурнинг авлодларимиз. Ижодкор ҳолатида эмас, «талай қусурлардан холи бўлмаган оддий бир киши» ҳолатида ёзаётганлардан шеъриятимизни асрашимиз керак. Ҳамма нарсанинг ўлчови бор: метр, кг., градус. Шеъриятда ҳам шундай: вазн, туроқ, қофия сингарининг ҳам ўз алифбоси бор. Шеърият чамани «ўтлайдиган» жой эмас.

— *Маҳаммад ака, кўпгина асарларингиз муҳаббат ҳақида. Ўзингизни аёл қалбининг билим-*



дони ёхуд лоақал, аёл кўнглини яхши тушунадиган одам, деб ҳисоблайсизми?

— Йўқ. Аёл қалбининг билимдони эмасман. Мен шунчаки унинг мафтуниман. Бу мўъжизавий санъат асарининг оҳанграбоси, жозибаси мени сеҳрлаб қўйган. Аёл қалби фақат муҳаббатга лойиқ. У фақат улуғланишга лойиқ. Худо севишимиз учунгина аёл қалбини яратган.

— Сиз ҳақиқий муҳаббат намунаси деб билган бирор воқеани айтиб бера оласизми?

— Деярли ҳамма ўзининг бошидан кечирган муҳаббат достонини ҳақиқий муҳаббат намунаси деб билади. Менга Ойбек ва Зарифа Саидносирова ўрталаридаги ҳаёт муҳаббатнинг энг юксак намуналаридан бўлиб туюлади. Бунчалик меҳр, бунчалик муҳаббат, бунчалик фидойиликни мен ҳеч жойда ўқимаганман ҳам, кўрмаганман ҳам, эшитмаганман ҳам. Кейинги юз йилликда бундай юксак ҳодисот камдан-кам учрайди. Уларнинг ҳаёти ўзбекнинг юраги нақадар гўзал ва буюк эканлигини асрлар оша, абадулабад бутун инсоният олдида таъкидлаб туради.

— Сўнгги саволимиз. Ҳатто душманларингиз ҳам тан оладиган, мақташга мажбур этадиган даражадаги асар ярата олишингизга кўзингиз етадими?

— Душманлар яхши асар эмас, ёмон асар ёзсангиз, мақташади. Яхши асар ёзсангиз, аввало, дўстингиз кўпаяди. Худога шукр, мен ҳамиша яхши одамлар орасида яшаб келяпман. Худо хоҳласа, ҳаммага ёқадиган асарни албатта ёзаман. Бу асарни ёзмасдан ўлишга ҳаққим йўқ. Бу асарни ёзмасдан ўладиган бўлсам, Худо мени яратмаган бўлар эди.

Суҳбатдошлар:
Беҳзод ИСРОИЛОВ,
Ортиқ СУЛТОНОВ

ОППОҚ ГУЛДАЙ ОЙДИН ХОТИРА

(Ҳикоя)

Ёшинг ўтгач, шахсий муносабатларда шу қадар инжиқлашиб қоларкансан-ки, эҳтимол-у-шубҳаларни бир-ма-бир тусмоллаб чиқиб, ҳадиксирашга хожат йўқлигига ишонч хосил қилмагунингча, бир ишни бошлашдан хайиқиб туравераркансан киши. Худди, хужжатли фильмларда қариган шер кўзини лоқайд юмгани каби, сен ҳам қаршингда турган киши ҳали оғиз очмасдан, унга нима деб жавоб бериш кераклиги бўғзингда етилиб турган бўлади. Ким нима демоқчи, бундан унга нима фойда-ю, сенга нима зиён, ҳаммаси бетиним равишда тарози палласига тушиб-чиқиб тураверади. Ва ниҳоят чарчайсан. Дунёда беминнат бирон нарса борми ўзи? Биров сен учун ўзидан кечиб, бирон нарса қилганми? Хотираларинг бу яқин оралиқдан ҳеч нарса тополмай, олисларга, ёшлик, болалик йилларингга етаклайди.

Бу воқеа миямга шу қадар муҳрланиб қолган-ки, агар шу кетишда борса, вақти келиб, дорилбақога сафар қилдиган бўлсам, бундай ўтмиш билан яратган Парвардигор олдида нима деб жавоб бераман экан-а, дея ўйланиб қоламан. Лекин, нима қилайлик, ёшликнинг кўзи кўр дейишади, олдинда бизни нималар кутаётгани етти ухлаб тушимизга кирмасди.

У замонларда бундай ташвиқот поездлари бутун Ўрта Осиё бўйлаб санғиб юрар, ёшлар қўмитаси томонидан ташкил этилгани учун, қандайдир маърузалар ўқилар, кейин концерт, икки-уч соатга чўзилган йиғин, дискотека билан якунланарди.

Туркистон шаҳридаги йиғинимиз ҳам аввалдан белгилаб қўйилгандай кетаётганди. Мен ҳам ўртага чиқиб шеър ўқиган, менга ҳам чалинган қарсақдан хижолат тортиб, елкамдан тоғ тушгандай, четроқда айланиб юрардим. Кеч туша бошлаганди. Поездимиз яна икки-уч соатдан сўнг, кечаси билан йўл юриб, бошқа шаҳарга етиб бориши керак эди.

Муסיқа қаттиқ чалиниб, ўйинга чорлай бошлади. Қоронғу тушиб улгурмаган, ранг-баранг чироқлар, умум хурсандчилигига қоришиб, мислсиз файзли оҳанграбони ташкил этарди.

Шу пайт, оппоқ кўйлакли қиз, йиғин ташкилотчиладан шекилли, барчани даврага тортиб юрганига кўзим тушди. Қиз маликаларга ўхшарди. Сочлари кесилган, юзлари оппоқ, қора кўзлари ёқутдай жилваланарди. Атроф шу қадар ғариб туюлиб кетди-ки, нақадар афтодаҳол, юпун, сафарда юравериб, кир-чирларига ботиб кетганим ва олам бу қадар ҳам гўзал бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйламаганимдан, ўзимни бутунлай йўқотиб қўйгандим. Орадан бир лаҳза ўтмаган эди-ки, у қиз айланиб ёнимга келиб қолди.

— Юр, ўйингга тушамиз!

— Э, мен билмайман.

— Ўзим ўргатаман, келсанг-чи.

Бир сония иккиланиб турсам, бу қиз бошқа ҳеч қачон келмаслигини сезиб, беихтиёр эргашдим:

— Агар чақирмаганингда, олдинга келолмасдим.

— Нега?

— Негаки сен жуда чиройли экансан.

— Сени меҳмон дедим-да!

— Раҳмат, сен меҳмон деяпсан-у, лекин сен билан ўйнаётганимни кўриб, анови болалар, калтаклашга шай туришибди.

— Энди, бу ердан ташқарига чиқма. Кетар чоғингда ҳам, ўртоқларингнинг ўртасида кет.

— Нима, уларнинг ичида йигитинг борми?

— Йўқ. Йигитим Москвада ўқийди.

— Булар-чи?

— Улар мени қизғанишяпти холос.

— Мен сени уйинггача кузатиб қўймоқчиман.

— Бунинг иложи йўқ. Улар кўпчилик. Қоронғида аяб ўтиришмайди. Бу қилиғим учун, балки мени ҳам соғ қўйишмас.

— Уйинг узоқдами?

— Узоқда. Лекин сен мендан хавотирланиб ўтирма.

— Ҳеч нарсадан хавотирланганим йўқ. Сенга бор-йўғи бир гапни айтмоқчиман холос. Шунинг учун, албатта кузатиб қўяман. Мени кўрқоқ деб, ўйламай қўяқол.

— Сенга нима бўлди? Ахир сен йўлни қайтишда топиб келолмайсан-ку. Бу ернинг кўчалари қоронғу бўлса-ям, чироқ ёқиб қўйишмайди.

— Бир гап бўлар. Илтимос, йўқ дема, сени кузатиб қўяй.

— Ўзинг биласан.

Сўнгра роса ўйинга тушдик. Ниҳоят, ҳеч кимга билин-

тирмай даврани тарк этдик. Рости, унга айтадиган ҳеч қандай гапим йўқ эди. Тилимга бирор тузукроқ гап ҳам келақолмасди. Фақат у билан ёлғиз қолишга ҳаракат қилаётгандим, холос.

Биз қоронғу кўча бўйлаб секин етаклашиб кетаётган эдик-ки, беш-олти бола биз тарафга югуриб келаётганини кўрдик. Шунда у кўлимдан ушлади-да, шиддат билан зим-зиё кўча қаърига бошлаб кетди.

Унга эргашиб югурар эканман, болаларнинг ҳаракатга тушиб қолганини, бақир-чақир қилиб сўкинаётганини, ниҳоят, қайсидир бири тош отганини, иш ҳавфли тус олаётганини англаб етдим. Энди, олдингидан ҳам тезроқ югура бошладик. Энди, унинг кўлидан ушлаб олган, қаерга бўлса-да, қочиб қутулиш пайида чопардик.

Тошлар зув-зув учиб, ёнимизга туша бошлади

— Ниҳоятда жаҳдим чиқиб кетди. Агар биронта тош Заурет (у қизнинг исми шундай эди) га тегса, ҳаммасини уриб, бошини ёраман деган фикр чархпалак бўлиб хаёлимда айланарди. Шу пайт оёғим тош тўкилган уюмга тегиб, шартта тўхтадим. Атайдан, тошларни ҳар тарафга шу қадар кўп отдим-ки, уйларнинг ойналари, шиферлари синиб, итларнинг тинимсиз вовуллаши тўрт тарафни босиб кетди. Мен одамлар кўчага чиқса, анавилар қувишдан воз кечиб, қочиб қолишади — дея, жон жаҳдим билан зувуллашиб тош отардим.

Шовқин-сурондан саросимага тушиб қолган болалар, орқага қочишди шекилли, сўкинишлари узоқдан эшитила бошлади. Биз эса, уй эгалари югуриб чиқмасдан тун қаърига ғойиб бўлдик.

Бу шаҳарни мутлақо билмасдим. Юриб-юриб кичкина хиёбон ёнидан чиқдик. Хиёбон тепасида неон чироғи ёниб турар, хиралигидан, ҳайкалчанинг кимлигини билиб бўлмас эди. Ойнинг ярқироқ нури, шабодалар ғирллаб турган бўм-бўш кўчалар, бўм-бўш хиёбонни осмон билан боғлаб юборганди.

Қаерга келиб қолганимизни чамаси Заурет ҳам билюлмаётганди. Менинг эса поездим кетиб бўлганди.

— Сени роса излашса керак?

— Излашади. Хайфсан ҳам ёзиб қўйишгандир.

— Кузатиб, бекор қилдинг.

Ҳеч ҳам бекор эмас. Ҳадемай тонг отиб қолади. Уйингни бир амаллаб топиб олсак, бўлди. Мен ҳам тонг отгунча сен билан шу ерда ўтираман. Уйга таклиф қилардим-у,

отам билиб қолса, нақд ўлдиради. Ҳозир мени узатиш пайига тушган.

- Кимга узатмоқчи?
- Бир йигитга. Лекин уни яхши кўрмайман.
- Биронтасини яхши кўрганмисан ўзи?
- Ҳар хил бўлган. Балки севгандирман. Балки йўқ.

Билмайман.

Лекин кимга бўлса ҳам тегиб кетавериш ёқмаяпти.

- Ёқадигани топилмаса-чи?

Балки мени ёқтирадигани чиқиб қолар. Йигит севса, аёл киши яхши кўриб кетаверади.

- Мен сенга, яхши кўриб қолдим десам, ишонасанми?

- Йўқ.
- Нега?
- Негаки, сен тонг отишини кутаяпсан, холос.

Аксинча, шу ой сенинг юзингни тонг отгунча ёритиб турса, сен кулиб турсанг, тиз чўкиб ҳар оқшомни шундай ўтказишга тайёрман.

Заурет, бошимни кўкрагига қўйиб кучоқлади. Унинг кўкракларидан хушбўй ҳид келар эди. Белидан кучоқлаганча, оппоқ сийналаридан ўпа бошладим. Сўнгра унинг ҳароратли, куйдиргувчи, жазиллаб турган оташ лаблари, титроқ лабларим билан бирлашар экан, бутун аъзойи баданимни ўт бўлиб ёндира бошлади.

Кейинчалик, бу ҳолат хотирамда ногирон умримга берилган садақадай муҳрланиб қолди.

Туркистонда уч кун қолиб кетдим. Кун бўйи шаҳар айланардик, кечқурун у уйига кетар, мен меҳмонхонада тунардим. Кетар куним кечқурун уни меҳмонхонада қолишга ундадим. У “йўқ” деди. Уни ёзғириб, меҳрсизликда, бағритошликда айблай бошладим.

Унинг энсаси қотди:

Нима, мен билан танишганингга афсусланяпсанми? Сен билан шунча гаплашиб юрганим етмагандай, ҳали ётмоқчи ҳам бўляпсанми? Муҳаббат деганинг шуми? Мен ҳали қиз боламан. Истасанг, сен билан ётиб қолишим мумкин. Агар мақсадинг шу бўлса, юр.

- Мени кечир, Заурет!

— Сен мени жисмимнигина эмас, қалбимни ҳам севишингни истайман. Шундай севгимиз абадий бўлади.

— Мени кечир, қўлингдан бир марта ўпганимнинг ўзига, бир умр қулинг бўлишга розиман. Ҳеч ким мени сенчалик севмаган.

— Севги ҳақида ҳали гапиришга эрта!

— Билмадим. Сен менга ўзингни фидо қилипсан. Мен эса... эртага кетаман.

— Нима қипти? Буёғини келажак кўрсатади. Истасанг, хабар оларсан, истамасанг, сени кутиб яшайвераман.

— Биз, албатта кўришамиз!

Ўшанда, хайрлаша туриб иккимизнинг ҳам кўзимиздан ёш чиқиб кетганди.

Орадан минг-минг кунлар, худди бир сиқим қум сингари хотиралар йиғиндисига айланиб, ўтиб кетди.

Қанча азобли, изтиробли, омадли ва бахти қаро кунлар, юрагимга бир чангал заҳар ташлагандай, таҳлика ва саросималарга солиб ўтиб кетди. Ҳаётимдаги аёвсиз зирқиратган ёлғизлик силсилалари, абгорлик таҳликалари даври тугул, энг бахтли кунларда ҳам ўша тунни, ўша хиёбонни, унинг очиқ елкаларини, суюб эркалашларини унутолмадим.

У билан ўтган лаҳзалар, энди менга тентакликнинг учига чиққан кўриниши бўлиб туюлсада, нега ўша пайтларни кўп эслайман. Ҳаётимдаги ўша дақиқаларни нега соғинаман? Нега, юрагим орзиқиб кетади? Нега уни эслаган, дийдорини излаган, кўзларидаги оловли қарашлар ўртаган дамларда ўзимни қўйишга жой тополмай қоламан?



Муҳаммад ИСМОИЛ
СИЗ ҲАМОН ЎШАСИЗ...

**Қисса, бадиа ва
ҳикоялар**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси**
Бош таҳририяти
Тошкент — 2003

*Китобда Ренато Гуттузо,
Маркос Сикейрос ва бошқоларнинг
чизган расмларидан фойдаланилди*

Муҳаррир: Аҳрор Аҳмедов
Техник муҳаррир: Д. Габдрахманова
Мусаввир: Г. Шоабдурахимова
Мусаҳҳиҳ: Ф. Нодирова

Босмахонага 5.05.2003 йилда берилди. Босишга 11.08.2003 й. рухсат
этилди. Бичими 84x108^{1/32}. Фин. ялтироқ қоғози. Адабий гарнитура.
Шартли босма тобоқ 7,56. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 8,0. Жами 2000 нусха.
Буюртма №5107. Баҳоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
босилди. 700083. Тошкент. Буюк Турон кўчаси, 41.**